

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

PHILOLOGY MATTERS
ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

ЖУРНАЛ 2002 ЙИЛИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЙИЛИГА 4 МАРТА
ЧИҚАДИ

2020/2

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Бош муҳаррир:

Гуландом БОҚИЕВА

Масъул котиб:

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

ТАҲРИР КЕНГАШИ: Лайло АХМЕДОВА, Жамила ҒУЛОМОВА, Жамолиддин ЁҚУБОВ, Марк КРОССИ (Британия Кенгаши директори), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэл дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Ҳиндистон), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ғанишер РАҲИМОВ, Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, Қосимжон СОДИҚОВ, Илхом ТЎХТАСИНОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Дилбар ЖУМАНОВА, Нилуфар ИСОҚУЛОВА, Ирода ҚАҲАРОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Элмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НОСИРОВА, Гулчехра РИХСИЕВА, Ҳалим САИДОВ, Боқижон ТЎХЛИЕВ, Баҳор ТЎРАЕВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Баҳодир ЭРМАТОВ, Гули ЭРҒАШЕВА, Носир ҚАМБАРОВ, Венера ҚАЮМОВА.

Главный редактор:

Гуландом БАКИЕВА

Ответственный секретарь:

Каромат МУЛЛАХОДЖАЕВА

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ: Лайло АХМЕДОВА, Жамила ГУЛЯМОВА, Жамолиддин ЯКУБОВ, Марк КРОССИ (Директор Британского Совета), Абдурахим МАННОНОВ, Рафаэль дел МОРАЛ (Испания), Кесава ПАНИККАР (Индия), Родмонга ПОТАПОВА (Россия), Ганишер РАХИМОВ, Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, Касимджон САДИКОВ, Илхом ТУХТАСИНОВ, Ғайрат ШОУМАРОВ.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ: Хуршид ДУСТМУХАММАД, Дилбар ДЖУМАНОВА, Нилуфар ИСАКУЛОВА, Носир КАМБАРОВ, Венера КАЮМОВА, Ирода КАҲАРОВА, Анатолий ЛИХОДЗИЕВСКИЙ, Эльмира МУРАТОВА, Ойниса МУСУРМОНОВА, Саодат НАСИРОВА, Гулчехра РИХСИЕВА, Халим САИДОВ, Боқижон ТУХЛИЕВ, Баҳор ТУРАЕВА, Гулноз ХАЛЛИЕВА, Баҳодир ЭРМАТОВ, Гули ЭРҒАШЕВА.

Editor-in-Chief:

Gulandom BAKIEVA

Executive secretary:

Karomat MULLAKHODJAEVA

EDITORIAL COUNCIL: Laylo AKHMEDOVA, Jamila GULYAMOVA, Jamoliddin YAKUBOV, Gayrat SHOUMAROV, Mark CROSSEY (Director of the British Council), Abdurakhim MANNONOV, Rafael del MORAL (Spain), Kesava PANIKKAR (India), Rodmonga POTAPOVA (Russia), Ganisher RAHIMOV, Kasimjan SADIKOV, Shuhrat SIRAJIDDINOV.

EDITORIAL BOARD: Khurshid DUSTMUKHAMMAD, Dilbar DJUMANOVA, Nilufar ISAKULOVA, Nosir KAMBAROV, Venera KAYUMOVA, Iroda KAHAROVA, Anatoliy LIXODZIEVSKIY, Elmira MURATOVA, Oynisa MUSURMANOVA, Saodat NOSIROVA, Gulchekhra RIKHSIYEVA, Khalim SAIDOV, Ilkhom TUKHTASINOV, Bakijan TUKHLIEV, Bahor TURAYEVA, Gulnoz KHALLIYEVA, Bahodir ERMATOV, Guli ERGASHEVA.

Нашр учун масъул: Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА



Нурбой Жабборов

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори

“ЎТКАН КУНЛАР”ДА МИЛЛИЙ РУХ ИФОДАСИ

АННОТАЦИЯ

Адабиётнинг асл моҳияти миллий рухнинг бадиий талқинига кўра белгиланиши, муайян ижодкор асарини баҳолашда миллий адабий-эстетик тафаккур асосий мезон экани мақола илмий концепциясини ташкил этганлиги. Қайси тилда яратилган бўлишидан қатъи назар, жаҳондаги ҳар бир халқ адабиётининг энг сара намуналари миллий рух ифодаси нуктаи назаридан илмий таҳлил этилиши зарурияти долзарблик касб этади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ХХ аср ўзбек адабиётида ана шу мезонга жавоб бера оладиган асар сифатида таҳлил этилган.

Муаллифнинг фикрича, “Ўткан кунлар” романида миллий рух куйидаги уч тамойил асосида намоён бўлган: 1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзу-армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) асарда миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши. Ўз навбатида, бу тамойиллардан биринчиси – миллатнинг ахлоқи, иккинчиси – иродаси, учинчиси – эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий руҳни ташкил қилади.

Мақола сўнгида тадқиқот натижалари назарий умумлаштирилган.

Калит сўзлар: роман, миллий рух, миллат ахлоқи, эътиқод, ирода, миллий озодлиқ, бадиий тасвир, сўз кўллаш маҳорати, ифода, ижод концепцияси, адабий-эстетик мезон, бадиий талқин.

Nurboy Jabborov

Professor of Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy, Doctor of Philological Sciences

THE EXPRESSION OF NATIONAL SPIRIT IN “DAYS GONE BY”

BY ABDULLA KADIRI

ANNOTATION

The scientific concept of the article is that the national literary-aesthetic thinking is of primary criterion in evaluating a writer's work and the essence of literature is determined by the artistic interpretation of the national spirit. The best examples of folk literature in the world, regardless of the language in which it is written, is on the agenda as a question number one to be analyzed scientifically in terms of the expression of the national spirit. Abdulla Kadiri's novel “Days Gone By” has been analyzed in twentieth-century Uzbek literature as a work that can meet this criterion.

According to the author, the national spirit is reflected in the novel “Days Gone By” on the basis of the following three principles: 1) the interpretation of specific customs, traditions, values, dreams and aspirations of the nation, embodying the spirit of the nation; 2) an expression of the nation's potential to look at itself in a critical spirit; 3) poetic depiction of fixed beliefs inherent in national personalities in the play. In turn, the first of these principles embodies the morals of the nation, the second - the will, and the third - the beliefs, and this trinity forms the national spirit as a whole.

At the end of the article, the research results are theoretically summarized.

Key words: novel, national spirit, morality of the nation, faith, will, national freedom, artistic image, word usage, expression, concept of creation, literary-aesthetic criterion, artistic interpretation.

КИРИШ

Моҳиятан умуминсониятга дахлдор бўлса-да, адабиёт миллий шаклда намоён бўлади. Ўзида миллатнинг руҳини ифодалайди. Миллийликдан холи туйғунинг таъсир кучи бўлмаганидек, миллий руҳдан мосуво тафаккур ҳам қанотсиз қушга менгзайди. Шунга кўра, миллийлик – адабиётнинг асосий мезони. Таъбир жоиз бўлса, жаҳон бадиий-эстетик тафаккури кўригида ўзбек адабиётини ажратиб кўрсатувчи бош хусусият, ўзгалардан фарқини намоён этадиган асосий белги, бу – миллий руҳдир. Таъкидлаш керакки, миллий руҳ ифода этилгани асарнинг умумбашарий аҳамиятини зинҳор пасайтирмайди, аксинча жаҳон адабиётида ўзига хос ўринга эга бўлиш имконини янада оширади. Шунга кўра, жаҳондаги ҳар бир халқ адабиётининг энг сара намуналари миллий руҳ ифодаси нуқтаи назаридан илмий таҳлил этилиши зарур. Бу йўналишдаги тадқиқотлар муайян миллат адабий-эстетик тафаккурининг бошқа ҳеч бир халқ адабиётида учрамайдиган ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, адабий жараёнга татбиқ этиш ва ривожлантириш имконини бериши жиҳатидан ҳам қимматлидир. XX аср ўзбек адабиётида ана шу мезонга жавоб бера оладиган асарлардан бири, таъкидлаш мумкинки, ҳатто биринчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидир.

Ушбу роман бўйича кўплаб тадқиқотлар яратилган. Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Баҳодир Каримов, Узоқ Жўрақулов каби адабиётшунослар илмий ишларида ушбу роман мисолида миллий руҳ талқини масаласига у ёки бу даражада эътибор қаратилган. Бироқ бу илмий муаммо алоҳида таҳлилга тортилмаган. Ушбу мақола шу йўналишдаги камтарин бир уринишдир. Табиийки, ушбу мўъжаз тадқиқот алоҳида аҳамиятга эга бу илмий муаммони тўлиқ ҳал этишга даъво қилмайди. Бу борадаги илмий изланишларни муттасил давом эттириш ҳамда такомилга етказиш – келажакнинг иши.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

“Ўткан кунлар”ни инглиз тилига таржима қилган Марк Риз эътирофи-ча: “...асарнинг даражасини баҳолаш мезони маданияти, тили ёки у яратилган даврдан қатъи назар, буюк ёзувчи ўз фикрларини бутун башариятга, ҳар биримизга етказиб бера олишидир. Шунинг учун ҳам бу жаҳон адабиёти дейилади... Қодирий ана шу маррани босиб ўта олди. Айтишим мумкинки, “Ўткан кунлар” жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Фарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил анъаналар тасвири, терминлар ва тарихий даврга хос ҳикоялар жуда кўп. Бу эса айни пайтда юз бераётган жараён – Ўзбекистонни дунёга яқиндан танитиш борасида ҳам катта аҳамиятга эга” [Боймуродова, 2018].

Асарнинг америкалик таржимон эътиборини тортган асосий фазилати миллий руҳнинг бетакрор талқини экани аён. Чунки “Ўткан кунлар” айнан миллатнинг ўзига хос ҳаёт тарзини, бетакрор урф-удумларини, ахлоқини, орзуларини армонларини ифодалагани жиҳатидан дунё адабиёти намояндалари эътирофини қозонаётир. Таржимоннинг ““Ўткан кунлар” жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Фарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил анъаналар тасвири”

берилганини таъкидлаши замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам.

Миллий руҳ бетакрор ифодаланган ушбу романнинг инглиз тилига таржимаси китоб ҳолида нашр этилгач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мактуб йўллаган Марк Риз мана бундай ёзади: "...мен айна пайтда инглиз тилига таржима қилиб тугатган Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи *Марказий Осиё ва жаҳон адабиётида ўхшашли йўқ асар*дир... Ўн беш йил мобайнидаги иш жараёнида нафақат адиб тилига хос нозик жиҳатларни, балки 1938 йилда унинг қатағонга учраши ва ўлимига сабаб бўлган, асарларига жо этилган *чинакам миллий руҳни* (*Барча таъкидлар бизники – Н.Ж.*) илғашга муваффақ бўлдим" [Риз, 2020].

Савол туғилади: муайян ижодкор асарларида миллий руҳ қандай тамоийиллар асосида намоён бўлади? Бизнингча, уларни куйидагича тасниф этиш мумкин: 1) миллат руҳини мужассам этган ўзига хос урф-удумлар, анъаналар, қадриятлар, миллатнинг орзу-армонлари талқини; 2) миллатнинг ўз-ўзига танқидий руҳда қарай олиш салоҳияти ифодаси; 3) миллий шахсиятларга хос собит эътиқоднинг поэтик сувратланиши. Биринчиси – миллатнинг ахлоқи, иккинчиси – иродаси, учинчиси – эътиқодини тажассум этади ва бу учлик яхлит ҳолда миллий руҳни ташкил қилади. Миллий руҳнинг асоси саналган бу уч хусусиятнинг бир асар доирасида поэтик синтезлашуви, истисносиз, феноменал поэтик ҳодиса деб баҳоланишга лойиқдир. Аксар асарларда бу хусусиятлардан бири ёки иккитаси тажассум топгани кузатилади. Шунга кўра, миллий адабиётимиз тарихидаги камдан-кам асар ана шу адабий-эстетик мезонга тўлиқ жавоб бериши мумкин. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи шундай ноёб асарлардан биридир.

МИЛЛАТ АХЛОҚИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Руҳсиз вужуд тирик деб ҳисобланмагани сингари миллий руҳдан айри ҳолда миллат ҳам, миллий адабиёт ҳам мавжуд бўлолмайди. Миллий руҳнинг асосини миллат ахлоқи ташкил этади. Ўрта асрлар адиби Ал-Жоҳиз "Фазойили атрок" ("Туркийларнинг фазилатлари") асарида ажодларимизнинг *номусли, юраги тоза, ёвуз ўй ва ботил фикрдан холи* инсонлар бўлганини; на жангда, на тинч пайти *ҳийла билмаганини, фурсатдан фойдаланмаганини; ўзи ҳам, сўзи ҳам тўғри эканини; бировнинг молига хиёнат қилиш, иккиюзламачилик, кибру ҳаво, катталарга ҳурматсизлик кўрсатиш уларнинг тасаввурига ҳам сиғмаганини* таъкидлайди [Ал-Жоҳиз, 1993]. Бу ҳол Яратганнинг ўзи миллатимизни комил ахлоқ билан сийлаганига далил эмасми?! "Ўткан кунлар"да миллатга хос шу сингари фазилатлар уларнинг зидди бўлган хусусиятлар билан ўзаро қарама-қаршиликда мукамал бадий талқин этилгани кузатилади.

"Ўткан кунлар"нинг бош қаҳрамони Отабек – ориятли, ростгўй, ҳалол, жасоратли ва миллатпарвар шахс. Бунинг устига, у замона аҳволидан хабардор, очиқ фикрли йигит. Ушбу фазилатлар унга қондан, аслида, ўзи мансуб миллат тийнатидадан ўтган ва оилавий муҳит таъсирида камолга етган. Романдаги *"Хотини билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида*

бўлса бўлсин, узоқ сўзлашиб ўлтурмайдиган” [Қодирий, 2017; 147] Юсуфбек хожи – ўзбек оиласидаги отанинг мукамал тимсоли. Оила аъзоларининг унга муносабати шундан келиб чиқади. Қодирийнинг ёзишича: *“Отабекми, онаси-ми, Ҳасаналими, ишқилиб уй ичидан бирортасининг сўзлари ва ё кенгашлари бўлса, келиб ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадирлар; мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўтарилиб унинг юзига қарайдирлар*” [Қодирий, 2017; 148]. Оилабошининг юзига тик қарамаслик – бугунги кунда камёб ҳодисага айланган бўлса ҳам, аввалда миллат ахлоқининг асоси бўлган. Оиладаги муҳитни соғлом сақлашда фавқуллодда аҳамиятга эга бўлган ўзаро ҳурматнинг бу даражага кўтарилишида бош омил, шубҳасиз, Юсуфбек хожининг Худо берган табиатидир: *“Ҳожи бир неча вақт сўзлағучини ўз оғзига тикилтириб ўлтургандан сўнг, агар маъқул тушса “хўб” дейдир, гапка тушунмаган бўлса “хўш” дейдир, номаъқул бўлса “дуруст эмас” дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса бир илжайиб қўйиши билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир. Уй ичи унинг бу феълига жуда яхши тушунганликларидан кўпинча бир оғиз жавоб олиши билан кифояланадирлар*” [Қодирий, 2017; 148].

Ҳар қандай масалада етти ўлчаб бир кесадиған, шу боис оилада ҳам, жамиятда ҳам муносиб мавқега эга Юсуфбек хожи ва унинг ёлғиз ўғли Отабекнинг ўзаро муносабатлари романда миллий ахлоқнинг образдаги ёрқин сувратланишига мисол бўла олади. Ҳар иккаласи ҳам ватанпарвар, миллатпараст, эл ғамини ўз ғами деб ҳис этадиганлардан. Шу сабабли ногаҳон қипчоқ қирғинига гувоҳ бўлган Отабек қаттиқ изтироб чекади. Юрт сўраб турган амалдор отасини бу қабоҳатнинг иштирокчиларидан деб гумон қилиб, бир алами минг бўлади. Ота-ўғил ўртасидаги очиқ мулоқотгина бу масалага ойдинлик киритади. *“Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим, – дейди озор чеккан ота, – ўз қўлимиз билан ўзимизникини кескидан мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти мен бу ваҳшатка иштирок қилган бўлсам, қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб қўшилишқан бўламан? Агарда маним юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттирмоққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимга – сенга маълум бўлмасмиди? Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг шунга қолганда оқсайдир? Нега ёнган юрагимга сен ҳам заҳар сочасан?”* [Қодирий, 2017; 300]

Бундай самимий кўнгил изҳори, табиийки, Отабекка таъсир этмай қолмайди. У *“ўз ҳужумининг ҳақсиз”* эканига амин бўлади. Ўзаро ошқора суҳбат ота-ўғил ўртасидаги тушунмовчиликка барҳам беради. Романда ҳар бир масала талқинида қаҳрамонлар руҳиятининг миллий ахлоқнинг турли қирраларини намоён этадиган ана шундай теран таҳлилини кузатиш мумкин. Умуман, одамларнинг ўзаро мулоқотида ҳам, оилавий масалалар ёки жамият миқёсидаги ҳодисаларда ҳам фикрни очиқ изҳор этиш, *“Ҳазрати атроқ”* муаллифининг таъбири билан айтганда, *ўзи ҳам, сўзи ҳам тўзри* бўлган миллатимизнинг муҳим фазилатларидандир. Бундай самимият ҳар қандай муаммо муолажасининг кафолатидир. Аслида, ўзбек табиатан шундай бўлган. Ҳазрат Алишер Навоий *“Муҳокамат ул-луғатайн”*да *“...турк сортдин тезфаҳроқ ва баланд идроқроқ*

ва хилқати софроқ ва покроқ” [Навоий, 2011; 515] дея таърифлагани ҳам бу-нинг исботидир. Тасаввур қилинг, Юсуфбек хожи синчковлик билан ўғлининг руҳиятидаги ўзгариш ва унинг сабабини англамаганида ёки Отабек озгина жиззакилик билан бўлса-да, отасига юрагини ёзмаганида, бу чигиллик каттароқ гина-кудуратга, бора-бора эса ота-бола муносабатларининг издан чиқишига сабаб бўлиши мумкин эди. Адибнинг маҳорати шундаки, у асар қаҳрамони руҳиятига ҳар доим тўғри ташхис қўяди. Сўзни заргарона қўллайди. Оз сўзга кўп маъно юклай билади. Ўқувчи туйғулари ва шуурига кучлироқ таъсир кўрсатадиган қуйма сўз ва иборалардан фойдаланади. Масалан, Юсуфбек хожи тилидан айтилган мана бу сўзлар бугун ҳам халқ орасида кўп такрорланади: *“Нега ҳар бир нарсага етган ақлинг иунга қолганда оқсайди?”* Қандай ҳолат муносабати билан айтилмасин, бу ибора тингловчи руҳиятига, кайфиятига таъсир қилмай қолмайди.

Романда яна бир қалтис вазиятда – Отабекни Зайнабга уйлантириш масаласи кўтарилганда, миллий ахлоқ талқини ўзига хос тарзда намоён бўлади:

– *“Ўзбек ойим келиб киргандан сўнг Юсуфбек хожи бир неча вақт ўйлаб қолди... Анчагина сўзсиз ўлтургандан сўнг хожи мулойимона сўз очди:*

– *Ўғлим, ҳали сан эшитдингми-йўқми, ҳайтовур биз санинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...*

Отабек, маълумки, уларнинг “қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини” албатта билар эди. Шундоқ ҳам бўлса билмаганга солинди:

– *Ақллик кишиларнинг ўғуллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас, - деди.*

Хожи ўғлининг бу жавобидан ерга қаради ва нима деб давом қилишни билмай қолди” [Қодирий, 2017; 151].

Ушбу вазиятни қалтис деб атаганимиз сабаби, агар оилавий муносабатлар қатъий ахлоқий мезонга таянмаган бўлса, ўзаро ҳурмат-иззат жойига қўйилмаса, ана шу ўринда оила пойдеворига дарз кетиши эҳтимолдан холи эмас эди. Бир-бирини тушуниш ўрнига даҳанаки жанг юз бериши ҳам мумкин эди. Отабекнинг сўзлари – бундай вазиятда ақлли ўғилдан кутиладиган энг оқилона жавоб. Унда нафақат ота-она хоҳишига ризолик, шунинг баробарида, эътироз ҳам мужассам. Бироқ бу эътироз бениҳоя маданий тарзда, донишманд отани ҳам ўйлантирадиган, керак бўлса, ноқулай вазиятга солиб қўядиган шаклда изҳор этилмоқда. Юсуфбек хожининг *“ерга қараши ва нима деб жавоб қилишни билмай қолиши”* сабаби шунда. Романдаги бу тасвирда ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, роман сюжетининг ана шу ўрнида *“туркнинг мулоямати таъби... ортуғлиги”* аниқ бадиий тасвирланган.

Суюкли Кумуши билан турмуш курган бахтиёр Отабекни яна уйлантирдилар – нима учун? Кимга керак эди шунча можаро? Зарурмиди саодатманд ошиқ-маъшук турмушига заҳар солмоқ? Лозиммиди бахтли севги қиссасининг изтиробли яқун топмоғига сабаб бўлмоқ? Бунинг учун ким айбдор? Орзу-ҳавас кўйидаги ота-онами? Ёлғиз кизидан узоқда бўлишни, Тошкентга узатишни истамай, Марғилонда яшашини хоҳлаган Мирзакарим қутидор билан Офтоб ойим-

ми? Муҳаббатидан ўзга айби бўлмаган Кумушми ёки уйланган, оилали Отабекка турмушга чиққан Зайнабми? Шу ва шу каби саволлар кимларни ўйлантирмаган дейсиз? Бу борадаги мунозаралар ҳали ҳануз давом этаётир. Токи фикрлайдиган одамлар бор экан, токи “Ўткан кунлар” мутолаасидан ҳаловат топадиган китобхон мавжуд экан, бу сингари баҳслар интиҳосига етмаслиги аён.

Бизнингча, бу саволларга жавобни муаммонинг илдизидан – миллий ахлоқ талқинидан қидириш зарур. Отабекнинг Марғилондан уйлангани, адиб таъбири билан айтганда, “...отаси учун унча ризосизликка мужиб бўлмаса ҳам, аммо унинг ўғил тўйисидан бошлаб, Тошканд қизларини ост-уст қилиб, у “бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан; бунинг уй-жойлари тузик бўлса ҳам, қизи кўркисиз экан; бунинг қизи-да, уй-жойлари-да тузик, бироқ зоти наст экан” деб қиз, қуда, уй-жой, насл ва насаб текшириб юргучи Ўзбек ойимнинг Отабекни уйландириб, бунинг орқасидан кўрадурган орзу-ҳавас, тўю томошаларини шартта кесиб қўйган бу уйланишига нима дейиши ва қандай қараши албатта маълум эди” [Қодирий, 2017; 147].

Аён бўлганидек, Отабекнинг уйланиши Юсуфбек ҳожида жиддий эътироз уйғотмаган бўлса ҳам, Ўзбек ойим учун кутилмаган ҳол эди. Зеро, “унча-мунча тўю азаларга “кавшим кўчада қолган эмас” деб бормаидиган”, ўрда хонимлари учун ҳам “онахон” мақомида бўлган, “ўз уйида ўлтурғанида ҳам устидаги атлас кўйнак билан адрас мурсакни, оқ шоҳи дакана билан қаҳрабо тасбиҳни кўймаидиган” Ўзбек ойим ўғлининг ўзбошимчалигини – “қошлик, кўзлик бир анди” билан турмуш қурганини кечириши маҳол эди. Қолаверса, Отабекнинг Кумушга уйланишида ўзбек миллий ахлоқининг негизларидан саналган, ҳар бир фарзанд қатъий амал қилиши шарт бўлган бир удумга риоя этилмаган – бу иш ота-она руҳсатисиз, уларнинг оқ фотиҳасини олмай бажарилган эди. Ҳолбуки, “оғма” Ўзбек ойим ҳам Кумушни кўргач, ёқтириб қолади. Отабек ота-она ризоси билан уйланганда, эҳтимол, бу муҳаббат қиссасининг хотимаси ўзгача бўлмоғи ҳам мумкин эди. Романдаги Ўзбек ойим образи ҳақида фикр юритар экан, академик Матёқуб Қўшжонов мана бундай ёзган эди: “Қоида-қонунларни, урф-одатларни тўла ва маҳкам тутадиган ўзбек онасининг мантӣқ портрети аниқ ва равшан чизилган! Бундан ҳам аниқ чизиш мумкинмикин?” [Қўшжонов, 2018; 43].

Ўзбек миллий ахлоқи айбни ўзгачадан эмас, ўзидан қидирмоқни тақозо этади. Халқимизнинг бунга далолат қилувчи машҳур мақоли ҳам бор. “Ўткан кунлар” муаллифи Зайнаб образини тасвирлар экан, унда ана шу фазилат етишмаслигига ишора қилади. Бошқача айтганда, муаллиф миллий ахлоқнинг зиддини тасвирлаш орқали ҳам бу фазилатнинг мавжуд бўлмаслиги наинки муайян шахсни, ҳатто оила ва жамиятни ҳам инқирозга олиб келиши муқаррар эканини образли сувратлантиради. Жумладан, ҳожи Зайнабга Кумуш билан эгачи-сингилдек аҳил бўлиши зарурлигини уқтирган лавҳага эътибор беринг:

- Эгачи-сингил бўлиб кетарсиз-а? – деб такрор сўради қайин ота.
- Билмадим...
- Нега тагин билмай қолдинг?

Зайнаб бир мунча вақт ўйланиб қолди.

– *Қарс икки қўлдан чиқадир, – деди Зайнаб, – мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса, ҳозирги берган ваъдамдан нима фойда бўлсин....*

– *Бошқа гапларни кўнглингга келтирма, қизим. Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч фарқларинг йўқ, иккавларинг ҳам боламизнинг қўшоғи – боламизсиз!* [Қодирий, 2017; 315].

Бу мураккаб вазиятда Юсуфбек ҳожи энг тўғри йўлни танлайди. Аслида ҳам, ўзбек отаси, фарзандларининг саодатини, оиласининг хотиржамлигини ўйлаган одам ўзгача йўл тутиши мумкин эмас эди. Бироқ шу ўринда Зайнабнинг бадгумонлигига, келажакда ундан ёмонлик чиқишига ишора борлигини пайқаш қийин эмас. Унинг “*мен яхши бўлганим билан опам ёмон бўлса...*” деган сўзлари бу фикрни тасдиқлайди. Зайнаб характерига хос, миллий ахлоққа зид бу хусусият охир-оқибатда қанча тақдирларнинг фожиасига сабаб бўлади.

Энди романдан миллий ахлоқнинг қайнота-келин муносабатлари тимсолидаги бетакрор ифодасига биргина мисол: “*Кумуш уялиб зўрагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Қумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Қумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди:*

– *Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, – деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуога очди*” [Қодирий, 2017; 321].

Бу ўринда икки нуқтага эътибор қаратмоқ зарурати бор. Биринчиси – адиб “Марғилонда ҳам” деганда биргина “ҳам” юкламасини қўллаш орқали Юсуфбек ҳожининг миллатимизнинг асл тийнатиغا хос юксак адолатига ишора қилади. Иқтибос матндаги “ҳам” юкламаси замирида “Тошкентда ҳам” деган маъно яширинганини пайқаш қийин эмас. Бу билан ҳожи Қумушга иззат кўрсатиш баробарида Зайнабнинг ҳам ҳурматини жойига қўяди. Ушбу мисол романда ҳатто ёрдамчи сўз туркумига тегишли биргина юклама ҳам ортикча қўлланмагани, аксинча, катта маъно ташиши ҳақидаги муҳим хулосага олиб келадик, бу Қодирийнинг сўзга эътибори, сўзга нисбатан масъулияти, санъаткорлик, сўзни ҳис этиш даражаси нечоғлиқ баланд бўлганига яна бир далилдир.

Иккинчи нуқта, бу Юсуфбек ҳожи Қумушнинг пешонасига теккан ўз қўлини ўпишидир ва бу чинакам миллий урф, тобора унутилиб бораётган удум. Қадим-қадимдан оталар ўз қизларига, келинларига бўлган меҳрларини шу тарзда намоён этганлар, яъни пешонани силаган ўз қўлларини ўпганлар.

Абдулла Қодирий – чин маънода санъаткор ёзувчи. Адибнинг бошқа асарлари сингари “Ўткан кунлар”да ҳам бирорта ортикча детал, ноўрин қўлланган сўз ёки тасвирни учратиш маҳол. Сўз қўллаш маҳорати ҳақида фикр юритилар экан, ижодкор адабий-эстетик қарашининг асосини ташкил этувчи мана бу эътирофи, айниқса, диққатга сазовор: “Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони ифода қилиш учун сўз қуриш, сўзгина эмас, санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингизнинг ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, **ясама бўлмасин**. Мана шу шартни бажариб, бу жиҳатдан таъмин этилгач, бошқа масалаларга ўтишга ҳақ олган бўласан...”.

Умуман, романдаги йирик ёки эпизодик образлар қаторида кичик поэтик детал ёки лавҳа, ҳар бир сўз ёки бирикма таҳлили буюк адибнинг асарда асосий эътиборни миллий ахлоқнинг бадиий талқини масаласига қаратганини исботлайди. Бу масалани янада тафсилотли ва чуқур ўрганиш адабиётшунослик олдидан турган галдаги вазифалардандир.

МИЛЛАТ ИРОДАСИ ТАСВИРИ

Миллатнинг иродасини белгиловчи таянч омиллар нималардан иборат? Қандай ҳолатда миллат чин маънода юксак иродани намоён этмоғи мумкин? Абдулла Қодирий асарларида, жумладан, “Ўткан кунлар” романида миллат иродаси масаласи қандай талқин этилган? Бу каби саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Романдаги эпик тасвирдан келиб чиқиб, миллат иродасининг асосий омиллари сифатида адиб қуйидагиларга эътибор қаратган, деб ҳисоблаш мумкин: 1) миллатнинг ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши; 2) дунё аҳволидан огоҳлик ва миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиши зарурлиги.

Миллатнинг ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олиши. “Ўткан кунлар”нинг дастлабки сатрлариданок Туркистондаги тарихий вазият, миллатнинг ўша кездеги забун ҳолати образли тасвир орқали рамзлар воситасида ҳаққоний сувратланади: “1264 ҳижрия, далв ойининг ўн еттинчиси, қишқи кунларнинг бири, куюш ботқан, теварақдан шом азони эшитиладир...” [Қодирий, 2017; 31]. Савол туғилади: Қодирий нега асарни баҳор эмас, қиш тасвири билан бошляпти? Не сабаб куюш ботқан? – Нимага у чиқиб келмаяпти? Нима учун шом азони, бомдод азони эмас? Табиийки, Абдулла Қодирийдек ҳар бир сўз, ҳар бир рамз, ҳар бир тасвир замирига теран маъноларни жойлай биладиган сўз санъаткори бу ўринда ҳам ҳар бир поэтик детал, бадиий ифодани маълум бир мақсад, муайян ижодий концепция асосида қўллаган. Бу бошланма тасвир тағматнида Туркистоннинг гуллаган баҳори ўтиб, аёзли қиши бошлангани, миллатнинг тараққиёт куюши сўниб, таназзул шом қора зулматини ёяётгани, юксалиш тонги ўз ўрнини инқироз тунига бўшатиб бераётгани ифодаланган [Жабборов, 1999]. Романдаги эпик тасвир жараёнида ушбу концептуал бошланма мантиқий изчилликда давом эттирилади ҳамда юксак поэтик умумлашма даражасида хотималанади.

Романнинг аввалидаёқ адиб Отабек тилидан Тошкент ҳокими Азизбекнинг халққа зулм қилишда ҳаддан ошгани, Шамайга борган бош қаҳрамоннинг Туркистондаги эскирган бошқарув услубини ислоҳ этиш зарурати масалаларидан сўз очади. Жумладан, асарда мана бундай сўзларни ўқиймиз: “Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлигини иқдор этишқа мажбур бўлдим... Бизнинг идорамиз бу кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди... Шамайда эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб, ўриснинг идора тартибини дастуруламал этишка буюрса, мен ҳам

бир ой ичида ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам... Аммо ўз элимга қайтиб кўрдимки, Шамайда ўйлағанларим, ошиққанларим ширин бир хаёл эмиш. Бу ерда сўзимни эшиткучи бирав ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: “Сенинг орзунгни шу хонлар эшитадими, шу беклар ижро қиладими?” деб мени маъюс қилдилар. Илгарирак мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсам ҳам, сўнггидан тўғри сўз айтқанларини билдим. Дарқақиқат, мазористонда “Ҳаййа алал-фалаҳ” хитобини ким эшитар эди” [Қодирий, 2017; 42].

Ана, Қодирий Отабекнинг сўзлари тимсолида миллатнинг ўша кездеги аҳволини қай даражада таҳқиқ этган, танқид қилган. Давлат бошқарув услубини мутлақ ўзгартириш замон талаби эканига доир бу фикрлар замирида нечоғлиқ кенг дунёқараш, қанчалик теран сиёсий онг туриши исбот талаб қилмайди. Ўша мураккаб ва зиддиятли замонда ушбу ҳақиқатни бош қаҳрамон тилидан бу тарзда кескин ва дадил айта олиш учун қандай катта жасорат керак эди.

Романда адиб Қўқон хонлигида, у орқали бутун Туркистонда давлат идора услуби ҳақиқатан чириганини, бошқарув аслида қипчоқ Муслмонкул қўлида бўлиб, Худоёрхон ўйинчоқ мақомида эканини, инсофу адолат ўрнини ҳийла-найранг, офият ўрнини адоват, виждон ва ҳаққоният ўрнини фитна-фасод эгаллаганини аниқ шахслар тақдири мисолида юксак бадий маҳорат билан тасвирлайди. Бундан зоҳиран Отабек ва Кумушнинг севги қиссаси етакчи ўрин тутадигандай туюладиган романда тасвир ва талқин кўлами нечоғлиқ кенг ва полифоник хусусиятнинг нечоғлиқ мукамал экани англашилади.

Дунё аҳволдан огоҳлик ва миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиши зарурлиги. Миллат чиндан миллат бўлмоқни истаса, ана шу фазилатга эга бўлмоғи шарт ва зарурдир. Акс ҳолда у эркини бой беради, босқинчилар оёғи остида топталади, эртанги кунига мавҳумлик зулмати таҳдид солади. Юқорида Отабекнинг Шамай сафари мисолида дунёда кечаётган ҳодисалар моҳиятидан хабардорлик, ким бўлмасин, тараққий этган миллатлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётда қўллаш заруратига доир ёзувчи қарашлари таҳлил этилган эди. Энди миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олиш қудратига эга бўлиши билан боғлиқ адиб орзулари асарда қандай акс этгани хусусида фикр юритамиз.

Асарнинг “Қипчоққа кирғин” бобида қорачопон-қипчоқ можароси боис минглаб кишиларнинг бегуноҳ қатл этилиши, ўз фуқаросини кирғин қилишга амр берган Худоёрхон, бири мансаб учун, иккинчиси бойлик мақсадида, учинчиси бир шаҳарни қарам қилмоқ қасдида одамқушлиқдан ҳам қайтмайдиган кимсалар тимсолида Туркистон таназзулининг илдизлари теран бадий талқин этилади. Юсуфбек хожи ва Отабек тимсолида ёзувчи миллатнинг ўз озодлигини ҳимоя қила олишини жону дил ила орзу қилган ватанпарварлар образини яратади. Тор манфаати йўлида неча-неча ватандошларининг қонини тўкишдан тоймайдиганлар қилмишидан қаттиқ изтироб чеккан Юсуфбек хожи тилидан адиб мана бундай сўзларни айтади: “*Мен қўб умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни не эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст*

муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ, яқиндурки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлига тутқин қилиб топширгучи – биз кўр ва ақлсиз оталарга Худонинг лаънати албатта тушар...” [Қодирий, 2017; 304].

Озодлигини, эркини муносиб ҳимоя қилиши учун миллат жипс бўлмоғи, ўзаро низолардан тийилиб, ташқи ёвга қарши муносиб курашиш даражасига кўтарилмоғи зарур эди. Минг афсуски, бундай бўлмади. Қодирийнинг миллатпарвар ёзувчи сифатидаги хизмати шундан иборатки, ана шу фожианинг илдизларини бор ҳақиқатлари билан очиб беради. Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган: “Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ, яқиндурки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсақ ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйнига ўрус бўйиндиригини кийдирган бўлармиз”, деган башорат ҳақ бўлиб чиқди.

Профессор Бегали Қосимов таъбирича: “...романни «ўткан кунлар»дан «кир» эмас, «нур» топган, бениҳоя оғир замонларда, ҳаётларининг энг бахтсиз онларида юксак ички маданият, нозик дидлилиқ, комил ахлоқ ва одоб намуналарини намойиш этган оталаримиз турмуши, гўзал оилавий муносабатлар, бетакрор миллий колорит тасвири орқали ўзликни танитмоққа қаратилган асар ҳам демак керак бўлади. Бу эса, жадидчиликнинг, бошқача айтганда, миллий уйғонишнинг бош хусусияти, миллатни миллат қилувчи анъаналар эди” [Қосимов, 2011; 209].

Шунинг баробарида, адиб юртда ҳукм сурган ноаҳиллик ва манфаатпарастлик, нифоқ ва адоват оқибатида она замин мустамлака исканжасига тушмоғига сабаб бўлганини образлар, рамзлар, тимсоллар орқали сувратлантиради. Романда Русиянинг Туркистонни босиб олиши билан боғлиқ жараёнлар тасвирланмаган. Асар сюжети 1861 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олиб, унда юртнинг истибдод исканжасига тушиши арафасидаги тарихий вазият қаламга олинган. Лекин роман хотимасидаги мана бу сўзлар адиб асарда йўлини топиб, мустамлакага қарши кураш орзусини ифодалай олганидан дарак беради: “1277-нчи (милодий 1861) йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авлиёотадан ёзар эди: “Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим”.

Юсуфбек ҳожи хатми Қуръон қилиб юртка ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди” [Қодирий, 2017; 384].

Отабекнинг ўрус билан урушда шаҳид бўлиши ҳақидаги хабарнинг ўзиёқ Абдулла Қодирий роман тағматнига Русия истибдодидан озодлик ғоясини маҳорат билан сингдириб юборгани, миллат учун озодлик ҳаёт-мамот масаласи эканига алоҳида урғу бергани исботидир.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: Абдулла Қодирий романнинг асосий қаҳрамонларидан бирига Ўзбек ойим деб от қўйиши тасодифми? Уни хаёлига шунчаки келган исм билан атаганими? Романнинг *қиш, қуёш ботиши, шом азони* сингари миллатнинг тараққиёт қуёши сўниб, таназул тунни бошланганига оид рамзлар билан бошланиб, *Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очиши* билан яқунланиши ёзувчининг асар сюжети ва композициясини пухта ўйланган ижод концепцияси асосига қургани исботидир. Бу орқали миллатнинг забун ҳолига, сиёсий инқирозига, маънавий таназулига ишора қилинган, дейиш мумкин.

Асар сўнгидаги “Ёзғучидан” сарлавҳали изоҳда Отабекнинг ўғли Ёдгорбек ўн тўққизунчи ва йигирманчи йиллардаги (*айни шўролар замонидаги*) очарчиликда вафот қилгани, ундан қолган икки ўғилдан бири Марғилонда масъул ишчилардан, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экани хабари берилади. Отабекнинг ўзи чор Россияси мустамлакасига, кейинги икки авлоди – ўғли ва неварасининг шўро истибдодига қарши курашда қурбон бўлгани ҳам ёзувчининг асл муддаоси миллий озодлик орзусини тасвирлаш бўлганини англатади.

РОМАНДА МИЛЛАТ ЭЪТИҚОДИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Дастлабки асарлариданок исломий руҳ Абдулла Қодирий ижодининг асосини ташкил этгани маълум. “Тўй” шеърида “Амр этибдурму биза Қуръон тўй”, “Мундайн ишлар шаръимизда йўқ” дея миллатни хою ҳавасларни йиғиштириб, Ватан тараққийси йўлида саъй кўрсатишга ундагани ҳам буни тасдиқлайди. “Аҳволимиз” шеърида ватандошларини фарзандларига “Худони(нг) буйруғи бўлган улум ўргатиш”га чорлайди:

Кўр бизинг аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамыз,

Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак,

На Худони(нг) буйруғи бўлган улум ўрготамиз.

Ўзбек замонавий ҳикоячилигининг мукамал намунаси бўлган “Улоқда” ҳикоясида (1916) энг йирик давлатлар бўлинган дунёни қайта тақсимлаш учун жаҳон урушига киришган, инсоният фожиалар гирдобида қолган бир кезде миллат тақдири учун куйиниш ҳиссидан маҳрум ватандошларининг тўйбозлик, улоқпарастлик билан овора эканидан куйиниш ҳисси бадий талқин этилган.

1924 йил ёзида Москвада Валерий Брюсов номидаги Журналистлар институтида ўқиган кезлари ҳам Абдулла Қодирий миллий матбуотда мақолалари билан фаол иштирок этган. Унинг публицистик чиқишларида фикри очик, дунёқараши кенг, эътиқоди мустаҳкам мусулмон адибининг ўткир тафаккури намоён бўлади. “Муштум” журналининг 1923 йил 3-сонида босилган “Таваккалту алаллоҳ”ни деган эр: на талқону на қалқоннинг ғамин ер” сарлавҳали мақоласида тоат-ибодатда, ихлос-эътиқодда, зуҳду тақвода риёзат чекиб, таваккул қилиш мақомига кўтарилган буюк аждодлардан ибрат олмай, ўзининг дангасалигини “таваккул” ниқобига ўраб кўрсатадиган замондошларини аёвсиз танқид қилади. Фикрини далиллаш учун Қуръони карим оятларидан далиллар келтиради. “Кимнинг оғзига қулоқ солсанг: “Бўлса бўлар – бўлмаса ғовлаб кетар”, дея куйинган адиб билими

чала муаллимлар, сўзда полвону меҳнатдан қочадиган ишчилар, авлод тарбияси ўрнида “Қозонда жиз-биз, ўринда сиз-биз” шеърини шиор қилган миллат аёллари, оғизда “Миллатга илм керак, маърифат керак”, дея бонг уриб, ишга келганда томошабин бўлиб турувчи зиёлилик даъвосидагилар аслида Ватан ва миллат таназзулининг бош сабабчилари экани ҳақида изтироб билан ёзади. “Туркистон” газетасининг 1923 йил 24 декабрь сонидида босилган “Ҳуқуқ” сарлавҳали мақоласида шўроларнинг инсон, айниқса, аёллар ҳуқуқини нечоғлиқ оёқости қилгани масаласини ўткир киноя асосида таҳлил қилиб беради. Мақолада: “Шўролар ҳуқумати ҳар бир чоти айри, боши юмалоққа, ҳар бир нотикунга ғайри нотикққа, ҳар бир инсужину деву париға том-том боло-боло бом (мукаммал) ҳуқуқ берди, деб гапуришадирлар. Бу тўғрими, баковул-ясовуллар, қозию қуззотлар бу гапка, бу ишларга тушунадирларми?” – дея савол қўйган адиб ушбу даъволарнинг таги пуч, асоссиз эканини аниқ мисоллар таҳлили орқали исботлаб беради. Таҳлиллари сўнгида адиб ҳуқуқ гап билмаган, иш билмаган Зайнаб опаларники эмас, ҳийлагарликда шайтоннинг устози бўлганларники ёки иблисга мардикор тушганларники, деган хулосани чиқарадики, ўша мустабид тузум шароитида ҳақиқатни бу тарзда айтиш чинакам жасорат эканлиги ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Умуман, Абдулла Қодирийнинг мақоаларида фикр бамисоли чақмоқдай ёрқин – ўқувчининг қалбу шуурини чароғон қилиб юборади, ҳажв ханжари худди жарроҳ тиғидек ўткир – жамиятдаги иллатларни аёвсиз кесиб, муолажа этади.

Мақоламизда қўйилган муаммо – “Ўткан кунлар”да эътиқод масаласининг ёритилишига келсак, роман асос эътибори билан ислом маърифати руҳи билан суғорилганини таъкидлашга бурчлимиз. Бу хусусият қуйидагиларда кўрилади: *адиб асарда вақтни исломий ўлчовда беради*. Саналар ҳижрий-қамарий йил ҳисобида келтирилади. Жумладан, асар “1264-ҳижрия” (милодий 1845-46) санаси билан бошланади. Романга муаллиф ёзган изоҳда Нормухаммад кушбегининг Тошкентдаги беклик санаси 1270-73 ҳижрий йиллар ораси эканлиги айтилади. Қумушнинг қабрига тошдан ўйиб ёзилган лавҳада таваллуди 1248, вафоти 1269 ҳижрий деб қайд этилади ва ҳоқозо.

Романда куннинг қайси палласи эканлиги намоз вақтига кўра белгиланади: “куёш ботқан, теварақдан шом азони эшитиладир”, “субҳ намозини ўқиб арава кўшилди”, “асрдан бироз эртароқ ҳуқумат аскарлари билан халқ орасида уруш бошланди”, “Хуфтон намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бироз унутдирар умиди ила пойчароғ ёнига ўлтуруб, Фузулий девонини варақлар эди” сингари. Вақт ифодаси учун ҳар бир мусулмон адо этадиган беш вақт намознинг ўлчов асоси ўлароқ танланиши, аввало, романда муаллиф томонидан белгиланган ижодий концепция тақозоси бўлса, иккинчидан, романда адабий замоннинг мусулмон эътиқодига мувофиқ поэтик тизим даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бундан ташқари, бошқа ҳар қандай бадиий асарда бўлгани каби “Ўткан кунлар”да ҳам “замон – вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятга кўчади” [Каримов, 2014; 24].

Адабиётшунос Узоқ Жўракулов роман манбаини “илк сюжет” – Қуръони каримдаги Одам алайҳиссалом тўғрисидаги илоҳий хабарга боғлайди. Бу фикр

“илк учрашув мотиви” ва “висол мотиви” билан боғлаб асосланади. Қуръоний ахборотга кўра, “Одам (а.с.) ва Ҳавво онамизнинг жаннатда бирга бўлиши илк учрашув бўлиб, ундан кейин келадиган – башарият ҳаёти учун муҳим учрашувнинг дебочаси эди. Бу ўта ноёб ҳодиса бўлиб, инсоният ўз тарихи давомида илк учрашувнинг бу мақомига қайтиб эриша олган эмас (эришиши мумкин ҳам эмас)... романдаги “ариқ бўйи” учрашувининг эса тасодифга мутлақо алоқаси йўқ. Аксинча, ёзувчи бу учрашувни романнинг бир неча ўрнида (дастлаб Мирзакарим кутидор меҳмонхонасида Зиё шоҳичи тилидан, сўнгра Кутидор ва Офтобойим ўртасидаги мулоқотда, учинчи марта Худоёрхон саройида, Мусулмонкул ва Отабек ўртасида кечган мантиқ мубоҳасасида) **“тақдир шамоли”** дея тилга олади ва буни чуқур бадиий мантиқ билан асослайди” [Жўрақулов 2015: 157]. Таъкидлаш керакки, бундай талқинга асос берадиган асар нафақат ўзбек адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам камдан-кам топилади. Бу ҳол Абдулла Қодирийнинг бадиий асарни ёзишга ҳам собит эътиқод билан ёндашганидан далолат беради.

Асар сюжетида *романнинг асосий қаҳрамонлари ўқиётган китоблар ҳам уларнинг дунёқараши, эътиқоди исломий эканлигини* кўрсатиб туради. Романнинг охириги учинчи қисми сўнгида Юсуфбек ҳожи кўп вақтини меҳмонхонада “Қуръон” ва “Далойил” ўқиб ўтказгани ҳақида сўз боради. XV асрда яшаган мусулмон ақида олими Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий (1404–1465) араб тилида ёзган “Далойил ул-хайрот” – пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га атаб ўқиладиган салавот ва мадҳиялардан иборат асар. Китоб етти қисмдан таркиб топган бўлиб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунида ўқишга мўлжалланган. Асарнинг шарҳлари ва туркий тилга таржималари ҳам мавжуд. Китобда кундалик тавсия этиладиган салавот айтиш усуллари кўрсатиб берилганлиги учун мусулмонлар ундан мунтазам фойдаланган. Ҳатто мазкур китоб ўқиладиган махсус далоилхона деб номланган мактаблар ҳам фаолият кўрсатган. Юсуфбек ҳожининг Қуръони карим ва “Далойил” ўқиётган тарзда тасвирланиши замирида комил мусулмон бўлган адибнинг асл ижодий мақсади ифодаланган. Зеро, “Абдулла Қодирий асарларида машҳур китоблар воситасида қаҳрамонларни етилтириш, ўша рамз ва ишоралар ёрдамида уларни тавсифлаш усули мавжуд муҳим адабий-эстетик ҳодисадир” [Каримов, 2014; 33].

Исломий руҳ, мусулмон маънавияти роман қаҳрамонларининг наинки ташки – зоҳирий ҳаракатларида, балки руҳий дунёсида, ҳар бир сўзида ҳам яққол намоён бўлиб туради. Асарда бетакрор бадиий талқин этилган бу хусусият Абдулла Қодирийнинг инсон руҳияти тасвири борасида ҳам моҳир ижодкор эканидан дарак беради. Романда мавзу “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган “хон замонларидан белгиланган”и таъкидланса ҳам, аслида ёзувчи ўзи яшаб турган давр воқелигини, мустамлака исканжасида қолган миллатнинг дардини, изтиробини, ҳар қандай вазиятда ҳам эътиқодда собит тура олган шахсиятлар маънавий-руҳий оламини асар матнига маҳорат билан сингдириб юборади.

ХУЛОСА

Абдулла Қодирининг “Ўткан кунлар” асари чоп этилиши биланок миллатнинг қалбидан ўрин олгани, қўлма-қўл ўқилгани, ҳатто ёд олингани асарда миллий руҳ ифодаси ўқ чизиқ бўлиб ўтгани натижасидир. Бу ҳол, шундан дарак берадики, миллий руҳ миллий адабиётнинг асосидир. Жаҳон бадиий-эстетик анъаналарини ўзлаштириш зарурлиги исбот талаб қилмайди. Дунё адабиёти-нинг энг илғор тажрибаларидан фойдаланмоқ кераклиги аён. Лекин асл ҳақиқат шундаки, агар миллий руҳ билан суғорилмаган бўлса, ҳар бир сатрида миллатнинг юксак тафаккури, соф табиати, ўй-фикрлари, орзулари, армонлари бўй кўрсатиб турмаса, бундай асар ҳеч қачон миллатнинг маънавий мулкига айлана олмайди. “Ўткан кунлар”нинг умрбоқийлигини таъминлаб келаётган асосий омил ҳам романда миллий руҳнинг беқиёс маҳорат ила ифода этилганидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Al-Djaxiz Abu Usmon Amr. Fazoyili atrok/Arabskiy istochniki o tyurkah v rannee srednevekovie. – Baku, 1993.
2. Boymurodova Sh. “O’tkan kunlar” ni ingliz tiliga tarjima qilgan Mark Riz bilan suhbat // Ma’rifat, 2018 yil 20 sentyabr.
3. Jabborov Nurboy. Millatning yangi kuni //Fidokor, 1999 yil 18 mart.
4. Juraqulov Uzoq. Birinchi o’zbek romani – “O’tkan kunlar”/Nazariy poetika masalalari: Muallif. Janr. Xronotop. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi NMIU, 2015.
5. Rarimov Bahodir. Qodiriy nasri – nafosat qasri – Toshkent: O’zbekiston, 2014.
6. Navoiy Alisher. Muhokamat ul-lug’atayn. To’la asarlar to’plami, 10 jildlik, 10-jild. – Toshkent: G’afur G’ulom nomidagi NMIU, 2011.
7. Riz Mark Edvard. O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevga maktub. www.usa.uz 2020 yil 7 yanvar.
8. Qodiriy Abdulla. O’tkan kunlar – Toshkent: Info Capital Group, 2017.
9. Qosimov Begali. Quyosh borligiday oydin haqiqat /Uyg’ongan millat ma’rifati. – Toshkent: Ma’naviyat, 2011.
10. Qo’shjonov Matyoqub. O’zbekning o’zligi/Tanlangan asarlar. – Toshkent: Sharq, 2018.



Дармон Ўраева

БухДУ профессори, филология фанлари доктори

Наргиза Кадирова

БухДУ катта ўқитувчиси

ЁЗМА АДАБИЁТДА “ЭВРИЛИШ” МОТИВИНИНГ ПОЭТИК ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада “эврилиш” мотивининг жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган кадимий, анъанавий мотивлардан бири эканлиги, унинг поэтик кўринишлари ва вазифалари ўртасида умумий ва хусусий белгилар борлиги, генезисининг мифологик тафаккур билан боғлиқлиги ва унга хос қолдиқларнинг замонавий адабиётда поэтик янгиланишлар асосида яшаб келаётганлиги киёсий-типологик асосда ёритилган.

Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви антик даврдан то ҳозиргача қўлланиб келинмоқда. Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви шеърый, насрий, драматик асарлар сюжетда учрайди. Ундан айниқса, эртақ стилизациясига асосланган асарларда, фантастик ҳамда ижтимоий-маиший руҳдаги роман, қисса, ҳикояларда кенг фойдаланилган.

Антик адабиёт намуналарида қахрамоннинг эврилиши худди фольклордаги сингари илоҳий тарзда юз бериши тасвирланади. Фақат фольклордагидан фарқи шундаки, бунда эврилишнинг маъбудлар истаги ва таъсирида бировга жазо бериш кўринишида юз бериши акс эттирилади. Кейинги босқичларда яратилган бадиий асарларда эса инсон эврилишига унинг бевосита ўзи илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари сабабчи бўлганлиги тасвирланади келтирилади. Шу боис учун кўпинча адабий эртақларда, илмий-фантастик руҳдаги асарларда “эврилиш” мотивининг мана шу маънодаги талқинларига кўп дуч келамиз.

Darmon Uraeva

Professor of BSU, Doctor of Philological Sciences

Nargiza Kadirova

Senior teacher of BSU

POETIC FUNCTIONS OF THE TRANSFORMATION MOTIF IN WRITTEN LITERATURE

ANNOTATION

By means of comparative-typological tools the article describes the ‘Transformation’ motif as one of the most ancient, traditional motifs in the oral and written literature of the world. It explains the existence of general and specific features comparing poetic appearances and functions; correlation between genesis and mythological thinking, as well as the usage of remnants in modern literature on the basis of poetic innovations.

The ‘Transformation’ motif has been used in the written literature since ancient times. In the written literature, this motive occurs in the plot construction of poetic, prose, and dramatic works. It is also widely used in works based on fairy-tale stylization, novels, short stories, narratives, in the spirit of fiction and social life.

Samples of ancient literature describe the transformation of the main hero as divinely as in folklore. The only difference from folklore is that it reflects the fact that transformation takes place in the form of punishing someone under the will and influence of the Gods. The fictions which are created in the next stages of evolution depict the transformation of a human being as a direct result of his/her achievements in science and technology. Therefore, transformation motifs are often encountered in literary tales, works of scientific-fantastic mood.

In the world literature, from ancient times to the present, transformation has been described as being carried out by Gods, demonological forces

Жаҳон адабиётида қадимдан ҳозиргача эврилишнинг маъбудлар, демонологик кучлар (шайтон, жин, ажина ва алвастилар), оддий ёки олим инсонлар томонидан содир этирилиши тасвирланган.

Калит сўзлар: эврилиш, метаморфоза, мотив, жаҳон адабиёти, фольклор, ёзма адабиёт, анъана, индивидуаллик, бадиий маҳорат, поэтик вазифа, тасниф, генезис, мифология, афсона, эртак, роман, қисса, ҳикоя.

(Satan, demon, and witches), ordinary people, or scientists.

Key words: evolution, metamorphosis, motive, world literature, folklore, written literature, tradition, individuality, artistic skill, poetic task, classification, genesis, mythology, myth, fairy tale, novel, short story.

КИРИШ

“Эврилиш” мотиви жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида алоҳида ўринга эга бўлган қадимий ҳамда анъанавий эпик мотивлардан бири бўлиб, бадиий ижод жараёнида ўзига хос поэтик-тадрижий такомил босқичларини кечирганлиги билан эътиборни тортади. Унинг фольклор орқали ёзма адабиётга ўтиш сабаблари, ижтимоий-руҳий асослари, жаҳон адиблари ижодида даврларга қараб турлича бадиий талқин этилганлиги алоҳида қизиқиш уйғотади. Дунё халқлари адабиётида кўп учрайдиган “эврилиш” мотивининг умумий хусусиятлари, генезиси, ички кўринишлари, бадиий тадрижини аниқлаш мифологик тафаккур қолдиқларининг замонавий адабиётда поэтик янгиланишлар асосида яшаб келаётганлигини далиллаш имконини беради.

ИЛМИЙ НАТИЖА ВА ХУЛОСАЛАР

Қадимги одамлар ўлимни бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилиш, ўлим инсоннинг бир оламдан бошқа оламга ўтиши учун восита, марҳумлар олами эса бу дунёнинг тескари кўриниши, у ерга инсон ўз кўринишида эмас, ўзга кўринишга эврилиб кириб боради, деб тушунганлар [Публий Овидий Назон, 1983]. Шундай ибтидоий-мифологик тасаввур-тушунчалар, халқона эътиқодий қарашлар асосида келиб чиққан “эврилиш” мотивидан нафақат қадимги шоиру ёзувчилар, балки ҳозирги замонавий ижодкорлар ҳам ўз асарларининг халқчил руҳини, бадиий таъсирчанлигини ошириш мақсадида фойдаланмоқдалар. Шунга кўра, унинг қўлланишини адабиёт турига қараб, иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Фольклорда қўлланилган “эврилиш” мотиви. Халқ оғзаки ижодида “эврилиш” мотиви барча жанрларда ҳам қўлланавермайди. Бунга унинг хаёлий уйдирма, фантазияга асосланиши, сеҳр-жодуга ишонч, афсонавийлик, ғайритабиийлик билан боғланиши монелик қилади. Шунинг учун ундан фақат сюжети хаёлий уйдирмага асосланган миф, афсона, сеҳрли-фантастик эртак, романик дoston сингари эпик турга мансуб жанрлардагина фойдаланилади, холос. Бундан англашиладики, фольклор жанрлари табиатини белгилашда “эврилиш” мотивининг алоҳида ўрни бор.

2. Ёзма адабиётда қўлланилган “эврилиш” мотиви. Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви антик даврдан бошлаб то ҳозиргача қўлланилади. Ўзбек олимлари Ҳ.Шайхов, ва М.Муродов “Ҳаётбахш хаёллар” асарига ёзган

сўзбошисида таъкидлашганидек: “Эврилиш” мотиви дастлаб қадимги мифларда қўлланилган ва ҳозиргача ёзма адабиётда ҳам кенг қўлланиб келинаётир”. [Муродов М., Шайхов Ҳ. 1985; 10.]. Лекин фольклордан фарқли ўлароқ, ёзма бадиий ижодда “эврилиш” мотиви шеърий, насрий, драматик асарлар сюжет қурилишида учрайди ва улардаги воқеаларни ғоявий-композицион жиҳатдан боғлашда муҳим аҳамият касб этади.

Антик адабиёт намуналарида қаҳрамоннинг эврилиши худди фольклордаги сингари илоҳий тарзда юз бериши тасвирланади. Фақат бунда эврилишнинг маъбудлар истаги ва таъсирида бировга жазо бериш кўринишида юз бериши акс эттирилади. Кейинги босқичларда яратилган бадиий асарларда эса инсон эврилишига унинг бевосита ўзи илм-фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари сабабчи бўлгани тасвирланади. Шунинг учун кўпинча адабий эртақларда, илмий-фантастик руҳдаги асарларда “эврилиш” мотивининг мана шу маънодаги талқинларига кўп дуч келамиз. Хусусан, илмий-фантастик роман, қисса ва ҳикояларда қаҳрамоннинг ўзи кашф қилган бирор нарса, дори ёки тасодифан топиб олинган қандайдир сеҳрли буюми ёрдамида ўз қиёфасини ўзгартириши, ёхуд зумда кўздан ғойиб бўлиши, ёйинки ғойибдан пайдо бўлиши, кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиши каби қизиқарли воқеалар ифода этилади.

Эврилиш гирдобига тушиб қолган қаҳрамон, одатда, саргузаштлар пўртанасида сузади. Бу саргузаштлар унинг учун синов вазифасини ўтайди. Шу ўринда “эврилиш” мотивининг бошқа мотивлар билан туташиб кетиши, улар билан боғланиши, ўзак мотив сифатида атрофига бошқа мотивларни бирлаштириши намоён бўлади.

Кутилмаган саргузаштлар, қаҳрамоннинг ўта мураккаб синовларга дуч келиши, у бошидан кечирган сарсон-саргардонликлар асар сюжетини қизиқарли чиқишидаги муҳим белгилардир.

Тасодифлар гирдобига тушган қаҳрамоннинг кутилмаганда асл кўринишини, қиёфасини ўзгартириши, яъни асл ҳолати асар тугунини ташкил қилса, унинг яна асл ҳолати ва ҳаётига қайтиши асар ечимини беради.

“Воқеалар гарчи маиший макон сатҳларида кечса-да, унинг асл хусусияти маишийликда намоён бўлмайди, балки маиший сатҳ ва унга хос бўлган кўп воситалар асар марказида турувчи бир нарсага – метаморфоза (эврилиш жараёнлари)нинг туғилиши ва сюжет охирига қадар яшашига хизмат қилади”. [Бахтин М., 2015; 29.].

Ҳозиргача “эврилиш” мотивидан адабиётнинг турли босқичларида турлича мақсадларда фойдаланилган. Бу, албатта, ҳар бир давр қаҳрамонининг бадиий-эстетик вазифаси билан ҳам боғлиқ. Масалан, Франц Кафка кўпроқ одамлар ўртасида ўз замонасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганини тасвирлаш учун бу мотивга мурожаат қилган. Ёки бора-бора эшак қиёфасида оилалар сирига “маҳрам” бўлиб қолган Люций ўрнини бошқа қиёфадаги жосуслар – “учинчи одам”лар эгаллай бошлаган. Масалан, бунга асарлардаги хизматкорлар образи мисол бўлади. Жумладан, маҳоратли ўзбек адиби Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги хизматкор Мирёқуб жаҳон адабиётидаги Апулей сингари

ўз асл башарасини яширади. У ўз имкониятларидан фойдаланиб, хўжайини мингбоши Акбаралининг хусусий турмушига мўралайди, тинглайди, аралашади. Жаҳон романчилигида учрайдиган бу ҳолат, М.Бахтин фикрича, айнан “учинчи одам” сифатида ҳаракатланадиган типларнинг специфик моҳиятига хосдир. [Бахтин М. 1975; 275] “Худди шу – ғайрирасмий ҳаёт пардаси ортига мўралаш ва ундаги сир-асрорларни эшитиш учун Люций – эшакнинг вазияти мутлак кулайлик туғдиради. Шунинг учун ҳам бу вазият анъанага айланган” [Бахтин М. 2015; 30].

Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги хизматкор Ёрмат “эврилиш” мотиви билан боғлиқликда акс эттириладиган “фош этувчилик” вазифасини бажарган “учинчи” образида намоён бўлади. Бунда “эврилиш” мотивининг “учинчи одам” қиёфасини яратиш воситаси сифатида хизмат қилиши яна бир бор аёнлашади. Аслида, чапани бўлган Ёрмат бошига тушган оғир кўргулик – яккаю ёлғиз қизидан жудо бўлиши туфайли аёвсиз қотилга айланади. Бундай сабаб ва оқибат “Кеча ва кундуз” романи персонажи Раззоқ сўфи фаолиятида ҳам кузатилади. Хизматкор вазифасидаги бу тимсоллар, алал оқибат, ўз хўжайинларидан ўч олади.

Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида яна Мирзакаримбойнинг ўз жияни Йўлчига дастлаб меҳрибон қиёфада кўриниш бериши, бора-бора асл қиёфасига қайтиши ҳам роман воқеалари ривожидан давомида очилади. “Эврилиш” мотивининг шу тарзда кимларнидир фош этиш, кирдикорларини очиш воситаси бўлиб келиши Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими” романи қаҳрамони Ҳошимжон ўзи топиб олган сирли қалпоқча ёрдамида кўзга кўринмас тусга эврилиб, фолбин аёлнинг кирдикорларини фош этиши мисолида яна бир бор намоён бўлади. Ўрта асрдан кейинги давр романи хронотопида фаол “фош этувчи” ролини телба, айёр ва масхара ўйнаган бўлса, “Сариқ девнинг ўлими” романида бу ролни ўқувчи бола ўйнайди. Бу билан “эврилиш” мотивининг ҳам болалар, ҳам катталар образига боғлаб талқин қилиниши ойдинлашади. “Эврилиш” мотивининг “фош этувчилик” вазифаси орқали, одатда, ижтимоий-ҳаётий иллатларга қарши курашиш намоён этилади. Жумладан, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими” романида ҳам ижтимоий турмушдаги, муайян бир жамиятдаги ҳаётий камчиликлар, айрим кимсаларга хос алдамчилик, фирибгарлик иллатлари пародиявий кулги билан боғлаб фош этилишида “эврилиш” мотиви бошқа мотивларга параллел тарзда қўлланган.

“Эврилиш” мотиви, одатда, салбий қаҳрамонларнинг асл башарасини очиш вазифасини бажаришда жуда қўл келиши туфайли ундан кенг қўлланиб келингани кузатилади. Хусусан, психологик йўналишдаги асарларда бу жиҳатдан унинг ўрни катта.

Эврилиш бирдан очик-ошкор этиш қийин бўлган иллатлар, кирдикорлар, бу учун пинҳон маълумотлар тўплаб, шу тўпланган далиллар, кузатув натижалари асосида кейин ҳақиқатни ошкор этиш воситаси бўлади.

Ўзбек адабиётининг XX аср бошларида яратилган айрим намуналарида қўшмачилар образи ҳам учрайдики, уларнинг тасвирида ижодкорлар

метаморфозанинг яна бир ўзига хос кўринишидан фойдаланганликларини кузатиш мумкин. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романида қўшмачи Гулшан ўз қўшмачилигини сир сақлаган ҳолда Солихбой хонадонига кириб келар экан, Раънодан ўткинчи аёл қиёфасида сув сўрайди ва шу аснода қизни кузатувдан ўтказди. Худди шунингдек, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам “Яллагилар иши” драмасида қўшмачининг ўз асл қиёфасини яширишини кўрсатган.

Абдурауф Фитратнинг “Қиёмат” номли хаёлий ҳикоясида туш мотиви ичида макон ва замон эврилиши берилган. Унда асли оти Рўзиқул бўлса-да, “Почамир” номини олган банги бир киши тушида “бу дунё”дан “у дунё”га ўтиб қолади. Ижодкор “у дунё” воқеаларини тасвирлаш воситасида жаннатдай деб аюҳаннос солинган янги тузумнинг устидан аччиқ кулги қилишни мақсад қилган.

Тушда “эврилиш” мотиви О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” тарихий романида келтирилган Улуғбекнинг тушида ҳам учрайди. Ҳукмдор Улуғбекнинг тушида хотини Ўғабегим уни зинога етаклаш мақсадида ортидан таъқиб этади. Шунда Улуғбек қуш қиёфасига кириб, ундан қоча бошлайди. Ўғабегим эса калхатга айланиб, уни қувишда давом этаверади. Бу “эврилиш” мотиви ўзбек халқ сеҳрли-фантастик турдаги эртақларда, романик дostonларда эпик қаҳрамоннинг жодугар томонидан таъқиб этилиши, уларнинг турли қиёфаларга эврилиши мотивини ёдга солади.

Кўринадикки, адабиётда “эврилиш” мотивидан фойдаланиш муайян поэтик тадрижга эга ва унинг кейинги тараққиётида янада ранг-баранг бадий вазифалари пайдо бўлган. Хусусан, Франц Кафка ўз ижодида уни янада юксак даражага кўтарди. Адибнинг тўғридан-тўғри “Эврилиш” номи билан юритилган асари бу жиҳатдан айрича эътиборга молик. Ҳикоя жанрида ёзилган бу мўъжаз асарда инсон жисмида юз берувчи ўзгаришлар унинг ҳам ўзи, ҳам яқинлари руҳиятини ўзгартириб юбориши мумкинлиги таъсирчан ёритилган. Асар қаҳрамони Грегор Замза беором уйқудан сўнг тонг саҳарда уйғонганда, ўзи ётган тўшагида баҳайбат ҳашаротга айланганини сезади. [Кафка Ф., 1983; 8]. Ҳикоядаги асосий ғоя: одам қиёфасини йўқотса, ҳаммага бегона бўлиб қолиш ҳақиқати билан боғлиқ. Ҳатто ундан оиласи ҳам юз буради. Унга нисбатан оила аъзоларининг аввалги туйғулари ўзгаради. Кафка одамларга хос ҳис-туйғуларнинг айнан ўзгарувчанлигини, улар орасидаги муносабатлар манфаатлар эвазига қурилишини кўрсатиш учун “эврилиш” мотивини восита қилган. Шунинг учун бу асар нафақат Франц Кафка ижодида, балки бутун XX аср жаҳон адабиёти тараққиётида ўзига хос янгилиги билан муҳим ўрин эгаллади.

Адиб Грегор Замзанинг ҳашаротга эврилиши мотиви орқали инсоннинг инсонлардан бегоналашиб кетиши, одам қиёфасини йўқотиши замон ва маконга тааллуқсиз эканини кўрсатишни кўзлаган. Ҳикояда инсон тақдирига хос содир бўлиб турадиган турли эврилишлар моҳиятини ифода этган воқеалар баёни кишини ўзига жалб қилиб, кенг мушоҳада юритишга ундайди. Шунинг

баробарида ўқувчини унга мос ҳаётий мисоллар топиб, муносабатини шакллантиради. Чунки реал ҳаётга разм солсак, ёзувчининг ҳақ эканлиги ойдинлашади. Негаки, ҳаётда ҳам бирор-бир фалокат (масалан, автоҳалокат) туфайли умрбод ногирон бўлиб ёхуд бедаво касалликка чалиниб, умрбод соғлигини йўқотса ва худди Грегор Замза сингари тўшакка миҳланиб қолса-ю бировлар кўмагига муҳтожлик сезса, аввало, оила аъзолари ундан қутулишга ҳаракат қилиши, ногиронлар уйига жойлаб қўйиши каби ҳолатлар кузатилади. Ана шу жиҳати билан бу тасвир ҳаётий асосга эга.

Америкалик Генри тахаллуси билан ижод қилган ёзувчи Уильям Сидни Портернинг ҳам “Эврилиш” номли ҳикояси бор. Унда банкларни ўмарувчи ўғри Жимми Валентай бош қаҳрамон сифатида тасвирланган. У Аннабел Адамсга ошиқ бўлиб қолгач, бутунлай яхши томонга ўзгаради. Бу асарда “эврилиш” мотиви мажик моҳиятда эмас, у қаҳрамон Жиммининг руҳиятидаги ўзгаришларни очиб беришга хизмат қилган.

Инглиз адиби Герберт Жорж Уэллснинг “Кўзга кўринмас одам” фантастик романида ёш физик олим Гриффин кўп машаққатли меҳнат ва изланишлардан сўнг нарсаларни рангсизлантириш орқали одамни кўринмас ҳолга айлантириш сирини очади. Бу ихтиросини ўзида синаб, ҳеч кимга кўринмайдиган ҳолатга кириб олган Гриффин бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш куч-қудратини эгаллайди. Бу яқка олим – индивидуалистнинг ўз кашфиётидан бойиш учун фойдаланишга интилиши ва одамларни менсимамай, улардан ўзини юқори қўйиши қудратли шахс таназзулини кўрсатади. Манманлик ва яқка-ёлғизлик уни фожиали ўлимга маҳкум этади [Азизов Қ., Қаюмов О., 1987; 278].

“Эврилиш” мотиви халқ оғзаки ижодидан ўсиб чиққан ва озиқланган. Хусусан, фольклордаги сюжети “эврилиш” мотиви асосига қурилган зоонимик афсоналарга хос, яъни эпик матн композицион қурилишининг марказида қаҳрамоннинг шаклу шамойили бирор-бир ҳайвонга эврилиши воқелиги ёзма асарларда ҳам анъанавий сюжет элементларидан бирини ташкил этиши алоҳида эътиборни тортади. Аслида қадимги инсонларнинг жон барҳаётлиги, унинг танадан ташқарида ҳам руҳий мавжуд бўла олиши, ўлимдан сўнг жоннинг моддий оламда турли нарса-ҳодисаларда, биологик ҳаётнинг бошқа шакли тарзида яшашни давом эттириши тўғрисидаги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ тушунчалар асосида шаклланган “эврилиш” мотиви ёзма асарларда ҳам қаҳрамоннинг одам кўринишидан ҳайвон кўринишига ёки, аксинча, ҳайвон кўринишидан инсон қиёфасига кўчишини тасвирлаш воситаси бўлиб келади.

Одамнинг ҳайвонга эврилиши мотиви Апулейнинг “Олтин эшак” асаридан сўнг яратилган асарларда ҳам учрайди. Бунга рус адиби М.Булгаковнинг “Итюррак” асарини мисол қилиш мумкин. Унда итнинг илмий изланишлар самараси сифатида одамга айлантирилиши мотиви келтирилган [Булгаков М.А. 1987].

Жаҳон адабиётида ҳайвоннинг одамга эврилиши мотиви асосига қурилган асарлар ҳам мавжуд. Жумладан, немис адабиётида фантастик ҳикоялари билан шуҳрат қозонган адиб Пауло Маарнинг 2011 йили ёзилган “Жаноб Белло ва

сирли эликсир” номли ҳикояси қаҳрамони Макснинг топиб олган Белло исмли ити одамга эврилишини бунга мисол қилиш мумкин. Макснинг отаси дорифуруш бўлади. Белло дорихонага кириб, стол устидаги ғалати дори (элексир)ни ичиши биланок, бесўнақай одамга айланиб қолади [Пауль Маар. 2012].

Умуман айтганда, инсонларнинг ит этнологияси билан боғлиқ тасаввур-тушунчалари оғзаки ва ёзма адабиётда ит образи талқинига замин яратган. Фольклорда у кўпинча ёрдамчи куч вазифасида, вафодор, садоқатли, чин дўст рамзида талқин этилса, баъзан очкўз, зўравон, ахлоқсиз, нопок шахслар параллели сифатида ҳам берилгани кўзатилади.

Марк Твеннинг “Қирол Артур саройидаги Коннектикутлик Янки” тарихий-фантастик романининг қаҳрамони бир муштлашиш вақтида бошига тушган калтак зарбидан сўнг ақлини йўқотади ва ҳушидан кетади. Ҳушига келгач, ўзини VI асрдаги Англияда кўради ва қирол Артур саройига боради. Шу тариқа адиб ўз асарида макон ва замон эврилишидан фойдаланиб, зулм, даҳшат, диний жаҳолат авж олган қироллик даврини фош этишга уринади. Мана шу асосда ижодкор ўз замонасидаги қабоҳатларнинг ўтмишдаги ярамасликлар билан боғлиқлигини, бири-иккинчисидан қолишмаслигини акс эттиради. Асарда ёвуз қиролича Моргана, сеҳргар Мерлиннинг жоду орқали эврилишлар қилиши ҳам эътиборни тортади.

Геофрей Монмоутнинг 1136 йили ёзилган “Британия қиролларининг тарихи” асарида Артур ҳақидаги афсоналар ҳамда Ўрта аср Уэлс шеърляти орқали номи машҳурлашган жуда ажойиб сеҳргар, афсонавий шахс Мерлин Амбросиус тасвирига боғлаб келтирилган “эврилиш” мотивли лавҳалар алоҳида эътиборни тортади. Аслида Буюк Британия собиқ қиролларининг тарихий хислатлари ҳақида яратилган бу асарда Мерлин хаёлий қаҳрамон сифатида учрайди. Мерлин ўз сеҳр ва найранглари орқали қирол Артурга ғалабалар келтиради. У Артурнинг маслаҳатчиси ва жангчиларнинг устози сифатида хизмат қилади.

Ижодкор Роберт де Борон сеҳргар Мерлиннинг ўз қиёфасини ўзгартира олиш қобилияти, яъни эврилиш хусусияти, айниқса, унинг кулгили шахсияти ҳақида гапиришга катта эътибор қаратган. Унинг “Мерлин” насри (шеъри) Мерлиннинг жодугарлиги, қиёфасини ўзгартиришига оид бир қанча мисолларни ўз ичига олади. У бўйнига болтаси осиб олган, катта пойафзалли, йиртиқ пальтоли, калин сочли ва узун соқолли дарахт кесувчи қиёфасида намоён бўлади. Кейинчалик у Норсумберланддаги ўрмонда, Утернинг издоши томонидан чиркин одамга ўхшаб яшириниб юрган ва ҳайвонларнинг катта подасини боқувчисига ўзини ўхшатган киши тарзида кўрсатилади. Кейинчалик у дастлаб чиройли одам, сўнгра чиройли бола каби намоён бўлади. Йиллар ўтгач, у Артур олдида чарм пойафзал, жун палто, қалпоқ кийган ва қўй терисидан тайёрланган белбоғ бойлаган деҳқон сифатида пайдо бўлади. У узун бўйли, қора ва калин сочли шафқатсиз ва ёвуз шахс сифатида ҳам гавдалантирилади. Ниҳоят, у узун соқолли, паст бўйли, қадди букчайган, эски ва йиртиқ либосдаги чол сифатида пайдо бўлади. Мерлиннинг қиёфаси ҳар гал турли хил кўринишларда акс

эттирилади.

Сеҳргар Мерлин образи нафақат адабиётда, балки кинофильмларда ҳам тасвирланар экан, унинг сеҳргарлик хислатига, ўз шаклини ўзгартира олиш қудратига алоҳида аҳамият қаратилган. Умуман айтганда, Мерлин образи тарихий ва афсонавий шахсларнинг комбинацияси сифатида яратилган.

Жаҳон адабиётида одамнинг антроморф кўринишдан зооморф ёки бирор табиат ҳодисаси ё осмон ёриткичлари кўринишига эврилиши мотиви асосига қурилган асарлар кўпчиликни ташкил қилади. Лекин замонавий адабиётда рухий эврилишлар талқини катта ўрин тутуди. Бу ўзликни англаш ёки асл илм ёки ҳақиқатни излаш билан боғлиқ эврилиш талқинидир.

XIX аср бошларидаги немис романтизм адабиётининг кўзга кўринган вакиллари билан бўлган Эрнест Теодор Амадей Гофман ижодида асосий адабий жанр эртак эди. Шунинг учун унинг яратган эртакларида “эврилиш” мотиви ёрқин кўзга ташланади. Бу жиҳатдан адибнинг “Циннобер лақабли митти Цахес” ёки “Кичкина Цахес” номли эртак шаклида яратилган сатираси эътиборни тортади. Унда адиб камбағал деҳқон аёлнинг Цахес исмли жуда хунук фарзанди сеҳр орқали гўзал қиёфага эга бўлиши, аммо бу ҳолат вақтинча давом этишини тасвирлаган. Розабельверде бу аянчли, бедаво болага уч дона тилла сочини совға қилади. Атрофдагилар кўз олдида ажойиб мўъжиза содир бўлади. Одамлар Цахесни ҳаддан ташқари чиройли, ақлли биладилар. Уни юқори табақадан келиб чиққан деб ўйлайдилар. Ундаги кўпгина фазилатлар ҳақида гапирадиган бўлишади. Цахес олий зот даражасига кўтарилади. У жуда осонлик билан катта лавозимларга эришади. Бошқалар ҳисобига бойиб, қудратли бўлиб кетади. Кичкина Цахес кўпдан-кўп таҳсину тасанноларга, мукофот ва имтиёзларга сазовор бўлади.

Бу мўъжизаларнинг барчаси княз Пафнутий мамлакатда юз беради. Бу княз махсус фармон билан ўз давлатида “маърифат” жорий қилган. Мана шундай давлатда митти Цахес саройнинг биринчи вазирига яъни бутун князлик ишларини ҳал қилувчи қудратли кишига айланади. Циннобернинг сеҳри бу князликда яшовчи барча одамларни ўз домига тортган. Князлик баайни жиннихонага айланади. Аммо ёлғиз шоир йигит Бальтазар бу сеҳр таъсиринан ташқарида эди. Бальтазар романтик хаёлпараст киши. У ўша князликдаги бемаъни тартибларга шеърият, ширин хаёллар оғушини қарама-қарши қилиб кўяди. Бальтазар атрофдагиларни эс-хушларини йиғиштириб олишга чақирса, уни ҳамма ақлдан озган деб ҳисоблайди. Циннобер лақабли митти Цахес Бальтазар бахтига ҳам ғов бўлади. Бальтазарнинг Кандида исмли севгилисини тортиб олиб, унга уйланмоқчи бўлади.

Барча сеҳргарликлар, мўъжизалар сирини биладиган “маърифатли” князликда ана шу ажойиб-ғаройиботларни тарқатадиган доктор Проспер Альпакусининг ўзи Бальтазарга ёрдам қўлини чўзади. Доктор Циннобер сеҳрининг сирини очиб беради. Митти давлатнинг митти вазири Циннобернинг Кандида билан никоҳи олдидан Бальтазар унинг бошидан сеҳрли тилла соч толаларини юлиб олади. Энди сеҳрнинг ҳеч қандай таъсири қолмайди.

Гофман ўз ҳикоясини “замонавий эртак” деб атаган эди. Ҳақиқатдан ҳам, ёзувчи романтик қобиқ остида замонасидаги реалистик ҳаёт манзарасини ҳикоя қилиб беради. Асар муаллифи аччиқ ҳажв, шафқатсиз заҳарханда, ўткир киноя билан ўша замон князларини, вазирларини, ҳар хил амалдорларини аёвсиз шарманда қилади. Асар катта маҳорат, кенг фантазия, муболаға ва гротеск билан ёзилган. Унда ўзига ортиқча бино қўйган, ҳаддидан ошган, кеккайиб кетган давлат арбобларининг сатирик қиёфаси маҳорат билан чизилган. Муаллифнинг кинояси шу қадар қудратлики, майда князлар, амалдорларнинг керилиши оддий меҳнаткаш халқ ҳисобига бўлаётгани яққол кўзга ташлади. Эртакдаги ҳикоя қилинаётган бемаъни воқеалар бир князликда ёки бир давлатчада эмас, балки Гофман яшаб турган бутун Германияда ҳукм сураётганини ҳис қилиш қийин эмас.

Гофман асарининг халқ ижоди билан алоқаси унинг эртак композицион шакли ва услубидан фойдаланишидагина эмас, халқ фольклоридан олган сеҳрли соч толалари мотиви, ёмонлик устидан яхшилиқнинг ғалабаси каби оптимизмида ҳам кўриниб туради.

Адабиёт оламида соғни касалга, касални соғга эврилтирувчи сирли тилсим предметлар образи акс этган асарлар ҳам бор. Шундай асарлардан бири Джоан Роулингнинг “Сеҳргар ва сакровчи кўзача эртаги”дир.

Джоан Роулинг қаламига мансуб “Эртакчи Бидлянинг эртаклар тўплами” сеҳрли-фантастик эртаклардан иборат бўлиб, сеҳр оламига қизиқувчи ёшларга мўлжалланган. Бидлянинг эртаклари халқ эртаклари сингари эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, яхшилиқнинг муқофотланиши, ёмонликнинг эса жазоланиши мавзусида яратилган.

Муаллиф эртакларининг муҳим жиҳати шундаки, уларда сеҳргарлик агар ёвузликка хизмат қилгудек бўлса, муқаррар бахтсизликка олиб келиши тасвирланган. Жумладан, муаллиф эртакларида маликанинг ёвуз бир жодугар берган сеҳрланган олмани еб, ўликдай уйқуга кетиши ёки шахзоданинг шундай жодуланган олмани еб жирканч ҳайвонга айланиб қолиши каби анъанавий эпик мотивлар тасвири айнан мана шу ҳақиқатга қаратилган.

“Эртак куйловчи Бидлянинг эртаклари тўплами” қаҳрамонлари кўпинча ҳаёт қийинчиликларини сеҳр-жоду воситасида енгмоқчи, ҳал қилмоқчи бўладилар. Шуни инобатга олган Бидля ўз ҳикоялари орқали ота-оналар номидан фарзандларга бунинг имконсизлигини уқтиришни мақсад қилади.

Тўпландан ўрин олган “Сеҳргар ва сакровчи кўзача эртаги”да ҳикоя қилинишича, қадим замонларда бир сеҳргар бўлган экан. У бемор ёки бирор-бир мушкулоти бор қўшниларидан тортиб, кўмакка муҳтож кишиларга сеҳрли кўзаси воситасида ёрдам бераркан. Бу кўза бир темир оёқли бўлиб, шу оёғига шиппак кийиб, сакраб-сакраб юра оларкан. Сеҳргар кексайиб вафот этгач, шу сирли кўзаси ўғлига мерос қолибди. Бироқ ўғил ўта қўпол, бешафқат бўлиб, сирли кўзанинг куч-қудратидан хабардор эса-да, у орқали одамларга ёрдам беришни хоҳламас экан. Ҳатто отаси тириклигида одамларга ёрдам берганини кўрса, уни койир экан.

Кунларнинг бирида бир кампир келиб, неварасига ўсма хол чиққанини, йигитнинг отаси кўзачасидаги сув билан бу ўсмани даволаб келганини айтиб, ундан яна ёрдам беришини сўрайди. Сеҳргар йигит эса унга бақриб, ҳайдаб юборади. Шу пайт ўсма хол кўзачада ҳам пайдо бўлади. Буни кўрган сеҳргар йигит жирканиб, кўзачани улоқтириб юборади ва сеҳр ёрдамида уни йўқотишга ҳаракат қилади. Аммо уддасидан чиқмайди. Кўзача жонланиб, ўзидан тақар-туқур овозлар чиқариб, йигитнинг ортидан сакраб юрганча эргашади. Йигит унинг таъқибидан кутула олмайди. Шунингдек, кўзача ёрдамига умидвор беморлар ҳам уни излаб келаверадилар. Бу гал йигит хузурига ҳолдан тойган бир чол келиб, эшаги йўқолиб қолганини, у бўлмаса оиласини боқа олмаслигини, шунинг учун эшагини топишида ёрдам кераклигини айтиб, кўмак сўрайди. Йигит эса уни эшитишни ҳам хоҳламай, эшикни чолнинг бетига ёпади. Шунда кўзача ваҳимали ва безовталантирувчи тақар-туқур овоз чиқариши етмагандай, эшакдек ҳанграй бошлайди ва йигитни таъқиб қилишдан тўхтамайди.

Кечга яқин йигитнинг эшиги учинчи марта таққиллайди. Энди унинг хузурига ёшгина бир аёл боласининг бўғилиб қолаётгани, аҳволи оғирлиги боис ёрдам сўраб келади. Аммо йигит аёл ва унинг боласига заррача ҳам раҳм қилмай, ҳайдаб солади. Шундан сўнг сеҳрли кўзачанинг ҳам янгидан-янги қилиқлари пайдо бўлади. У бир эшакдек ҳанграса, бир қаттиқ йўталади, бир овози бўғилиб қолса, бир ёш боладек йиғлайди, унинг ичидаги сув эса балғам ҳамда сўлак бўлиб, тошиб кетаверади, тинмайди. Бунга чидай олмаган сеҳргар йигит кўчага чиқиб “кимнинг қандай ташвиши, муаммоси, дарди бор бўлса келаверинглар, мен ёрдам беришга тайёрман” дея, югургилаганча дод солади. Кўзача ҳам ўз қилиқлари билан унинг ортидан сира қолмайди.

Хуллас, йигит сеҳрли кўзача ёрдамида кампирнинг ўсма хол чиқарган неварасини тузатади, уйдан чиқиб йўқолиб қолган эшак хўжайини хонадонига қайтиб келади, овози бўғилиб қолган болакай шифо топади. Ҳар гал муаммолар, касалликлар бартараф этилганда, кўзача ҳам ўз қилиқларини йўқотиб, аслига эврила бошлайди. Кўзача темир оёқчасига шиппагини кийиб, овоз чиқармай юрадиган бўлади, ундаги ўсма холлар ҳам йўқолиб кетади. Буни кўрган йигит ҳар доим одамларга ёрдам бериш кераклигини англайди. Қолаверса, отасидан мерос қолган сеҳрли кўзача ўзини қийнамаслигини хоҳлайди [Джоан Роулинг, 2007].

Ёзма адабиётда “эврилиш” мотиви шеърӣ, насрий, драматик асарлар сюжет қурилишида учрайди. Ундан эртак стилизациясига асосланган асарларда, фантастик ҳамда ижтимоӣ-маиший руҳдаги роман, қисса, ҳикояларда кенг фойдаланилган.

Жаҳон адабиётида “эврилиш” мотивининг бадиӣ-гадрижий ривожланиш босқичларини қуйидагича таснифлаб ўрганиш мумкин:

1. Антик адабиётда “эврилиш” мотиви.
2. Уйғониш даври адабиётда “эврилиш” мотиви.
3. Уйғониш даври адабиётдан кейинги босқичларда “эврилиш” мотиви.
4. XX-XXI аср адабиётда “эврилиш” мотиви.

Кўрсатилган даврларнинг ҳар бирида ижодкорларнинг “эврилиш” мотивидан турли поэтик мақсад ва вазифаларда фойдаланишгани кузатилади. Ҳар бир давр ижодкорларининг “эврилиш” мотивидан фойдаланишдаги маҳорати ҳар хиллиги унинг поэтик табиатида қандай ўзгаришлар, янгиланишлар юз берганини, анъанавий ва янги кўринишларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Айтайлик, антик адабиётда “эврилиш”нинг кўпинча маъбудлар томонидан инсонларга жазо бериш усули экани ёки инсоннинг шахсий қизиқувчанлиги сабабли юз бериши талқин этилган бўлса, Уйғониш даври адабиётида эврилиш инсонларнинг ўз хоҳишига кўра бирор сеҳрли буюм ёки сеҳрли сўз воситасида юз бериши тасвирланган. Уйғониш даври адабиётидан кейинги босқичларда “эврилиш” мотиви кўпинча олим одамларнинг ўз илмий кашфиётлари орқали ўзининг ёки бировларнинг кўринишини ўзгартириши, ижтимоий мавқеини кўтаришга, бойишга, бошқаларни бўйсундиришга интилиши воқеалари асосида ифода этилган. XX–XXI асрлар адабиётида эса кўпроқ руҳий эврилишлар тасвирига кенг ўрин берилган. Шу асосда кўпроқ инсон руҳий кечинмалари билан боғлиқ ўзгаришларни талқин ва таҳлил қилишга эътибор қаратилган. Мана шу сабабли жаҳон адабиётида “эврилиш” мотивининг бадиий-тадрижий ривожланиш босқичларини таснифлаб ўрганишга тўғри келади.

Шотландиялик ёзувчи Роберт Луис Стивенсоннинг готик жанрда ёзилган “Доктор Жекил ҳамда мистер Хайд ҳақидаги ғайриоддий воқеалар” (1886) романида илм-фан ютуқларини эътироф этиш, инсон ўз ақлу заковати асосида кашф этган дори-малҳамини қабул қилиши билан кўринишини ўзгартириши анъанавий “эврилиш” мотиви воситасида тасвирланган. Романда сирли дори тайёрлаб, ўз кўринишини ўзгартирган ва Эдуард Хайд қиёфасига кириб олган Генри Жекил образи учрайди.

Асар воқеалари учинчи шахс, нотариус Габриэл Жон Аттерсон томонидан баён этилади. У табиатан ўзига нисбатан қаттиққўл, лекин ўз атрофдагиларининг заиф томонларига ёмон муносабатда бўлади, айб топиш эмас, балки ёрдам беришни афзал кўради.

Асардаги воқеалар XIX асрнинг охирида Лондонда бўлиб ўтади. Юз берган воқеа жуда ғаройиблиги боис катта шов-шувларга сабаб бўлади.

Эдуард Хайд шайтономуз киши бўлиб, у ким билан мулоқот қилмасин, албатта, тушунарсиз туйғуси қўзғаларди. Шунинг учун у бир қатор жирканч хатти-ҳаракати, бемаъни ва шафқатсиз ишлари билан ёмон от чиқарганди.

Асарнинг яна бир қаҳрамони жамиятда ҳурматли доктор Генри Жекилдир. У Хайд билан сирли равишда боғлиқ эди. Бу боғлиқлик нотариус Аттерсонни қизиқтириб қўяди. Хайд вақт-вақти билан доктор Жекилнинг уйида пайдо бўларди ва хизматчилардан унинг буйруғини сўзсиз бажариш талаб қилинарди. Бундан ташқари, доктор вафот этганда ёки ғойиб бўлиб қолган тақдирда, унинг барча бойликлари Хайдга васият қилингани – энг қизиқарлиси эди. Митти бўйли, қўрқинчли қиёфага эга бўлган Хайд ора-ора шаҳарда пайдо бўлиб қоларди. Лондондаги шов-шувли қотилликда Хайд гумондор бўлиб чиқади. Аммо унинг қотил эканлиги исботланмай қолади, ҳеч қандай далил топилмайди. Доктор

Жекил Аттерсондан Хайдга ёрдам бериш кераклигини, Хайд унинг қадрдони эканини айтади. Бир куни Жекилнинг сарой ходими Аттерсоннинг олдига келиб, доктор Жекил ўз кабинетида кулфланиб олганлиги ва бир ҳафтадан буён ҳеч кимни қабул қилмаётгани, ҳатто овқат ҳам тановул емаётганлиги, хонадан бошқа бир овоз турли хилдаги дориларни топиб келишни буюраётганлиги ҳақидаги хабарни етказди. Шунда Аттерсон зудлик билан доктор Жекилнинг лабораториясига келади. Хизматкорлар Хайд уларнинг хўжайинини ўлдириб, энди уйни тарк эта олмаётганини гумон қилишади.

Аттерсон хона эшигини очишни талаб этади, акс ҳолда уни бузиб ичкари киришини таҳдид қилади. Хонадан нотаниш бир овоз унга раҳм қилишларини сўрайди. Шунда Аттерсон кўлига темир мослама олиб, эшикни бузади. Хонадаги митти одам уларни кўриб, зинқираб бурчакка қоча бошлайди. Аттерсон стол устидан ўз номига ёзилган мактубни топиб олади. Бу доктор Жекилнинг Аттерсонга қолдирган васияти бўлиб чиқади. Унда доктор Жекил илмий кашфиёт ўтказганлиги ҳақида ёзилганди. Жекилнинг ёзишича, бир вақтнинг ўзида инсон психикасида бир нечта одамнинг хусусиятлари мавжуд бўлиши мумкин экан. Зеро, унинг хатти-ҳаракати шу жамланманинг натижасидир. У муваффақиятли илмий тажриба эмас, балки салбий “мен”нинг вақтинчалик устунлик мавқеига эга бўлиш йўлини топа олганлиги ҳақида ёзганди. Мензуркадаги атиги бир неча томчи дори уни бошқа бир инсонга айлантириб кўйгани ва яна шу дорини ичгандан сўнг қайтиб асл қиёфасига эврилгани Аттерсонни хайратга солади. Хайд қилган жинойтларини маълум қилган эди.

Аслини олганда асарнинг икки қаҳрамони бир киши ҳисобланади. Барчанинг ҳурматига сазовор бўлган доктор Жекил жамиятда кишилар нафратига учраган Хайд қиёфасида вақтинча намоён бўлиш имконини берадиган, яъни инсон кўринишини ўзгартирадиган дори яратган эди. Бу қиёфада доктор жирканч амалларини бажаради.

Ёзувчи асарда икки хил характердаги қиёфа тасвирини усталик билан ярата олган. Жекил – меҳрибон, Хайд – қасоскор, Жекил – ўзгаларни ўйлайдиган, Хайд – худбин, Жекил – ҳиссиётларга берилмайдиган, Хайд эса жирканчликлар рўёси эди.

Асарнинг фантастик жиҳати шундаки, ундаги эврилиш инсон ақли чегарасидан анча узоққа чиқади. Дорини ичгандан сўнг қаҳрамоннинг нафақат хатти-ҳаракатлари, балки ташқи кўриниши, ҳаттоки, қаддининг кичрайиб қолиши, сочлари ўсиб, кўрқинчли қиёфага ўзгаришини кузатиш мумкин. Доктор Жекил илм-фан учун ўзида турли хил тажрибаларни ўтказишга тайёр эди. Оддий тажриба бўлиб бошланган иш секинлик билан докторнинг ўлимига олиб келади; ҳар гал раҳмдил доктор дорини ичганда шафқатсиз исёнкорга айлана бошлайди. Шу ниқобда осонлик билан ёвуз ишларни бажара олади. Аммо доктор ўзининг Хайдга эврилиш жараёнини бошқара олмайди ва охири оқибат ўз-ўзини ёлғизлик, тушкунлик ва ўлим сари олиб келади.

Ёзувчи асарда инсон табиатига пессимистик назар (тушкун кайфият) билан боқади, яъни атиги бир томчи дори ёки кимёвий модда меҳрибон, ҳар доим

ёрдамга қўлини чўзадиган инсонни ёвуз, исёнкор шахсга айлантириб қўяди.

Кўринадики, асарда инсон ақлу заковати билан тайёрланган дори-малҳам воситасида эврилишнинг берилиши орқали инсон қудрати улуғланган. Шунинг баробарида бу анъанавий мотив инсоннинг ўз қабиҳлигини, аниқроғи, қотиллик иллатини ёпиш учун қўл келганлиги ёритишга хизмат қилган.

“Доктор Моронинг ороли” романида одамлар таъқибидан қочиб, инсон зоти яшамайдиган оролга бориб қолган доктор Моро ўша ерда ҳайвонлар устида жарроҳлик тажрибасини давом эттириб, чўчка, шохли қорамол ва бошқа ҳайвонларни одамсимон махлуқларга айлантиради. Моро “қудратли шахс” сифатида бир томондан, ўзига тобе кимсаларни юзага келтиришни истаса, иккинчи томондан, душман ҳисобланган инсонлардан қасос олиш мақсадида, умуман, уларга қарши қўпол пародия яратади.

Олим назаридан одамларга фойда келтириши кўзлаган илмий тажриба ғойиб бўлади. Унинг ўзи савдойи кишига айланади. Доктор яратган оролдаги дунё истикболсиз ва даҳшатлидир. Яккаликда бахтсиз яшаган олим охирида ўша ерда ўлади.

Адиб муддаоси техниканинг тараққиёти жамиятда халқ манфаатларига эмас, бирор тўданинг бойишига хизмат қилса, жамият ва халқ учун катта хавф-хатар туғдиришини акс эттиришга қаратилган [Азизов Қ., Қаюмов О., 1987; 277–281].

Умуман айтганда, “эврилиш” мотиви ҳаёт билан боғлиқ ҳақиқатларни ошкор қилишга ёрдам беради. У орқали мифопоэтик тасвирлар яратилиб, асарнинг таъсирчанлиги оширилади. Айниқса, ижтимоий ўзгаришлар масаласини ёритишда унинг ўрни кўриниб туради. Қахрамонлар кўриниши ва ҳолатидаги ўзгаришлар, аслида, инсон ҳаётининг ўзгарувчанлигини, одамзод шахсиятининг ўзгаришига ҳам сабаб бўлишини англашга олиб келади. Шу мантиқдан келиб чиқсак, ижодкорларнинг бу мотивдан кўп фойдаланишлари аёнлашади.

ХУЛОСА

Жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида “эврилиш” мотивининг алоҳида ўрин тутиши, анъанавийлиги, генезиси дунё халқларининг анимизм, тотемизм, магизм, фетишизм каби қадимий мифологик тасаввур-тушунчалари, у дунё, яъни ўзга олам, ўликлар салтанати, маъбуд ёхуд тангрилар макони ҳақидаги эътиқодий ишончларига бориб тақалиши жиҳатидан муштарак бадиий кўриниш ва вазифаларда намоён бўлиши билан алоҳида эътиборни тортади.

Ёзма адабиётда қўлланилган “эврилиш” мотивида фольклор анъаналарининг бевосита таъсири кузатилади. Бу кўпинча, ундаги магик моҳият устуворлиги билан белгиланади. Ёзма адабиётда “эврилиш” мотивидан, асосан, романтизм йўналишида, фантастик руҳда яратилган асарларда кенг фойдаланилган. Уларда эврилишнинг фольклордаги каби инсоннинг антроморф қиёфадан зооморф қиёфага ёки бирор табиат ҳодисасига, осмон жисмига айланиши, киши ўз ижтимоий мавқеини, ҳолатини, кўринишини сеҳрли таёқча, сеҳрли қалпоқ, сеҳрли олма, сирли тери, сеҳрли соч толаси ва ҳоказо каби магик хусусиятли предметлар воситасида ўзгартириши, кексалиқдан

ёшликка ёки ёшликдан кексаликка ўтиши, ўликнинг қайта тирилиши, бировни жазолаш, бировдан ўч олиш, қарғишга учраш, қизиқувчанлик, фош этиш, ўз ақлий-илмий кашфиёти орқасидан бойишга интилиш оқибатида эврилишга учраши, одам турмуши, ҳис-кечинмалари билан боғлиқ тарзда юз берадиган руҳий эврилишлар, макон ва замон эврилиши каби кўринишлари учрайди.

Жаҳон адабиётида қадимдан ҳозиргача эврилишнинг маъбудлар, демонологик кучлар (шайтон, жин, ажина ва алвастилар), оддий ёки олим инсонлар томонидан содир эттирилиши тасвирланган.

Бадий ижодда “эврилиш” мотиви ғоявий-эстетик ҳамда композицион жиҳатдан муҳим бўлиб, шеърӣ, насрий, драматик асарлар сюжет қурилишида воқеаларни боғлашда муҳим аҳамият касб этади. “Эврилиш” номи билан аталган асарларда унинг бу вазифаси янада бўртиб кўринади.

Жаҳон адиблари асарларида “эврилиш” мотивининг магик, ижтимоӣ, руҳий табиатли ўзига хос поэтик структурал ва функционал типлари учрайди. Лекин уларнинг ҳар бири муайян поэтик бирлик сифатида ягона инсон қисматини идрок этиш шакли бўлиб хизмат қилади.

“Эврилиш” мотиви барча замонларда ва дунё халқлари адабиётида инсон тақдирини поэтик талқин қилиш, унинг ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар, ижтимоӣ силжишлар, бурилиш нукталари, руҳий бузилишларни тўлалигича бадий ёритиш мақсадида қўлланилган. Унинг асар бадииятини таъминлашдаги аҳамияти ва муҳимлиги ҳам кўпроқ шунда намоён бўлади. Ҳозирда кўпинча “эврилиш” мотивидан ёзма адабиётда инсон ҳис-кечинмалари билан боғлиқ тарзда содир бўладиган “руҳий эврилишлар”ни бадий очишда фойдаланилаётгани кузатилади. Бундан “эврилиш” мотиви табиатида ўзига хос эволюцион ўзгариш, диффузияланиш жараёни, поэтик динамика юз берганлиги англашилади.

FOYDANILGAN ADABIYOTLAR

1. Apuley L. Metamarfozy ili Zolotoy osel. – Moskva: Vneshtorgizdat, 1993. – S.97.
2. Azizov Q., Qayumov O. Chet el adabiyoti tarixi. – Toshkent: O'qituvchi, 1987. – B.278.
3. Baxtin M. Romanda zamon va xronotop shakllari. Tarixiy poetikadan ocherklar. Rus tilidan Uzoq Jo'raqulov tarjiması – Toshkent: Akademyashr, 2015. – B.30.
4. Bahtin M. Voprosi literaturi i estetiki. – M.: Hudozhestvennaya literatura, 1975. – S.275.
5. Bulgakov M.A. Sobach'ye serdca. – Harcourt, 1987.
6. Djaon Rouling. Skazki Barda Bidlya. Maxaon, 2007.
7. Ipak yo'li afsonalari (Joy nomlari bilan bog'liq afsonalar). Tuzuvchi, nashrga tayyorlovchi, so'z boshi va izohlar muallifi M.Jo'rayev. – T.: Fan, 1993. –B.97.
8. Kafka F. Evrilish. M.Solih tarjiması. – Sharq yulduzi. – 1983. - № 8.
9. Murodov M., Shayxov H. Hayotbaxsh xayollar. – T.: Yosh Gvardiya, 1985. – B. 10.
10. Publiy Ovidiy Nazon. Metamorfozy. Per. S.V.Shervinskogo. – M.: Hudojestvennaya literatura, 1983.
11. Turdiyeva K. Tushdagi saboq. Dunyoni saqlar bolalar. – Toshkent: Bekinmashoq-Plus, 2012. – B.221-222.
12. Turdiyeva K. Qush bo'lib uchgan ona. Dunyoni saqlar bolalar.– Toshkent: Bekinmashoq-Plus, 2012. – B.233-234.

REFERENCES

1. Apuleius. *Metamorphosis or The Golden Ass.*— Moscow: Vneshtorgizdat, 1993. p.97.
2. Azizov K., Kayumov O. *History of Foreign Literature.* – Tashkent: “Teacher” publishing house, 1987. – p.278.
3. Bakhtin M. *Time and chronotope forms in the novel. Essays on historical poetics.* Uzak Jurakulov from Russian. – Tashkent: Academic publishing house, 2015. p.30.
4. Bakhtin M. *Issues of literature and aesthetics.* – M.: Fiction, 1975. p.275.
5. Bulgakov M.A. *The Heart of a Dog.* – Harcourt, 1987.
6. Joanne Rowling. *The Tales of Beedle the Bard.* Maxaon, 2007.
7. *Legends of the Silk Road (Legends associated with place names).* Compiled, prepared for publication, foreword and comments by M. Jurayev. – T.: Science, 1993. p.93.
8. Kafka F. *Metamorphosis.* Translation of M.Solih. – “Eastern Star” publishing house. – 1983. №8
9. Murodov M., Shaykhov H. *Life-giving Dreams.* – T.: Young Guardia, 1985. p.10
10. Publius Ovid Nazon. *Metamorphosis.* Translation of S.V.Shervinskogo. – M.: Fiction, 1983.
11. Turdieva K. *Learned from the Dream. Children will save the world.* – Tashkent: Hide-and-see-Plus, 2012. p.221-222.
12. Turdieva K. *Mother who flew like a bird. Children will save the world.* – Tashkent: Hide-and-see-Plus, 2012. p.233-234.



Наргиза Адамбаева

Тошкент давлат шарқшунослик институти
тадқиқотчиси

ЮРИЙ БРЕГЕЛЬ ХОРАЗМ ТУРКИЙ МАНБАЛАРИ ТАДҚИҚОТЧИСИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Мақола шоир, тарихчи, таржимон ва давлат арбоблари бўлган Мунис ва Огаҳийнинг – “Фирдавс ул-иқбол” асарини Америка олими Ю.Брегель (1925–2016) томонидан ўрганилишига бағишланган. “Фирдавс ул-иқбол” асари қомусий характерга эга ноёб асардир, Унда Хоразм тарихи, маданияти, этнографияси, адабий муҳити, ижтимоий жараёнлар тарихий-бадий шаклда ёритилган. “Фирдавс ул-иқбол” асарини ҳар томонлама ўрганиш нафақат юртимиз, балки чет эл олимларини ҳам қизиқтирган, натижада дунё илм фанида бизга маълум ва маълум бўлмаган тадқиқотлар юзага келган. Муаммонинг хориж олимлари томонидан ўрганилиши етарлича тадқиқ қилинмаган. Бу илмий эҳтиёж мақолада филологиянинг долзарб мавзуларидан бирини ёритишга асос бўлиб хизмат қилди. Юрий Энохович Брегель – америкалик тарихчи, шарқшунос, Ўрта Осиё тарихи, маданияти ва адабиётига бағишланган бир қанча монографиялар муаллифи. Жумладан, олим Хива хонлари тарихига бағишланган “Фирдавс ул-иқбол” асарини жиддий ўрганган, илмий танқидий матнини яратган. Шунингдек, асарни инглиз тилига таржима қилиб, хориждаги китобхонларни, илм аҳлини Огаҳий ва Мунис ижоди, “Фирдавс ул-иқбол” асарининг ёзган моҳияти билан таништиришда муҳим рол ўйнаган. Ю.Брегелнинг асар ҳақида ёзган сўзбоши тўрт қисмдан иборат: биринчи қисм асар муаллифлари Мунис ва Огаҳий ижодий фаолиятига, иккинчи қисм “Фирдавс ул-иқбол” асарининг моҳиятини очишга, учинчи қисм асарининг ўрганилишига ва

Nargiza Adambaeva

Researcher of the Tashkent State Institute of Oriental Studies

YURI BREGEL – RESEARCHER OF KHOREZM TURKIC SOURCES

ANNOTATION

The article studies the analysis done by American scholar Y.Bregel (1925-2016) of the poet, historian, translator and statesmen Munis and Oghahiy's "Firdavs ul-Iqbal". "Firdavs ul-Iqbal" is a unique encyclopedic work that reflects the history, culture, ethnography, literary environment and social processes of Khorezm in historical and artistic form. A comprehensive study of "Firdavs ul-Iqbal" interests not only local scientists but also foreign scholars, as a result, there is known and unknown studies appeared in scientific sphere. The study of the problem by foreign scholars has not been sufficiently researched. This scientific need served as the basis for covering one of the urgent problems of philology. Yuri Bregel was an American historian, orientalist, and author of several monographs on the history, culture and literature of Central Asia. In particular, the scientist studied the work "Firdavs ul-Iqbal" seriously, and dedicated to the history of the Khiva khans, and created a scientific critical text. He also translated the work into English and played an important role in acquainting foreign readers and scholars with the essence of the work "Firdavs ul-Iqbal" by Oghahiy and Munis. The preface by J. Bregel about the source consists of four parts. The first part is devoted to the works of Munis and Oghahiy, the second part covers the properties of "Firdavs ul-Iqbal", the third to the study of the work and the fourth part reveals the characteristics of handwritten copies of the source. The author of the article revealed the scientist's research skill as much as possible based on Y.Bregel's scientifically rich English preface

Key words: Khorezm literary environment of the XIX century, Munis, Oghahiy, "Firdavs ul-Iq-

тўртинчиси асарнинг қўлёзма нусхалари хусусиятларига бағишланган. Мақолада, инглиз тилидаги сўзбошига асосланиб, олимнинг тадқиқотчилик маҳорати имкон қадар очиб берилган.

Калит сўзлар: XIX аср Хоразм адабий муҳити, Мунис, Огаҳий, “Фирдавс ул-иқбол”, сўзбоши, тарихий воқеалар, қўлёзма нусхалар.

bal”, introduction, historical events, manuscripts.

КИРИШ

XIX аср Хоразм адабий муҳити Мунис (1778-1829) Огаҳий (1809-1874), Комил Хоразмий (1825-1899), Муҳаммадрасул Мирзо (1840-1922), Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1844-1910), Аҳмад Табибий (1869-1911), Мутриб Хонахоробий (1870-1925), Аваз Ўтар (1884-1919), Муҳаммад Юсуф Баёний (1840-1923) каби кўплаб иқтидорли шоир, тарихчи, таржимонлари билан машҳурдир. XIX аср Хоразм туркий, адабий-тарихий манбалари ўзбек мумтоз адабиётининг ҳали тўлиқ ўрганилмаган жиҳатларидан биридир. Бу энг аввало кўпгина асарларнинг ҳали ҳам қўлёзма ҳолида эканлиги, табдил қилинмагани, илмий-танқидий матнлар етишмаслиги билан ҳам белгиланади. Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-иқбол” асари ана шундай, филологик жиҳатдан кам ўрганилган, аммо катта аҳамиятга эга асарлардан биридир. Асарни шоир, тарихчи таржимон Мунис бошлаб берган бўлса, унинг жияни, иқтидорли шоир ва давлат арбоби Огаҳий давом эттирган. “Фирдавс ул-иқбол” асарида қадим даврлардан тортиб, 1825 йилгача бўлган Хоразм тарихи билан боғлиқ воқеалар тарихий-бадий йиқил билан ёритилган. Асарнинг қиммати ҳақида ўзбек ва хориж илм-фанида кўплаб фикрлар билдирилган. “Фирдавс ул-иқбол” асарининг тарих илмидаги аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг қадим давридан бошлаб, Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825) давригача бўлган сиёсий тарихи хронологик тартибда баён этилади. Мунис қадим замонлардан бошлаб Абулғозихон давригача Хоразмда бўлган воқеаларни баён этаркан, Абулғози давридаги Хива ва Бухоро хонлиқларининг ўзаро муносабатларига ҳам тўхталиб ўтган. Шунингдек, асарда XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи чораги, яъни Кўнғирот сулоласи вакилларининг Муҳаммадамин иноқ (1755–1790), Аваз иноқ (1790–1804), Элтузархон (1804–1806) ва Муҳаммад Раҳимхон I (1806-1825) ларнинг Хоразмда ҳукмронлик қилган йилларидаги тарихий воқеалар баён қилинган, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга доир айрим маълумотлар ҳам берилган» [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 9].

1988 йили америкалик олим Ю.Брегель Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарини изоҳлар билан илмий-танқидий матнини, ўн йиллик танаффусдан кейин – 1999 йили эса инглиз тилига таржимасини нашр қилдиради [Yuri Bregel, 1988; 6]. Асарнинг тили арабий ва форсий ибораларга бой бўлгани ва ўзига хос шарқона усулда яратилгани боис, инглиз тилига таржимаси осон

кечмаган. Ю.Брегель бу борада кўплаб олимлар билан бамаслаҳат иш олиб боргани, жумладан, фан доктори Акимушкин (Россия Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург филиали), профессор Роберт Данкофф (Чикаго университети), фандоктори Ерофеева (Тарих ва этнография институти, Олма-ота), профессор Борис Литвинский (Шарқшунослик институти, Москва), Александр Наймарк (Индиана университети), доктор Бенно ван Дален (География институти, Москва), профессор Девин Девис (Индиана университети) каби шарқшунослар унга жуда катта ёрдам берганини мамнуният билан эслайди [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1999; 29].

“Фирдавс ул-иқбол” асарининг яралганидан салкам икки аср ўтгач, биринчи марта, 2010 йили Ўзбекистондаги нашрлари амалга оширилди ва китобхонларга етказилди [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 381]. Ушбу нашрлар айнан Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матн асосида амалга оширилган. Жумладан, Ш.Воҳидов, И.Бекчонов, Н.Полвоновлар биргаликда тайёрлаган асар табдилига ёзилган сўзбошида мазкур табдилга Ю.Брегель томонидан тайёрланган илмий-танқидий нашр асос қилиб олингани, табдил матнини Ю.Брегель томонидан тайёрланган илмий-танқидий нашри билан таниқли олим Исмоил Бекжонов солиштириб ўрганган, матндаги араб тилидаги жумлалар, оят ва ҳадисларни тўғри ўқиш ва таржима этишга Нозимжон Иминжонов яқиндан ёрдам бергани маълум қилинган [Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 17].

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

“Фирдавс ул-иқбол” асарининг Ю.Брегель тайёрлаган илмий-танқидий матни нашрида ноёб маълумотларга тўла, ҳали фанимизда деярли ўрганилмаган инглиз тилидаги сўзбоши берилган [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988; 1–58]. Ҳажман ноанъанавий бўлган сўзбоши (60 бет) тўрт қисмдан иборат: биринчи қисм асар муаллифлари Мунис ва Огаҳий ижодий фаолиятини, иккинчи қисми “Фирдавс ул-иқбол” асарининг моҳияти, учинчиси асарнинг ўрганилиши ва ниҳоят, тўртинчи ыисм асарнинг қўлёзма нусхалари хусусиятларини очишга қаратилган. Даставвал муаллиф инглиз китобхонини Мунис ва Огаҳий шахсияти, ижодий мероси билан таништиради. Бу ўринда биз билган маълумотлардан ташқари, Муниснинг устозлари, Огаҳийнинг таржима асарлари хусусидаги айрим янгиликларни ўқиймиз. Жумладан, Муниснинг Сайид Эшон Хўжа ва Сайид Музаффар Хўжа каби устозлари бўлгани, ёшлигидан шеърят ва тарихда билимдон кишиларга суянганлиги қуйидагича изоҳланган: “Munis tells nothing about his learning except for the names of his two teachers (ustad): Sayid Ishan Khoja, who was also his neighbor in Khiva when he was ten or eleven years old, and Sayid Muzaffar Khoja Mutavalli, whom he mentions on three different occasions, citing also his Persian and Chaghatay poems. It is difficult to say what kind of education he received under these (and probably also other) tutors/In any case, it is clear that he knew Persian and Arabic well, had a usual adab training and from his youth leaned towards poetry and history and the company of learned men” [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988; 4].

Огаҳий таржималари ҳақида ахборот берар экан, Ю.Брегель унинг лотита тарихий таржима асарининг номи шоирнинг “Таъвиз ул-ошиқин” девони деб бочасида келтирилгани («Равзат ус-сафо», «Тарихи жаҳонкушои Нодирий», «Зафарнома», «Табақоти Акбаршоҳий», «Тазкираи Муқимхоний», «Равзат ус-сафойи Носирий», аммо еттинчиси, яъни Муҳаммад Маҳдий Астрободийнинг “Дурраи нодира” асари таржимаси ҳақидаги ахборот фақат каталогларда учраши ҳақидаги ноёб маълумотни келтиради: “Agahi by far exceeded his uncle and teacher by the volume of his literary production. His poetry (predominantly in Chaghatay, but including also a number of poems in Persian) was collected in a divan (entitled Ta’vidh al-ashiqin) rather late, at the request of Sayid Muhammad Khan (1272-1281\1856-1864), but this divan must have been supplemented also much later, continuing almost until the end of his life. He was especially prolific as a translator into Chaghatay from Persian. In his time the translation of Persian works which had begun in Khiva apparently with Munis was developing rapidly, and Agahi was the most active writer in this field. In the preface to his divan he gives the total number of his translations as 19. Among them there are such works as Gulistan by Sa’di, Yusuf u Zulaykha by Jami, Shah u gada by Hilali, Haft paykar by Nizami, Zubdat al-hikayat by Muhammad Varith, Qabus-nama, Akhlaq-i Muhsini by Husayn Kashifi, Miftah al-talibin by Mahmud Ghizhdvani, Salaman u Absal and Baharistan by Jami, Hasht bihisht by Amir Khusraw, and Vasifi. Six translations of historical works appear in the same list (1) Rawzat al-safa by Mir Khand, of which Agahi translated the second part of the second volume and the third volume; [Халлиева Г., 2018; 275] Rawzat al-safa-yi Nasiri by Riza-Quli Khan, vol.3; [Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010; 381] “Nadir-nama” – apparently, Tarikh-i jahangusha-yi Nadiri by Mahdi Khan Astarabadi; [Шермухаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий, 2010] Zafar-nama (apparently by Sharaf al-Din Yazdi); [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988]. Tabaqat-i Akbar-Shahi; [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1999; 718] Tadhkira-i Muqim-Khani. A seventh historical translation by Agahi, not mentioned in his list, appears in the catalogues: Durra-i nadira by Mahdi Khan” [Firdavs al iqbal History of Khorezm, 1988]. Ушбу маълумотлар Ю.Брегелнинг ниҳоятда синчковлик билан иш олиб борганидан, Мунис ва Огаҳий ижодига дахлдор кўп манбаларни, дунё каталогларини ўрганганлигидан далолат беради.

Ю.Брегель ёзган сўзбошининг “Фирдавс ул-иқбол” асарининг яратилиш тарихига бағишланган иккинчи қисмида асарнинг Хива хони Элтузархон буйруғига биноан ёзилгани, асарнинг 5 бобдан иборат эканлиги, боблар ҳажман тенг эмаслиги, унда қадим даврлардан тортиб, 1825 йилгача бўлган Хоразм тарихи билан боғлиқ воқеалар баён қилингани ва бошқа маълумотлар келтирилган. Асарнинг тарихий бадиий йўсинда яратилиш сабаблардан бири – Элтузархоннинг Мунисга насрда ҳам, назмда ҳам ўзининг нафислиги билан ажралиб турадиган тарих битишига даъват этиши билан ҳам белгиланади.

Ю.Брегель асарнинг услуби борасида ўз фикрларини билдириб, рус олими П.П.Ивановнинг [Иванов П.П., 1938; 23–28] “асар ниҳоятда жимжима-

8. Ярим предикатив синтактик қурилмалар билан ишлатиладиган феъллар (инглиз тилида мавжуд): феълнинг айрим семантик турлари инглиз тилида грамматик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Шу сабабдан, *The Objective -with - the - Infinitive Construction, The Objective - with - the-Participle Construction, The Subjective Infinitive Construction, The Subjective - with - the - Participle Construction* деб аталмиш яримпредикатив синтактик қурилмалар кўриш, сезиш, эшитиш ва


ақлий фаолият феъллари ёки маълум каузатив феъллар (*to get, to have, to make*) билан қўлланилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

9. Ўтимсиз феълларнинг пассив нисбат формасида кела олишига кўра турлари (ўзбек тилида мавжуд): ўзбек тилида айрим инсон ҳаракатини ифодаловчи ўтимсиз феъллар инглиз тилидаги ўтимсиз феъллардан фарқли равишда актив нисбатда ҳам, пассив нисбатда ҳам қўлланилади (*бормоқ – борилмоқ, югурмоқ – югирилмоқ*).

10. Феълларнинг предикация ифодалашига кўра турлари:

10.1. Шахс кўрсатувчи феъллар (ҳар икки тилда мавжуд) предикацияни мустақил равишда ифодалаш билан бирга, уларда мавжуд бўлган предикацияни ҳосил қилувчи морфологик замон ва майл категориялари орқали гапнинг кесимини шакллантиради. Демак, кесимлилик шахсли феъллар билан бевосита боғлиқ дея оламиз. Мисол тариқасида уларнинг гап таркибида қўлланилишини кўрамиз: *Sid went to London – Сид Лондонга кетди*.

Таъкидланганидек, инглиз тилида таксис категориясининг мавжудлигини ҳисобга олмайдиган бўлсак, инглиз ва ўзбек тилларида шахсли феълларда қуйидаги морфологик категорияларни келтириш мумкин.



10.2. Шахс кўрсатмайдиган феълларда (ҳар икки тилда мавжуд) феълликнинг баъзи белгилари мавжуд бўлмай, бошқа сўз туркумининг хусусиятлари мужассам бўлади. Шахс кўрсатмайдиган феъллар икки вазифали ҳисобланади. Шунинг учун, шахс кўрсатмайдиган феъллар кесим вазифасида қўллана олмай

ганлиги сабабли, бошқа семантик вазифаларни бажаради, ярим предикацияни ифодалайди ёки мутлақо ифодаламайди. Умуман олганда, улар феълликнинг грамматик ва семантик хусусиятларини тўла сақламаган бўлиб, бошқа сўз туркумига қараб силжиган сўзлар саналади. Уларнинг турлари қуйидагиларни ташкил этади:

а) инфинитив (ҳар икки тилда мавжуд): *to write, to speak – ёзмоқ, гапирмоқ*;

б) герундий (инглиз тилида мавжуд): *writing, speaking, helping*;

в) сифатдош (ҳар икки тилда мавжуд): *written, spoken, helped – ёзган, гапирётган*;

г) Равишдош (ўзбек тилида мавжуд): *ёзиб, ёза, гапириб, гапир*.

Демак, юқорида келтирилган фикрларни таҳлил этадиган бўлсак, грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган 25та таснифнинг 14таси ҳар икки тилда (инглиз ва ўзбек), 8таси фақат инглиз тилида, 3таси фақат ўзбек тилида мавжудлигини ажратиб бериш ўринли деб ҳисолаймиз. Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, феълнинг лексик-грамматик ҳамда грамматик турлари турли тилларда сони, маънолари, шакллари ва қўлланилиши билан фарқланади.

ХУЛОСА

Инглиз ва ўзбек грамматикасига оид қатор адабиётларнинг чоғиштира таҳлили натижасида феъл турларининг таснифи ҳақидаги фикр-мулоҳазалар бир-биридан кескин фарқ қилиши кузатилди. Мазкур назарий қарашлар ўртасидаги тафовутларнинг асосий сабаби қуйидагилар билан изоҳланади:

Биринчидан, феъл турларини таснифлашда лексика ва грамматика ўртасидаги боғлиқлик эътиборга олинмаган.

Иккинчидан, илмий тасниф асосида феъл турлари белгиланмаган.

Учинчидан, инглиз ва ўзбек тилларида феъл турлари чоғиштира планда ўрганилмаган.

Тўртинчидан, ўзбек тилига доир грамматик манбаларнинг деярли барчаси фақат она тилини ўрганувчилар учун мўлжалланган.

Шундай қилиб, бу жиҳатларнинг барчаси феъл турларининг грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган илмий таснифини ишлаб чиқишга асос бўлди. Феъл таснифига лексик-грамматик тасниф нуқтаи назардан ёндашиш таклиф қилинди.

Қардош бўлмаган тиллардаги грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган феъл турлари атрофлича тадқиқ қилиниши натижасида, грамматика ва лексика ўртасидаги алоқадорликни ҳисобга олган ҳолда, инглиз ва ўзбек тилларида феъл турларини янгича илмий таснифи ишлаб чиқилди. Шу нуқтаи назардан, инглиз ва ўзбек тилларида қуйидаги грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган феъл таснифлари аниқланди: мустақил маъно англатишига; шакл ясашига; объектга муносабатига; валентлигига ва феълларнинг бошқа грамматик хусусиятларига кўра: предлогли тўлдирувчи олишига, ўтимсиз феълларнинг пассив нисбат формасида кела олишига, ҳаракатнинг вақтда чегараланганлигига, формал эгани талаб қилишига ва ярим предикатив синтактик қурилмалар билан ишлатилишига

кўра феъл турлари.

Шунинг билан бирга, инглиз ва ўзбек тилларидаги шахс кўрсатадиган феълларнинг морфологик категориялари ўртасида фарқ мавжудлиги аниқланиб, инглиз тилида ўзбек тилидан фарқли равишда таксис морфологик категориясининг учраши кузатилди.

Шахсий кузатувлар, таҳлиллар асосида инглиз ва ўзбек тилларида уларни қиёсий ва чоғиштира тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши натижасида изоморфлик ва алломорфлик хусусиятлари очиқ берилди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Kaseyovich V.B. *Elementi obshey lingvistike*. – Moskva: Nauka, 1977. – 182 s.
2. Karaulov Yu.N. *Obshaya i russkaya ideografiya*. – Moskva: Nauka, 1976. – 356 s.
3. Shur G.S. *Teoriya polya v lingvistike*. – Moskva, 1974. – 256 p.
4. Ipsen G. *Der Alte Orient und die Indogermanen «Festschrift für W.Streitberg»*. – Heidelberg, 1924.
5. Trier J. *Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes*. – Heidelberg, 1931.
6. Isarov O.R. *Ingliz tilida taksisning ifodalanishi: Filol. fan. nomz....dis. avtoref.* – T. 2007. – 24 b.
7. Blokh M.Y. *A Course in Theoretical English Grammar*. – Moscow: Visshaya shkola, 1983. – 383 p.
8. Hojiyev A.P. *To'liqsiz fe'l*. – Toshkent: Fan, 1970. – 262 b.
9. Hojiyev A.P. *O'zbek tilida ko'makchi fe'llar*. – Toshkent: Fan, 1966. – 221 b.
10. Mirtojdiyev M.M. *O'zbek tilidagi fe'l valentliklari*. – Toshkent: Universitet, 2007. – 64 b.
11. *O'TIL – O'zbek tilining izohli lug'ati. 5 jildlik*. – Toshkent: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2008. 608 – b.
12. Hornby A.S., Cowie.A.P. *OALDCE – Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English*. – Oxford: Oxford University Press, 1974. – 1037 p.
13. *LDCE – Longman Dictionary of Contemporary English*. – London: Longman group Ltd., 1992. – 1229 p.
14. Qodiriy Abdulla. *O'tgan kunlar*. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va sana't nashriyoti, 1974. – 378 b.
15. Hoshimov O'tkir. *Saylanma.* – Toshkent: Sharq, 1993.
16. Cho'lpon. *Asarlar: Uch jildlik*. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va sa'nat nashriyoti, 1994. – 472 b. *Kecha va kunduz. Roman*. – 265 b.
17. Qaxxor Abdulla. *Sinchalak*. – Toshkent: 1958. – 152 b.
18. Hemingway E. *The Old man and the sea*. – Moscow: Prosveshcheniye, 1983. – 63 p.
19. Lamb Ch, Lamb M. *Tales from Shakespeare*. – Moscow: Prosveshcheniye, 1984. – 112 p.
20. Austen Jane. *Pride and Prejudice*. – England: Pearson Education Limited, 1999. – 133 p.

REFERENCES

1. Kaseyovich V.B. *The Elements of General Linguistics*. Moscow: "The Science" Publishing House, 1977. – 182 p.
2. Karaulov Yu.N. *General and Russian ideography*. – Moscow: "The Science" Publishing House, 1976. – 356 p.
3. Shur G.S. *Field Theory in Linguistics*. – Moscow, 1974. – 256 p.
4. Ipsen G. *Der Alte Orient und die Indogermanen «Festschrift für W.Streitberg»*. – Heidelberg, 1924.
5. Trier J. *Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes*. – Heidelberg, 1931.
6. Isarov O.R. *Expression of taxis in English: dissertation abstract for the Candidate of Philol-*

- ogy. – Tashkent, 2007. – 24 p.
7. Blokh M.Y. A Course in Theoretical English Grammar. – M.: Visshaya shkola, 1983. – 383 p.
 8. Hojiyev A.P. Semiotonal verbs. – Tashkent: “The Science” Publishing House, 1970. – 262 p.
 9. Hojiyev A.P. Assisting verbs in the Uzbek language. – Tashkent: “The Science” Publishing House, – 221 p.
 10. Mirtojiyev M.M. The valance of the verbs in Uzbek. – Tashkent: “University” Publishing House, 2007. – 64 p.
 11. Explanatory dictionary of the Uzbek language. In five volumes. – Tashkent: “National encyclopedia of Uzbekistan” Publishing House, 2008. 608 – p.
 12. Hornby A.S., Cowie.A.P. OALDCE – Oxford Advanced Learner’s Dictionary of Current English. – Oxford: Oxford University Press, 1974. – 1037 p.
 13. LDCE – Longman Dictionary of Contemporary English. – London: Longman group Ltd., 1992. – 1229 p.
 14. Qodiriy Abdulla. The past days. – Tashkent: The Publishing House of Literature and Art named after Gafur Gulyam, 1974. – 378 p.
 15. Hoshimov Utkir. Saylanma. – Tashkent: “The East” Publishing House, 1993.
 16. Chulpon. Novels: In three volumes. – Tashkent: The Publishing House of Literature and Art named after Gafur Gulyam, 1994. – 472 p. Night and Day. Novel. – 265 p.
 17. Qaxxor Abdulla. Sinchalak. – Tashkent. 1958. – 152 b.
 18. Hemingway E. The Old man and the sea. – Moscow: Prosveshcheniye, 1983. – 63 p.
 19. Lamb Ch, Lamb M. Tales from Shakespeare. – Moscow: Prosveshcheniye, 1984. – 112 p.
 20. Austen Jane. Pride and Prejudice. – England: Pearson Education Limited, 1999. – 133 p.



Гулрух Сайидова

БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси таянч
докторанти

АЛИШЕР НАВОЙ ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ- КОМПОЗИЦИОН ТАХЛИЛИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада жаҳон бадий тафаккури тараккиётида алоҳида ўринга эга Алишер Навоий назмий асарларидаги ташбиҳ бадий санъати лингвопоэтик аспектда ўрганилган ҳамда ундаги ўхшатишлар структурал-композицион жиҳатдан таҳлил этилган, унинг структуравий хусусиятларини аниқ тасаввур этиш ҳамда аниқ тушунчага эга бўлиш мақсадида ихчамлаштирилган шакл ёки формула воситасида очиқ берилган, уни турларга ажратиш тамойиллари белгиланган. Шоирнинг назарда тутилган асарларида ўхшатиш узварининг иштироки, ўрни ва миқдорига қўра ўхшатишлар дастлаб уч – содда ўхшатишлар, мураккаблашган ўхшатишлар ва мураккаб ўхшатишлар турларига ажратилган ҳамда содда ўхшатишларнинг икки тури мавжудлиги аниқланган. Ўхшатиш узварининг иштирокига қўра ўхшатишлар икки турга, яъни тўлиқ ўхшатишлар ҳамда тўлиқсиз ўхшатишларга ажратилиб, айрим шаклий белгилардан фойдаланиб таснифланган. Шоир шеърий асарларида воситасиз (ўхшаган ва ўхшатишган узварлари мавжуд) ўхшатишлар, яъни А (ўхшаган) ҳамда Б (ўхшатишган) қурилмали ўхшатишлар бошқа структурали ўхшатишлардан нисбатан кўпчиликни ташкил этиши фактик материаллар билан асосланган.

Шоир шеъриятидаги содда ўхшатишларнинг структураси А – ўхшаган, Б – ўхшатишган, В – ўхшатиш қайди ва Г – ўхшатиш белгиси тарзида бўлиб, унда ўхшатиш узварининг барчаси – А Б В Г лар иштирок этганлиги ўрганилиб, мураккаблашган ўхшатишларда А – ўхшаган ва Б – ўхшатишган, албатта, мав-

Gulrux Sayidova

PhD student of the Department of Uzbek Linguistics,
Bukhara State University

STRUCTURAL-COMPOSITIONAL ANALYSIS OF COMPARISONS IN THE POETRY OF ALISHER NAVOI

ANNOTATION

The article explores the linguistic-poetic aspect of the art of allegory in the poetic works of Alisher Navoi, which has a special place in the development of world artistic thought and its analogies are structurally-compositionally analyzed, revealed in a condensed form or formula in order to have a clear idea of its structural features and to have a clear understanding, and the analogies in it set out the principles of structural division. According to the presence, place and quantity of analogy components in the poet's intended works, analogies are initially divided into three types – simple analogies, complex analogies and complex analogies and two types of simple analogies have been identified.

According to the presence of simulation components, simulations are divided into two types, i.e. complete simulations and incomplete simulations, and are classified using some formal symbols. In the poet's poetic works, indirect (similar and analogous components) analogies, i.e., A (similar) and B (simulated) device analogies, are based on factual material, which is more numerous than other structural analogies. The structure of simple analogies in the poet's poetry is A - similar, B - analogous, V - analogical note and G - analogical symbol, it involved all of the simulation components – A B V G.

In complex simulations, it was found that A - similar and B - simulated were indeed present, in which case the V - identification record or the G - identification mark were not used. In particular, the non-use of the G-identification symbol has been widely observed. A B Vs played an important role in the structure of complex analogies.

жуд бўлганлиги, унда В – ўхшатиш қайди ёки Г – ўхшатиш белгиси эса қўлланилмаганлиги аниқланган. Айниқса, Г – ўхшатиш белгисининг қўлланилмаслиги кўп кузатилганлиги таъкидланиб, мураккаблашган ўхшатишлар структурасида А Б В нинг муҳим ўрин тутганлиги тегишли мисоллар билан далилланган.

Ўхшатишларнинг учинчи тури, яъни мураккаб ўхшатишларнинг қурилмасида А – ўхшаган битта, Б – ўхшатишган эса икки ва ундан ортиқ миқдорда воқеланади. Унинг формуласи А Б Б ... В Г ёки А Б Б ... В шаклида бўлади. Алишер Навоий назмий асарларида, айниқса, ишқий мавзудаги ғазалларида маъшуқа кўркини тавсифлашда ушбу қурилмавий, яъни А Б Б ... В Г ёки А Б Б ... В типидagi ўхшатишлардан кенг фойдаланганлиги лирик парчалар таҳлили асосида далилланган. Бундай формулалар ўхшатишлар шоирга маҳбубанинг ички ва ташқи гўзаллигини бадий нуктаи назардан тўлиқ, аниқ ва таъсирчан ифодалаш учун асос бўлган. Шоир назмий асарларида қўлланган ўхшатишлар структурал-композицион хусусиятларга кўра турлича бўлса-да, уларнинг ҳаммаси бир мақсадга – бадий асарни баркамол этиш, мазмунни гўзал ва таъсирчан, энг муҳими, умуминсоний ғояларни аниқ ҳамда ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Калит сўзлар: структура, композиция, ўхшатиш, ташбих, узв, белги, формула, ўхшаган, ўхшатишган, ўхшатиш қайди, ўхшаш, тўлиқ ўхшатишлар, тўлиқсиз ўхшатишлар, содда ўхшатишлар, мураккаб ўхшатишлар.

Инсоният тафаккури маҳсули бўлган, муайян халқнинг маданиятини ўзида яққол ифодалаган ва бадий санъатлар тизимида энг фаол ҳисобланган ўхшатишларнинг мазмун-моҳияти, эстетик қиймати, структурал-композицион хусусиятлари кабиларни адабиётшунослик ҳамда тилшунослик аспектида ўрганиш жаҳон филологияси фани учун ҳар доим долзарблик касб этади. Шунга кўра, бадий асарлар тилидаги ўхшатишларнинг конструкцион жиҳатларини аниқлаш, воқеланиш тартибини белгилаш, поэтик қийматини баҳолаш ва эстетик таъсир механизмини очиб бериш аҳамиятлидир. Бадий тафаккурнинг бош, асосий тамойиллари метафора, ўхшатиш, тимсол ва рамздир. Аёнки, ўхшатишлар энг қадимий тасвирий воситалардан бири бўлиб, улар бадий адабиёт тилида энг кўп қўлланивчи, тасвирнинг аниқлиги ва образлигини таъминловчи жуда

The third type of simulations, i.e., in the structure of complex simulations, occurs in the amount of A-like one and B-simulated in two or more quantities. Its formula is in the form A B B ... V G or A B B ... V. In Alisher Navoi's poetic works, especially in his ghazals on romantic themes, this structural, i.e. A B B ... V G or A B B ... V type analogies are widely used, as evidenced by the material. Such formulaic analogies were the basis for the poet to express the inner and outer beauty of the beloved from a complete, clear and impressive artistic point of view. Although the analogies used in the poet's poems differ in structural and compositional features, they all serve the same purpose - the perfection of the work of art, the content is beautiful and impressive, and most importantly, the clear and vivid expression of universal ideas.

Key words: structure, composition, analogy, tashbih, component, character, formula, likeness, likeness, likeness tool, likeness, full likeness, incomplete likeness, simple likeness, complex likeness.

муҳим воситадир. Ўхшатишни баҳо категориясидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди, чунки одам атрофидаги оламни ва, албатта, ўзини қиёслаш-ўхшатиш ва баҳолаш йўли билан англаб боради [Михнчук К.О., 2011; 131].

Алишер Навоий инсон оламдаги барча мавжудотлардан кескин фарқ қилиши, у фикр юритиш, тафаккур қилиш қобилияти ва онгга эгаллигини назмий асарларида ҳам, насрий асарларида ҳам, тарихий-диний асарларида ҳам кўп бора таъкидлаб ўтган. Ҳақиқатан ҳам онг ёрдамида инсон ташқи дунёни ўрганади, унга муносабат билдиради, маънавий дунёсини бойитиб боради, ўзини англашга ҳаракат қилади, бирор нарса ёки воқеа-ҳодисани иккинчи нарса ёки воқеа-ҳодисага қиёслайди ҳамда тегишлича хулосалар чиқаради. Инсонда онг туфайли ҳис-туйғулар, кечинмалар, ташвишлар, истаклар ва орзу-умидлар воқеланади. Машҳур файласуф Абу Наср Форобий ёзади: “Инсон ўзининг алоҳида хусусиятлари билан барча ҳайвонлардан фарқ қилади, чунки унда руҳ бор, ундан тана аъзолари воситасида таъсир этувчи кучлар пайдо бўлади, бундан ташқари, унда тана аъзоларининг воситасисиз таъсир этувчи куч ҳам бор, бу куч ақлдир” [Абу Наср Форобий, 2016; 28].

Инсоннинг энг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, айтилганидек, у ақл, онг, тафаккур воситаси билан бир нарса, воқеа-ҳодиса ёки тушунчанинг бошқа бир нарса, воқеа-ҳодиса ёки тушунчага қиёслайди, уларнинг ўзаро алоқаси, ўхшаш жиҳатлари бўйича муайян мантиқий хулосалар келтириб чиқаради ҳамда уларни мулоқот жараёнида жамиятдаги бошқа кишиларга турли шакл ва мазмунда етказилади. Бадиий адабиётда эса бу ўзига хос мазмун ва шаклда намоён бўлади. Маълумки, мумтоз адабиётшуносликда бадиий санъатлар икки – лафзий ва маънавий санъатлар бўйича ўрганилган. Илк бор “Бадойиъ-ус-санойиъ”да бадиий санъатлар мазкур турларга ажратилган: “Нутқ гўзалликлари уч қисм билан чекланур ул жиҳаттинким, ҳар гўзаллик ё фақат лафз гўзаллигидур, ё фақат маъно гўзаллигидур ёхуд лафзу маъно йиғиндисининг гўзаллигидур” [Ҳусайний А., 1981; 231]. Бу анъана ҳозир ҳам деярли сақланган [Мамажонов З., 2017; 10].

Шарқ мумтоз адабиётшунослигида ўхшатиш *ташбих* деб номланади ва алоҳида бадиий санъат сифатида талқин этилади. Адабиётшунос Ё.Исҳоқовнинг ёзишича: “Ташбих – ўхшатиш, маънавий санъатлар ичида энг фаолларидан бири бўлиб, унинг моҳияти сўзларда ифодаланган икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса ёки хусусиятни улар ўртасида мавжуд бўлган бирор ўхшашлик, умумийлик (сифат, белги ёки вазифа) нуқтаи назаридан қиёслашдан иборатдир” [Исҳоқов Ё., 2006; 230]. А.Ҳожиаҳмедовнинг “Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия” китобида берилган қирқ икки турдаги шеърый санъатлар орасида ташбих муболағадан кейинги иккинчи ўринда қайд этилган [Ҳожиаҳмедов А., 1998; 46].

Англашиладики, маънавий санъатлар тизимида энг муҳим бадиий санъатлардан бири, шубҳасиз, ташбих санъатидир. Ё.Исҳоқов: “Ёзма адабиётнинг ривожланиш йўли поэтик воситалар, жумладан, ташбихнинг ҳам тараққиёт тарихидир”, деб ифодалаганида ҳақдир [Исҳоқов Ё., 2006; 231]. Ўхшатишлар бадиий тафаккурнинг дастлабки унсурларидан бири бўлиб, унинг тарихи узоқларга бориб тақалади. Узоқ тарихий жараёнлар натижасида ўхшатишлар тараққий этиб,

мукаммаллашиб борди. Бадиий асардаги ўхшатишлар оригинал бўлса, унинг таъсирчанлиги, эстетик завқ уйғотиш кучи юқори бўлади. Бу хусусда Н.Маҳмудов ёзади: “Ёзувчи ўзининг бадиий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмагани, оҳорлилиги билан ўқувчини ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантиради” [Маҳмудов Н., 2013; 14]. Шунингдек онг-руҳиятдаги туйғу ва кечинмалар ҳамда ўй-мушоҳадаларнинг бадиий ифодаси мазмунга муносиб поэтик шаклда бўлсагина, асарнинг бадиий аҳамияти, эстетик қиймати ва таъсирчанлиги юқори даражада бўлиши таъминланади.

Буюк мутафаккир Аристотель бу хусусда қуйидагиларни ёзади: «Шакл асарнинг моҳиятидан келиб чиқади. Ҳар доим яхшироқ тушуниладиган нарса шаклан ҳам гўзалроқ бўлади» [Аристотель, 2004; 20]. Адабиётда шакл ва мазмун мутаносиблиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини, айниқса, мазмун устувор қиймат касб этишини Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” асарида алоҳида таъкидлаб шундай ёзади: *Назмда ҳам асл анга маъни дурур, / Бўлсун анинг сурати ҳар не дурур. / Назмки маъни анга марғуб эмас, Аҳли маоний қошида хўб эмас. / Назмки ҳам сурат эрур хуш анга, / Зимнида маъни доғи дилкаш анга* [Навоий, 1991; 61].

Шакл ва мазмун бирлиги масаласи бадиий ижодда муҳим аҳамият касб этади. Алишер Навоий ушбу муаммога ўз муносабатини мазкур байтларда ниҳоятда ёрқин услубда бадиий талқин этган. Айтилганидек, шоир ушбу шеърида назмда мазмун билан шакл бирлиги аҳамиятли эканлигини, айниқса, мазмун бирламчи қиймат касб этишини, ижодкорнинг бадиий ифода усули ва шакли тасвирланаётган воқелик, нарса-предмет, кечинма-мушоҳаданинг моҳиятига дахлдор тарзда намоён бўлишини алоҳида эътироф этади.

Ташбиҳнинг таркиби тўрт унсур (қисм)дан ташкил топади. Илмий адабиётларда бу унсурларнинг номланиши турлича. Фикримизча, улар орасида энг тўғри, аниқ ва мантиқли номланиш Фитратга тегишли. Шунга кўра, ташбиҳнинг тўрт унсурини Фитрат қарашлари асосида изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Олим *Аҳмат арслон каби ботурдир* жумласи бўйича ўхшатиш унсурларини талқин этади. *Аҳмат* (ўхшаган), *арслон* (ўхшатиш), *каби* (ўхшатиш қайди), *ботур* (ўхшаш) [Фитрат, 2006; 50-52].

Эслатиб ўтиш ўринлики, ўхшатиш узвлари илмий асарларда турли номлар билан ифодаланиб келинмоқда. Чунончи, Абдурауф Фитрат қўллаган *ўхшаган* Атоуллоҳ Хусайний асарида “мушаббах” [Хусайний А., 1981; 212], Алибек Рустамов ишларида “ўхшатишмиш”, А.Ҳожиаҳмедов рисоласида “мушабиҳ” [Ҳожиаҳмедов А., 1998; 14], Ё.Исҳоқов китобида “мушаббах” [Исҳоқов Ё., 2006; 231], М.Ёқуббекова монографиясида эса “ўхшатиш асоси” [Ёқуббекова М., 2005; 39] деб берилган бўлса, Абдурауф Фитрат қўллаган *ўхшатишган* Атоуллоҳ Хусайний асарида “мушаббах-биҳ”, Алибек Рустамов ишларида “ўхшовчи”, А.Ҳожиаҳмедов рисолаларида “мушаббиҳун-биҳ”, Ё.Исҳоқов китобида “мушаббахун-бех”, М.Ёқуббекова монографиясида эса “ўхшатиш тимсоли” деб келтирилган. М.Ёқуббекованинг «Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик

хусусиятлари” номли рисоласида ўхшатиш узвларининг номи тадқиқотларда турлича аталса ҳам ҳодисанинг моҳият-мазмунини ифодалашда уларнинг назарий қарашлари-фикрлари деярли бир-биридан фарқ қилмайди, деб қайд этилган [Ёқуббекова М., 2005; 39].

Адабиётшунос Ё.Исҳоқов “Сўз санъати сўзлиги” китобида ўхшатилаётган нарса ёки ҳодисаларнинг бир-бири билан қай даражада мос тушишига қараб ўхшатишларни иккига – *ташбиҳи том* (тўлиқ ўхшатиш) ва *тўлиқ бўлмаган ташбиҳи*га ажратади. Ташбиҳ тузилиши ва хусусиятларига *кўра* эса *ташбиҳи сарих* (очиқ ўхшатиш), *ташбиҳи маршрут* (шартли ўхшатиш), *ташбиҳи тафзил* (чекиниш йўли билан ўхшатиш), *ташбиҳи акс* (тескари ўхшатиш), *ташбиҳи тасвият* (баробар ўхшатиш), *ташбиҳи мусалсал* (кетма-кет ўхшатиш), *ташбиҳи киноят* (*киноя* – имо-ишора йўли билан ўхшатиш), *ташбиҳи мўъкад* (таъкид йўли билан ўхшатиш) каби кўринишларга эга эканлигини айтиб ўтади [Исҳоқов Ё., 2006; 230–236].

Унинг фикрича, ташбиҳ энг муҳим бадий санъатлардан бири бўлиб, бир қатор шеърий санъатлар бевосита унинг заминида пайдо бўлади. Ташбиҳ бадий адабиётда фақат *сўз ўйини* сифатида эмас, балки ижодкор ғояларини бадий ёрқин ифодалашга хизмат қилади. Ўхшатишларда тўрт унсур мавжуд бўлади: 1) ўхшатиш субъекти; 2) ўхшатиш эталони; 3) ўхшатиш асоси; 4) ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичлари. М. Ёқуббекова ўзбек халқ кўшиқлари лингвопоэтикасида бағишланган юқорида номи келтирилган монографиясида ўхшатишнинг яна бир унсури – «ўхшатиш мақсади» ҳам мавжудлигини таъкидлаган [Ёқуббекова М., 2005; 153]. Ўхшатиш эталони ўхшатиш конструкциянинг поэтик қимматини, эстетик салмоғини белгилайди. Ўхшатиш эталони қанчалик оригинал бўлса, ўхшатишли қурилма ҳам шу даражада оҳорли бўлади [Йўлдошев М., 2005; 46].

Ўхшаган – ўхшатилаётган нарса, воқеа-ҳодиса, тушунчанинг лексик ифодаси бўлиб, уни шартли равишда А ҳарфи билан белгиладик. *Ўхшатиш* – ўхшаганни ўхшатиш учун асос бўлувчи нарса, воқеа-ҳодиса, тушунчанинг лексик ифодаси бўлиб, уни шартли равишда Б ҳарфи билан кўрсатдик. *Ўхшатиш қайди* – ўхшатиш муносабатини шакллантирувчи лексик бирликлар ва грамматик шакллар бўлиб, уни ихчамлаштирилган шаклда В ҳарфи билан атадик. *Ўхшатиш* – қиёсланган нарса, воқеа-ҳодиса, тушунча ўртасидаги ўхшашлик белгисининг лексик ифодаси бўлиб, уни қисқартма шаклда Г ҳарфи билан белгиладик. Ишда ихчамликка эришиш учун кейинги ўхшатишларнинг структурал-композицион (таркибий-композицион) хусусиятларини ўрганишда биз ана шу формула ёрдамида фикр юритамиз. Ўхшатиш қурилмалари бир қанча таркибий қисмдан тузилган бўлгани учун уни композицион қурилиши жиҳатидан ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир [Ёқуббекова М., 2005; 41].

Алишер Навоий шеърий асарларидаги ўхшатишлар структурал-композицион жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга. Аёнки, ўхшатишлар унда узвларнинг иштирокига кўра икки турга ажратилади: 1) тўлиқ ўхшатишлар; 2) тўлиқсиз ёки қисқа ўхшатишлар. Тўлиқ ўхшатишларда ўхшатиш объекти, ўхшовчи образ

ва ўхшатма белги лексик бирликлар билан келиши асосий мезон ҳисобланади [Мукаррамов М., 1976; 30]. Тўлиқсиз ўхшатишларда эса ўхшатма белги лексик бирлик билан ифодаланмайди. Айтилганларга кўра, Алишер Навоий поэтик асарларидаги ўхшатишларни мазкур турлар бўйича тасниф этиб, тегишлича тавсиф этиш мумкин.

Тўлиқ ўхшатишлар учун ўхшатиловчи объект, ўхшовчи образ ва ўхшатма белги лексик бирликлар билан келиши асосий мезон ҳисобланади [Мукаррамов М., 1976; 30]. Айтилганидек, Алишер Навоий шеърӣ асарларидаги тўлиқ ўхшатишларнинг структурал-композицион жиҳатларини тадқиқ этишда шартли белгилар ёки формуладан фойдаланиш ўринлидир. Шунга кўра ўхшаган учун – А, ўхшатиш учун – Б, ўхшатиш қайди учун – В, ўхшатиш белгиси учун – Г ҳарфлари белгиланди. Тўлиқ ўхшатишлар формуласини умумий тарзда А Б В Г сифатида ифодалаш мумкин. Мазкур ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, уни тушуниш осон ва қулай бўлиши учун маълум формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш мумкинки, Н.Маҳмудов, М.Ёқуббекова кабиларнинг ўзбек тили ва халқ қўшиқларидаги қиёсий қурилмалар учун тадқиқ этган формулалари мавжуд бўлиб, улар бир-бирдан нисбатан катта фарқ қилмайди. Масалан, Н.Маҳмудов: А ни – ўхшатиш субъекти симболи; В ни – ўхшатиш эталони симболи; β ни – ўхшатишнинг шартли кўрсаткичи; С ни – ўхшатиш асосининг симболи тарзида белгилаган бўлса [Маҳмудов Н., 2013; 66], М.Ёқуббекова: А ни – ўхшатиш асоси: Т ни – ўхшатиш тимсоли; В ни – ўхшатиш воситаси; Б ни – ўхшатиш белгиси тарзида ифодалайди [Ёқуббекова М., 2005; 39-40]. Биз эса ўхшатиш узвларининг ҳар бирининг шартли белгиси учун кирилл алифбосидаги дастлабки ҳарфий белгилар – А Б В Г дан, ўхшатиш узвлари номлари учун эса, юқорида айтилганидек, Абдурауф Фитрат кўллаган сўзлар – *ўхшаган* (шартли белгиси А), *ўхшатиш* (шартли белгиси Б), *ўхшатиш қайди* (шартли белгиси В), *ўхшатиш* (шартли белгиси Г)дан фойдаланишни лозим топдик [қар. Фитрат, 2006; 13].

Алишер Навоий шеърӣ асарларида ўхшатишнинг барча узвлари иштирок этган, яъни А Б В Г формулалари тўлиқ ўхшатишлар муайян миқдорда мавжуд бўлиб, улар шоирнинг бадиий-эстетик қарашлари, эзгулик, яхшилик каби ғояларини ифодалашда муҳим тасвирий восита бўлиб хизмат қилган. Шоирнинг мазкур формулалари айрим байтларини куйида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз:

Фироқ даштида кўнглумни қилди хори хасак

Тиканки, ҳар ёнидин бош чиқарди пайкондек. [Навоий, 1988; 272].

Мазмуни: “Фироқ (айрилик, жудолик) кўнглимни хори хасак, яъни майда тикан [НАЛ, 1972; 661] қилди, у шундай тиканки пайкон (яъни камон ўқининг учидаги металл башоқ)дек ҳар ёнидан бош чиқариб мени азоблади”. Эътибор берилса, байтдаги айрим сўзлар мажозий маънода қўлланган. Бунга мисол сифатида форсий *хори хасак* сўзи қийноқ [НАЛ, 1972; 661], форсий *пайкон* сўзи эса *киприк* [НАЛ, 1972; 497] мажозий маъноларда ифодаланганлигини айтиб ўтиш мумкин. Шеърда *фироқ* ўхшаган, *пайкон* ўхшатиш, *-дек* ўхшатиш қайди, *хори хасак* ўхшатиш бўлиб келган. Буни формула воситасида изоҳлайдиган бўлсак, А –

фироқ, Б – *пайкон*, В – *-дек*, Г – *хори хасак*. Демак, мазкур байтда ўхшатишнинг барча узвлари – А Б В Г воқеланган.

Турфа рухсоринги, ҳусн ичра эрур гулзордек,

Турфароқ будурки, гулзор эрмас ул рухсордек [Навоий, 1988; 264].

Тавсифи: “Ажиблиги билан кишини ҳайратга соладиган юзинг ҳусн оламидаги гулзорга ўхшайди, ажойиблиги шуки, ҳусн олами чехрангдек гулзор эмас”. Байтда изоҳталаб, ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолдан чиққан сўзлар, фақат *рухсор* сўзини ҳисобламаганда, деярли мавжуд эмас. *Рухсор* сўзи форсий бўлиб, *юз*, *чеҳра* луғавий маънони ифодалайди. Байт мазмунидан англашиладики, шоир маъшуқа ҳуснини биринчи мисрада гулзорга, иккинчи мисрада эса унинг чеҳрасига қиёслаган. Унинг структуравий формуласи А Б Б В Г тарзида бўлади. Тўғриси, байт вазн ва қофия талабига тўлиқ жавоб берса-да, бироқ мазмун жиҳатидан талабга тўлиқ жавоб бермайди. Иккинчи мисрадаги ўхшатиш мантиқан ўринсиз қўлланган. Абдурауф Фитрат “Адабиёт қоидалари” асарида ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари, чунончи, Алишер Навоийнинг ғазалларида айрим ўхшатишлар зўраки, ясама эканлигини таъкидлаб ўтган [Фитрат, 2006; 52].

Бўлди юз минг пора жисмимда сўнгак, қон қолмади,

Молиши ҳажрингдин ўлмишмен сиқилган нор киби. [Навоий, 1988; 272].

Тавсифи: “Ҳажр молишингдан жисмимдаги суякларим юз минг парча бўлди, жисмимда қон қолмади, сиқилган нордек бўлиб қолдим”. Байтда изоҳталаб сўзлар қуйидагилар: *сўнгак* – суяк, қадимги туркий сўз; *молиши* – ишқалаш, суйкаш [НАЛ, 1972; 396], форсий; *нор* – анор, форсий [НАЛ, 1972; 468]. Шоир ошиқнинг жисми ҳажр (айрилиқ, жудолик)дан юз парча бўлганлигини, жисмида бир томчи ҳам қон қолмаганлигини, жисми гўёки сиқилган анор кабига ўхшаб қолганлигини мазкур байтда таъсирли ифодалай олган. Эътибор берилса, ошиқнинг танасидаги қон анорнинг кип-қизил сувига, айрилиқдаги ҳолати эса сиқилган анорга ҳам ўхшатишган. *Жисм* – ўхшаган, *нор* – ўхшатишган, *киби* – ўхшатиш қайди, *ҳажр* – ўхшашдир. Бунинг формуласи қуйидагича: А – *жисм*, Б – *нор*, В – *киби*, Г – *ҳажр*. Мазкур байтда ҳам шоир ўхшатишнинг барча узвларидан ўринли фойдаланган. Шунингдек шеърда бундан ташқари бошқа ташбиҳлар ҳам қўлланганлигини кузатиш мумкин. Эътибор берилса, шоир ошиқнинг танасидаги қонни анорнинг кип-қизил сувига, айрилиқдаги ҳолатини эса сиқилган анорга ҳам ўхшатган. Гарчи бунда ўхшатиш узвлари тўлиқ ифодаланмаган бўлса ҳам, шеърнинг умумий мазмунидан мазкур ўхшатиш аниқ воқеланганлигини англаш у қадар қийин эмас.

Ҳажр аро ул шўх кўнглум сайд этар рухсор очиб,

Тифл оқшом қуш тутарга равшан эткандек чароғ [Навоий, 1988; 244].

Изоҳи: “Шўх маъшуқа юзини очиб, айрилиқдан азобланган кўнглимни овлайди, бу гўё қуш тутмоқчи бўлган ёш боланинг қоронғу оқшомини чироқ ёруғ этганга ўхшайди”. Байтдаги изоҳталаб сўзлар: *сайд* – ов, шикор, арабий [НАЛ, 1972; 520], *тифл* – ёш бола, гўдак, арабий [НАЛ, 1972; 609]. Мазкур байт ҳам ишқий мавзуда бўлиб, ҳажрдан қийналган ошиқ ҳолати ташбиҳлар воситасида ёрқин, аниқ ва таъсирли ифодаланган. Байтдаги *чароғ* (чироқ) – ўхшаган, *маъшуқа юзи* – ўхшатишган, *-дек* – ўхшатиш қайди, *равшан* – ўхшашдир. Маз-

кур ўхшатиш қурилмасининг формуласи А Б В Г тарзида намоён бўлиб, унда ўхшатишнинг барча узвлари иштирок этган. Байт мазмунидан англашиладики, шўх маъшуқа беҳад гўзал рухсори билан ҳажрдан жуда қийналган ошиқ қалбини овчи қушни овлагани каби овлайди, бу гўё қоронғу тунда қуш овига чиққан ёш боланинг оқшомини чироқ каби ёритганга ўхшайди. Ошиқнинг ҳажри оқшомга, маъшуканинг юзи, бир томондан, қушни овлашга чоғланган овчига, иккинчи томондан, чироққа, ошиқ кўнгли эса бир томондан, қушга, иккинчи томондан, ёш болага ташбих этилган.

Бир тун ул ой ҳажридин куйдум, улус кўрди мени

Тонгласи бир йил такассур тортқан бемордек [Навой, 1988; 264].

Тавсифи: “Ул ой, яъни маъшуқа ҳажрида тун билан куйдим, менинг ҳолимни тонгда халқ (кишилар) кўриб, бир йил шикаст топган беморга ўхшатди”. Байтда изоҳталаб сўзларнинг миқдори кўп эмас, деярли барча сўзлар, *такассур* сўзини эътиборга олмаганда, ҳозирги китобхон учун тушунарли. *Такассур* сўзи арабий бўлиб, *шикаст топиш* луғавий маъносини ифодалайди. Ушбу байтда умумтуркий *ой* сўзини шоир метафора (истиора) сифатида, *маъшуқа* мажозий маънода қўллаган. Мазкур байтдаги ўхшатишларнинг структуравий формуласи куйидагича: А – *ой* (маъшуқа, ўхшаган), Б – *бемор* (ўхшатиш), В – *-дек* (ўхшатиш қайди), Г – *ҳажр* (ўхшаш).

Шоир шеърий асарларидаги тўлиқ ўхшатишларга мисол тарзида яна куйидаги байтларни келтириб ўтиш мумкин: *Зулфида дарду бало истар Навоий ишиқидин, / Ул гадодекким, тилар аҳли карамдин шомлиғ* [Навой, 1988; 246]; *Гул тани юз чок ўлуб буким бўялмиш қон аро, / Тегди ғамзанг хайлидин гўё анга бисёр тийғ* [Навой, 1988; 247] ва бошқалар.

Тўлиқсиз ўхшатишларда ўхшатма белги лексик бирликлар билан ифодаланмайди [Мукаррамов М., 1976; 30]. Унинг формуласи А Б В тарзида бўлади, яъни мазкур қурилмали ўхшатишлар ўхшаган, ўхшатиш қайди тарзида шаклланади. Алишер Навоий шеърий асарларида бу каби тўлиқсиз ўхшатишлар миқдори анча кўп бўлиб, шоир улардан кенг фойдаланган. Куйида шунга доир айрим мисолларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз:

Эй кўнгул, дайр ичра ул кофирни севдунг билки йўқ

Риштае ўзни анга боғлар учун зуннордек [Навой, 1988; 273].

Байтни тавсифлашдан аввал ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолдан чиққан сўзларни изоҳласак, мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи мисрада қўлланган *дайр* сўзи арабий бўлиб, унинг луғавий маъноси *бутхонадир* [НАЛ, 1972; 175]. У ўзбек мумтоз адабиётида одатда *майхона* мажозий маънода ифодаланган. Мазкур мисрадаги *кофир* сўзи ҳам арабий бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида *ислом динини танимовчи, гайридин* маънода истифода этилади. Мумтоз адабиётда эса ушбу сўз аксарият ўринларда *раҳмсиз севгили* [НАЛ, 1972; 319] мажозий маънода қўлланган. Иккинчи мисрадаги *ришта* сўзи форсий бўлиб, унинг луғавий маъноси *ипдир* [НАЛ, 1972; 529]. Байт охиридаги *зуннор* сўзи форсий бўлиб, *муслмон давлатларда яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир* луғавий маънони ифодалайди

[НАЛ, 1972; 260].

Энди байтни тавсифлашга диққат қаратамиз. Унинг мазмуни куйидагича: “Эй кўнгил, бутхонаси бошқа ғайридин (ёки раҳмсиз севгили)ни севиб қолдинг, билгинки бунинг охири яхшилик билан тугамайди, бу худди мусулмон давлатларда яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир ипга ўхшайди, сен уни бир умр белингга боғлаб юришга (бир умр азобланишга) мажбурсан”. Байтда қўлланган *зуннор* – ўхшаган, *севги* – ўхшатиш, *-дек* – ўхшатиш қайди бўлиб, унинг қурилмавий формуласи А Б В шаклдадир. Англашиладики, шеъринг парчада ўхшаш, яъни Г ифодаланмаган. Аниқроқ қилиб айтганда, ишқнинг сифатий хусусияти ёки белгиси байтда лексик бирлик билан аниқ кўрсатилмаган.

Хусн мулки учра сендек шоҳи золим кўрмадим,

Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим [Навоий, 1988; 326].

Тавсифи: “Хусн давлатида сенга ўхшаган золим шоҳни кўрмадим, ишқ худудида ўзимдек нотавонни, яъни ночор, бечорани топмадим”. Байт мазмунидан англашиладики, ишқий мавзудаги ушбу шеърда моҳиятан *сен* кишили-колмоши маъшуқа, *ўзум* ўзлик олмоши эса ошиқ ўрнида қўлланган. Эътибор берилса, шеъринг парчада маъшуқа гўзал хуснлилар яшайдиган мамлакатдаги золим, раҳмсиз шоҳга, ошиқ эса ишқ худудидаги энг ночор кишига қиёсланган. *Сен*, яъни маъшуқа ва *ўзум*, яъни ошиқ – ўхшаган, *шоҳи золим* ва *нотавон* – ўхшатиш, иккала мисрада келган *-дек* ўхшатиш қайдидир. Байтдаги ўхшатиш структурасини формулада А Б В тарзида ифодалаш мумкин.

Гарчи сабрим уйи янглиг айладинг вайрон мени

Доимо, ё рабки, хуснунг мулкидек обод бўл [Навоий, 1988; 307].

Мазмуни: “Гарчи сен менинг сабр-чидамга ўхшаш уйимни вайрон этган бўлсанг ҳам, мен ҳар доим Яратгандан хуснинг (чиройинг, кўркинг) мамлақати обод бўлишини сўрайман”. Байтда *вайрон* (бузилган) ва *хусн* – ўхшаган, *сабр уйи* ва *мулк* – ўхшатиш, биринчи мисрадаги *янглиг* ва иккинчи мисрадаги *-дек* ўхшатиш қайдидир. Шеъринг парчадаги ўхшатишларнинг структурал-композицион қурилмасини А Б В формуласи тарзида ифодалаш мумкин. Демак, байтдаги ўхшатишларда А – ўхшаган, Б – ўхшатиш ва В – ўхшатиш қайдлари узвлари иштирок этган, ўхшаш, яъни ўхшатиш белгиси мазкур ўхшатишлар қурилмасида мавжуд эмас.

Алишер Навоий назмий асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион таҳлили жараёнида яна бир турдаги ўхшатишлар борлиги кўзга ташланди. Бундай қурилмали ўхшатишларда фақатгина ўхшаган ва ўхшатиш узвлари воқеланади, холос. Уни формулада ифодалайдиган бўлсак, у А Б тарзида намоён бўлади. Англашиладики, бу каби ўхшатишларда ўхшатиш қайди (шартли шакли – В) ҳамда ўхшатиш белгиси (шартли шакли – Г)ни ифодаловчи узвлар бўлмайди. М.Мукаррамов “Ўзбек тилида ўхшатиш” китобида мазкур турдаги ўхшатишлар хусусида куйидагиларни ёзади: “Воситасиз ўхшатишлар ўхшатиш объект билан ўхшовчи образнинг ўзидангина иборат бўлади. Уларда ўхшатиш белги ҳамда ўхшатиш ифодаловчи элементлар ҳам бўлмайди.

Буларда ўхшатиловчи объект – эга, ўхшовчи образ – от кесим вазифасида келадиди” [Мукаррамов М., 1976; 30]. Ўхшатишнинг мазкур турига оид айрим мисолларни қуйида таҳлил этишига ҳаракат қиламиз:

Оҳ дудин, ашк қонин, нола маддин айлагил

Зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимга арз [Навой, 1988; 230].

Алишер Навоий ғазалидан келтирилган мазкур байт ишқий характерда бўлиб, унда форсий *ашк* (кўз ёши, *қар.* НАЛ, 1972; 68), арабий *мад* (чўзилиш, узайиш, *қар.* НАЛ, 1972; 347) каби изоҳталаб сўзлар қўлланган. Тавсифи қуйидагича: “Оҳим дудини, кўз ёшим қонини, чўзилган ноламни сунбул зулфли, гул юзли, сарви хиромонимга арз айлагин”. Бошқача тарзда байтни изоҳлайдиган бўлсак, унинг мазмунини қуйидагича ифодалаш мумкин: “Ишқ дардидан беҳад азобланган ошиқнинг оҳ-нолаларини, кўзидан ёш ўрнига қон оқиб турганлигини, чексиз нолаларини зулфи сунбул (яъни қоп-қора, хушбўй соч, *қар.* НАЛ, 1972; 259), юзи гул, сарви хиромон (яъни гўзал юришли нозанин, севгили, *қар.* НАЛ, 1972; 547)га арз қил”.

Байтда маъшуканинг зулфи сунбул (арабий, бир турли хушбўй қора рангли ўсимлик, *қар.* НАЛ, 1972; 575)га, юзи гулга, хиромони (яъни ўзини ҳар томонга ташлаб, ноз билан юриши, *қар.* НАЛ, 1972; 656) ҳиди ёқимли, хушқомат сарв дарахтига ўхшатишган. Англашиладики, мазкур шеъринг парчада маъшуканинг *зулфи, юзи, хиромони* – ўхшатишган, *сунбул, гул, сарв* эса – ўхшагандир. Бу ўхшатишнинг қурилмавий формуласини А – ўхшаган, Б – ўхшатишган тарзида ифодалаш мумкин. Унда В – ўхшатиш қайди ва Г – ўхшаш белгиси мавжуд эмас. Шу ўринда мазкур байтдаги *зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромон* бирикмалари хусусида айрим фикрларни айтиб ўтишни лозим топамиз. Мумтоз адабиётда, чунончи, Алишер Навоий шеъринг асарларида мазкур изофавий бирикмалар одатда барқарор ёки турғун бирикма тарзида ифодаланиб, алоҳида тушунча сифатида қўлланган.

Ики гунчанг эрмас, эй гулчеҳра, тенг,

Оғзинг асру тору кўнглинг асру кенг [Навой, 1988; 277].

Байт тавсифи: “Эй гул юзли маъшуқа, сенинг икки гунчанг тенг эмас, оғзинг асру (қадимги туркий сўз, *жуда, бениҳоя, гоятда*) тор бўлса, кўнглинг эса асру кенг”. Ушбу байтда англашиладики, маҳбубанинг оғзи ва кўнгли гунчага, яъни ҳали очилмаган, гулбарглари ҳали ёзилмаган гулга ўхшатишган. Фикрни аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, шеъринг парчадаги *оғиз* ва *кўнгли* – ўхшаган, *гунча* эса – ўхшатишгандир. Юқорида айтилганидек, унинг қурилиш формуласини А Б тарзида белгилаш мумкин. Унда В – ўхшатиш қайди ва Г – ўхшатиш белгиси мавжуд эмас.

Шоир шеъринг асарларида воситасиз ўхшатишлар миқдори анча кўп. Уларга доир айрим мисолларни қуйида келтириб ўтаемиз: *Ўрнида тишлар дури манзум эрур, Чун сочилур қиймати маълум эрур* [Навой, 1991; 59]. Тавсифи: “Тиш инжулари оғизда терилиб туради, улар назмга ўхшаб чиройли бўлади, агар оғиздан тушиб насердек сочилса, қиймати йўқолади». Англашиладики, шоир назмни оғизда кўркам тарзда тизилиб турган тиш дурларига қиёслади. Мазкур ўхшатишда ўхшатиш қайди ва ўхшаш белгиси қўлланилмаган. Алишер Навоий

ушбу байтда ўз даври анъанасига кўра насрга нисбатан назмга юқори баҳо беради; *Варду шажар шоҳид эрур боғ аро, Лек ўтун силкидадур тоғ аро* [Навоий, 1991; 59]. Байт ташбиҳ санъати асосида қурилган. Унда шоир боғдаги гул ва дарахтларни назмга, тоғдагиларни (улар одатда ўтин ҳисобида қаралади) насрга ўхшатади. Бу байтда ҳам шоир назмни насрга нисбатан юқори мавқега қўйган.

Назм анга гулшанда очилмоғлиги,

Наср қаро ерга сочилмоғлиги [Навоий, 1991; 61].

Бу икки мисрада гулнинг ўз шоҳида очилиб туриши назмга, хазон бўлиб сочилиши насрга ўхшатишларнинг икки тури мавжуд. Биринчи турида А – ўхшаган, Б – ўхшатиш ва В – ўхшатиш воситаси иштирок этади. Унинг формуласин А Б В тарзида ифодалаш мумкин. Буни юқорида Алишер Навоийнинг *Гарчи сабрим уйи янглиғ айладинг вайрон мени Доимо, ё рабки, ҳуснунг мулкидек обод бўл* каби байтлари мисолида кўриб ўтдик. Шоир мазкур турдаги ўхшатишларни вокелантириш учун *янглиғ, киби, мисоли, бамисоли, -дек, сингари* каби ўхшатиш қайдларидан кенг фойдаланган.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, шоир шеърӣ асарларида тўлиқсиз ўхшатишларнинг иккинчи тури, яъни А – ўхшаган ва Б – ўхшатиш қурилмалари ўхшатишлар муҳим ўринга эга. Улар шоир назмий асарларида алоҳида тизим сифатида шаклланган. Тўлиқсиз ўхшатишнинг ушбу турига шоирнинг *Оҳ дудин, ашк қонин, нола маддин айлагил Зулфи сунбул, юзи гул, сарви хиромонимга арз* байти яққол мисол бўлишини юқорида айтиб ўтдик. Бундай турдаги ўхшатишлар таъсирчанлиги, бадий-эстетик завқ уйғотишига кўра ташбиҳ бадий санъати тизимида “энг кучли” сидир. Абдурауф Фитрат ўз ўрнида “Адабиёт қоидалари” асарида ўхшатишлар хусусида фикр билдириб, мазкур турдаги ўхшатишлар энг таъсирчан эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади [Фитрат, 2006; 51].

Ўхшатишлар ўхшатиш узвларининг биттадан ёки баъзи узвларнинг бирдан ортиқ бўлишига қараб, содда, мураккабланиш ва мураккаб бўлиши мумкин [Ёқуббекова М., 2005; 46]. Содда ўхшатишларнинг структурал формуласи А Б В Г тарзида бўлади. Бунга мисол сифатида Алишер Навоийнинг куйидаги байтини келтириб ўтиш мумкин:

Биҳишту бўйнума ҳавро салосили зулфи

Чу сенсиз ўлса гумон айла банду зиндондек [Навоий, 1991; 273].

Шоирнинг ушбу байтида А – *зулф*, Б – *зиндон*, В – *-дек*, Г – *биҳишт*. Анг-лашиладики, унинг структурал қурилмаси А Б В Г дир. Ўхшатиш узвларининг барчаси мазкур ўхшатиш формуласида мавжуд бўлиб, улар биттадан қўлланган. Айтилганидек, бу каби ўхшатишлар содда ўхшатишлар сифатида белгиланади.

Мураккабланиш ўхшатишларда ўхшатиш таркибидаги узвлардан бири икки ва ундан ортиқ миқдорда мавжуд бўлади. Бунга шоирнинг куйидаги байтини мисол сифатида келтириб ўтамиз:

Элга қилиб ул ҳамла ёмон ит киби,

Қайси ёмон ит, қопогон ит киби [Навоий, 1991; 275]

Шоирнинг ушбу байтида А – *ул*, Б – *ит*, В – *киби*, Г – *ёмон, қопогон*.

Англашиладики, унинг структурал қурилмаси А Б В Г Г дир. Мазкур ўхшатиш қурилмали ўхшатишда ўхшаш белгиси битта эмас, балки иккита: *ёмон* ва *қопогон*. Шунга кўра бундай структурали ўхшатишларни мураккаблашган ўхшатишлар сифатида белгилаш керак.

Мураккаб ўхшатишларда эса ўхшаган бир неча бор ўхшатишга киёсланади. Бунга мисол сифатида қуйидаги байтни келтириб ўтамиз:

Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек

Ким, танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек [Навоий, 1988; 263].

Байтда ҳозирги ўзбек адабий тилида истемолда бўлмаган айрим лексик бирликлар қўлланган. Дастлаб, уларнинг луғавий маъносини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Форсий *сийминбар* сўзининг луғавий маъноси айнан *қумуш бадан* бўлиб, у мумтоз адабиётда *оқ бадан*, *оппоқ*, *гўзал* мажозий маъноларда қўлланган. Шоир ушбу сўзни ана шу кўчма маъноларда ғазалида истифода этган. *Сийминбар* сўзи мумтоз адабиётда *сиймбар* шаклида ҳам қўлланилганлигини кузатиш мумкин [НАЛ, 1972; 558]. Энди байт тавсифини келтириб ўтамиз: “Ул, яъни қомати сарв, бадани оппоқ, гўзал маъшуқа гули серобдек келса, танимда кўнглим ҳар замон сиймоб (симоб)га ўхшаб титрайди”.

Эътибор берилса, биринчи мисрада А – *ул* ўхшаган бўлиб, бу сўз маъшуқа тушунчаси ўрнида қўлланган. Шу мисрада маъшуқа Б – *сарв*, *сийминбар*, *гул* ўхшатишга. Англашиладики, ўхшаганни тавсифлаш учун битта ўхшатиш эмас, балки учта ўхшатиш қўлланган. Мисрадаги ўхшатишнинг қурилмавий формуласини А Б Б В Г тарзида ифодалаш ўринли бўлади. Мисрадаги В – *-дек*, Г – *сероб* бўлиб, улар мазкур мураккаб ўхшатиш турининг воқеланишида иштирок этган.

Алишер Навоий шеърий асарларида, айниқса, ишқий мавзуидаги ғазалларида маҳбубанинг кўркини тавсифлашда мазкур қурилмавий, яъни А Б Б ... В Г типидagi ўхшатишлардан кенг фойдаланган. Бундай формулалар ўхшатишлар шоирга маъшуқанинг ички ва ташқи гўзаллигини бадий нуқтаи назардан тўлиқ, аниқ ва таъсирчан ифодалаш учун асос бўлган, десак хато қилмаган бўламиз.

Алишер Навоий шеърий асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион таҳлили натижаларига кўра шоир назмий асарларида ўхшатишлар мазкур жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эгаллиги, ўхшатиш узвларнинг иштирокига кўра икки турли, яъни тўлиқ ўхшатишлар ҳамда тўлиқсиз ўхшатишлар қўлланилганлиги, воситасиз (ўхшаган ва ўхшатишган узвлари мавжуд) ўхшатишлар, яъни А (ўхшаган) ҳамда Б (ўхшатишган) қурилмали ўхшатишлар бошқа структурали ўхшатишлардан нисбатан кўпчиликни ташкил этиши кабилар аниқланди. Шоирнинг бу каби формулалар ўхшатишлардан кенг фойдаланганлик сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин: шеър талабларидан бири ихчамликка интилиш хусусияти муҳим эканлигини назарда тутадиган бўлсак, шоир шунга амал қилишга ҳаракат қилган; мисраларда маънонинг сиқик берилиши эҳтиёжи шоирдан мазкур турдаги ўхшатишлардан кенг фойдаланишга ундаган бўлса, ажаб эмас; оригинал, ўзига хос, таъсирли, эстетик қиймати юқори даражали ташбиҳлар яратишда ушбу қурилма шаклига эга ўхшатишлар самара беришини шоир яхши англаган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shahri. -T.: Yangi asr avlodi, 2016. -320 b.
2. Aristotel. Poetika. - Toshkent: Yangi asr avlodi, 2004. -194 b.
3. Yoqubbekova M. O'zbek xalq qo'shiqlarining lingvopoetik xususiyatlari. –Toshkent: Fan, 2005. -161 b.
4. Ishoqov Y. So'z san'ati so'zligi. -Toshkent: Zarqalam, 2006. -319 b.
5. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. –T.: Fan, 2006. -76 b.
6. Mamajonov Z. O'xshatish asosidagi she'riy san'atlarning nazariy tavsifi va tasnifi: Filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dis. avtoref. – Toshkent: 2017. -48 b.
7. Mahmudov N., Xudoyberganova D. O'zbek tili o'xshatishlarining izohli lug'ati. –Toshkent: Ma'naviyat, 2013. -320 b.
8. Mixnyuk K.O. Vzaimosvyazi kategoriy sravneniya i otsenki // Yaroslavskiy pedagogicheskiy vestnik. – 2011. -№ 1. –S. 129-133.
9. Mukarramov M. O'zbek tilida o'xshatish. –T.: Fan, 1976. -134 b.
10. Navoiy asarlari lug'ati. –Toshkent: Adabiyot va san'at, 1972. -791b.
11. Navoiy. G'aroyib us-sig'ar. Yigirma tomlik. –Toshkent: Fan, 1988. -3 tom. -613 b.
12. Navoiy. Hayratul-abror. Yigirma tomlik. –Toshkent: Fan, 1991. -7 tom. -613 b.
13. Fitrat. Adabiyot qoidalari. Tanlangan asarlar. V jildlik. -Toshkent: Ma'naviyat, 2006. -IV jild. –B. 11-88.
14. Hojiahmedov A. She'riy san'atlar va mumtoz qofiya. -T.: Sharq, 1998. -107 b.
15. Husayniy Atoullah. Badoyi'-us-sanoyi'. (Fors tilidan Alibek Rustamov tarjimasini). -Toshkent: Adabiyot va san'at, 1981. -400

REFERENCES

1. Abu Nasr Faroobi. A city of noble people. -T.: Yangi asr avlodi, 2016. -320 p.
2. Aristotle. Poetics. - Tashkent: Yangi asr avlodi, 2004. -194 p.
3. Yoqubbekova M. Linguopoetic features of Uzbek folk songs. –Tashkent: Fan, 2005. -161 p.
4. Ishakov Y. Dictionary of word art. -Tashkent: Zarqalam, 2006. -319 p.
5. Yuldoshev M. Fundamentals of literary text and its linguopoetic analysis. –T.: Fan, 2006. -76 p.
6. Mamajonov Z. Theoretical description and classification of poetic arts based on analogy: Doctor of Philosophy in Philology (PhD) dis. avtoref. - Tashkent: 2017. -48 p.
7. Mahmudov N., Khudoyberganova D. Annotated dictionary of Uzbek language analogies. –Tashkent: Manaviyat, 2013. -320 p.
8. Mikhnyuk K. On the relationship between the categories of comparison and evaluation // Yaroslavl Pedagogical Bulletin. - 2011. -No. 1. –S. 129-133.
9. Mukarramov M. Analogy in Uzbek. –T.: Fan, 1976. -134 p.
10. Dictionary of Navoi's works. –Tashkent: Adabiyotvasan'at, 1972. -791 p.
Тадқиқот усуллари сифатида кузатиш, таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида хусусий радиостанциялар ва “сарик матбуот” деб аталувчи нодавлат матбуот нашрларининг пайдо бўлиши ижтимоий ҳаётда қатор ўзгаришларга олиб келди. Аудиториянинг оммавий ахборот воситаларига бўлган муносабати тубдан ўзгарди ва талаби ошди. Анъанавий радиоэшиттиришларни тингловчиларнинг қабул қилиш даражаси бироз пасайди. Давлат газеталаридаги материаллар ўқувчини қизиқтирмай қўйди. Хусусий радиостанциялар ва матбуот нашрларида янгича кўринишдаги медиаматнлар пайдо бўлди. Шов-шувга асосланган, бирозгина енгил қабул қилинадиган, айрим мутахассислар фикрича енгил-елпи деб қаралаётган материаллар пайдо бўлди. Яъни собиқ иттифоқ даврида шакланган, таъбир жоиз бўлса, бир

қолипдаги медиаматнлар эндиликда оммани қониқтирмай қўйди. Қатъий сценарийга асосланган эшиттиришлар аста-секин ўз ўрнини тўғридан-тўғридан эфирларга, бошловчи ва тингловчи мулоқотига, диалогларга бўшатиб берди. Хусусий радиостанциялардаги интерактив мулоқотлар давлат радиоканалларига ислохотларни олиб кирди. Олдинлари оқшом пайтида бир соатли жонли эфир бераётган давлат каналлари тўғридан-тўғри дастурларни кўпайтирди. Бу тажрибани биринчи бўлиб “Ёшлар” радиоканали бошлаб берди ва кейинчалик бошқа давлат радиоканаллари ҳам амалда қўллай бошлади.

Санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари элементларини мужассам этган омухта, синкретик соҳа – телевидение эса маърифат яратувчи, халқнинг сиёсий-илмий тафаккурини, эстетик дидини шакллантирувчи, дунёқарашига таъсир ўтказувчи муҳим оммавий ахборот воситаси сифатида майдонга чиқди. Ахборот етказишдаги тезкорлик, тарғибот-ташвиқот, тасвирнинг кучи ва турфа имкониятлар эвазига телевидение оммавий ахборот воситалари орасида алоҳида ўрин эгалламоқда. Телевидениенинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан жиддий фарқли жиҳатлари мавжуд. Бунда аввало, телевидение имкониятларининг кенлиги ва кўплиги назарда тутилади. Бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқли равишда бу ерда ижодий жамоа иши – сценарий муаллифи, режиссёр ва тасвирчи муносабатлари масаласи қўйилади ва биринчи ўриндаги аҳамиятга эга. Экран орқали кўрсатилаётган кадр сифати ва савияси учун режиссёр ва тасвирчи масъул ҳисобланади. Бундан ташқари кўрсатув тайёрлаш жараёнига видеомуҳандис, монтажчи, чироқчи, пардозчи, овоз режиссёри каби ижодий жамоа таркибига кирувчи мутахассислар ҳам иштирок этади. Маълумотларга кўра, миллий ТВнинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан яққол устунлиги тасвир кучи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг мавқеи юқорилигича қолмоқда.

Медиаматн тайёрлашга қўйилган талаблар бирмунча ўзгарди. “Телевизион журналист воқеани нафақат эҳтиросли сўз, чиройли рамзлар, телетомошабин ақли ва қалбига етиб борадиган тасвирлар, ёқимли овоз, характерли шовқин, кўрсатув моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган мусиқа ва бошқа новербал воситалар ёрдамида яратади. Шу сабабли, тележурналист тасвирий санъатдан, кино сиру-синоатларидан, ёзувчилик маҳоратидан, мулоқот қилиш, муносабатга киришиш, дипломатия санъатидан, электрон техниканинг иши асосларидан яхши хабардор бўлиши керак” [Абдухолиқов И., 2007; 3]. Аудиовизуал журналистика, хусусан, телевидениеда муаллиф тили ва услуби масаласи алоҳида ўрин тутади.

Фалсафий нуқтаи назардан медиаматн реал ижтимоий ҳаётни оғзаки нутқ, тасвир ва рамзлар орқали англашдир. Телевизион журналистикада “овоз – нутқ – тасвир” муҳим аҳамият касб этади. Мазкур уч унсур кейинги йиллари телевидение соҳасида қатор ўзгаришлар рўй беришига олиб келди. Телевизион медиаматнларнинг бир қанча турларга: журналистларнинг алоҳида ижодий ишлари, бадиий фильм ёки сериал матни, телетрансляция (концерт, спектакллар) матнлари, реалити шоулар матнлари, реклама матнлари, рекреатив медиаматнларга

бўлинади.

Хусусий телеканаллар дастурларида рекреатив телелойиҳалар алоҳида ўринга эга бўлиб, аудитория, айниқса, ёшлар бу кўрсатувларни севиб томоша қилади. Улар ўғитлар асосига қурилган дастурлардан кўра, енгил қабул қилинувчи жанрларда тайёрланган асарларни севиб томоша қилади. Кейинги йиллари хусусий тармоқда рекреатив шоу жанридаги кўрсатувлар ортиб бормоқда. Рекреатив дастурлар тараққиёти дастлаб Ғарбда кузатилиб, тенденция тусини олди: “Телевиденининг универсал характерга эгаллиги, унинг атрофига жамоатчиликнинг асосий қисми жам бўлишига сабаб бўлмоқда: а) аҳолининг асосий қисми учун ахборот инқилоби телевидение соҳасида сезилмоқда; б) техник нуқтаи назардан телеускуналар сони ўсмоқда; в) аҳолининг ТВ орқали дам олишга бўлган истаги кучайиб бормоқда; г) оммавий коммуникация воситалари ичида омма учун энг машҳур восита телевидение бўлиб қолди; д) реклама учун энг қулай ва таъсирчан воситага айланди; е) телевидение кенг жамоатчиликни йиға олди; ж) ток-шоулар томошасига миллионлаб одамлар шошилмоқда. Телевидение соҳасидаги бундай ўсишни Буюк Британия, АҚШда яққол сезиш мумкин. Техник нуқтаи назардан ҳар бир одамнинг уйида – кабел телевидениеси, шахсий компьютер, видеомагнитофон, интернет бор. Бундай мосламаларнинг кенгайиб бориши – дам олишга бўлган талабнинг ўсиши билан белгиланади” [Уэбстер Ф., 2007; 236].

Бугун бу тараққиёт хусусий телеканалларда яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, “Zo`r TV” телеканалининг “Борига барака”, “Адреналин шоу”, “The cover up” каби лойиҳалар оммалашди. “Zo`r TV”да эфирга узатиб келинаётган “Адреналин” оилавий, юмористик, танлов кўринишидаги телешоу. Кўрсатув муаллифлари Отабек Мирзахолов, Аҳмад Темуров. Оилалар иштирокидаги мазкур қизиқарли шоудан ўрин олган мусобақалар оиланинг ҳар бир аъзоси учун мўлжалланган. Хронометражи 25 дақиқа. Кўрсатувнинг дастлабки сони 2017 йили 19 апрелда эфирга узатилган. Унда икки оила (Камолиддиновлар ва Ҳабибовлар) иштирок этган ва бир неча шарт бўйича беллашган. Барча шартларга узоқ тўхталмасдан айримларига эътибор қаратамиз. Биринчи оила 3 киши (эру хотин ва ўғли), иккинчи оила (эру хотин ва 2 фарзанди) билан шоуга таклиф этилган.

Кўрсатувнинг тепага осилган олмани қўли боғланган ҳолда ейиш шартини ота ва иккинчи оиланинг фарзанди амалга оширди. Бола-чақали, оқ-қорани таниган ота-оналарнинг кўрсатувга олиб чиқилиб, бу тахлит томоша кўрсатиши қанчалик бизнинг менталитет ва одоб-ахлоқ меъёрларимизга мос келади? Шарт ниҳоясига етгач, иштирокчилардан фикр сўралди. Навоий вилояти Зарафшон шаҳридан ташриф буюрган Ҳабибовлар оиласи бошлиғи Рустам ака кўрсатув зўр бўлаётганини таъкидлаб, “Пока, что адреналин набирается” деб сўзини яқунлади. Ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилинмагани етмагандай, рус тилидаги сўзлардан фойдаланиш аудиторияга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Кўрсатувнинг кейинги шартини “ХТ – Ҳолатини топ” деб номланган бўлиб,

унда иштирокчилар кўзлари боғланган ҳолатда бошловчилар кирган ҳолатни қўллари билан уларнинг танасини пайпаслаб кўриб, ўзлари ҳам шу ҳолатга киришлари талаб этилади. “Адреналин” нимани тарғиб қиляпти? Бир эркак, иккинчи эркакни шу ҳолатда пайпаслаб кўриши “оммавий маданият”нинг энг хунук кўриниши эмасми? Ҳар ҳолда ўйин экан деб, ҳар қандай шартни экранга олиб чиқиш миллий кадриятларимизга умуман тўғри келмайди.

Уч хил турдаги ичимликни аралаштирган ҳолда ичишни ўз ичига олган “Коктейл” шарида биринчи оила вакили – помидор шарбати, сариқ сув ва айронни, кейинги оила вакилига – помидор шарбати, сариқ ва қора рангли сувни аралаштириб ичиш шартни қўйилди. Энг аввало, шарт соғлиқ учун зарарли эмасми, шу ҳақда бош қотириш керак. Одатда, бундай шарт ўтказилаётган пайтда иштирокчиларда кўнгил айниши, ич кетиши каби салбий ҳолатлар кузатилиши инobatга олиниб, шифокорлар таклиф этилиши жоиз эди. “Ховотир омен” дея гап бошлаган бошловчи, “соғмисиз ока, маббу неччи” дея 2та бармоғини кўрсатиб, очикдан-очик иштирокчини калака қиляпти.

Ларри Кинг бошловчилик соҳасида кўп йиллик тажрибага эга. У ўз асарларида тил меъёрларига амал қилиш ҳақида ҳам тўхталган. “Телебошловчи гапирганда, сўзларни талаффуз қилганда, адабий тил меъёрларига тўла амал қилиши, урғуни керакли ўринга қўйиши, мавзу моҳиятига қараб оҳангни ўзгартириб бориши керак. Бунинг учун телебошловчи тил машқини ўташи талаб этилади. Тил машғулоти нутқнинг равон бўлишида энг самарали воситадир” – дейди у [Кинг Л., 2008; 9].

Таниқли адиб Аҳмад Аъзамнинг 2013 йили “Ёшлик” журналида чоп этилган “Гулзордаги алафлар” мақоласида бугунги давр учун муҳим бўлган тил ва услуб масаласи кўтарилган. “Сюжет бўйича “эру хотин” айтишиб қолади. Шунда “хотин” “эри”га аччиқ қилиб, сиз кетсангиз, мен ҳам биттасини топиб оламан мазмунида: “Тешик мунчоқ ерда ётмайди”, деди. Суратга олиш тез-тез тўхтаб, сахналар қайта-қайта олинади, орадаги танаффусда ўша “хотин” актрисага: “Синглим, сценарийдан чиқманг. Тешик мунчоқ ерда ётмайди” эмас, “Тешик кулча ерда ётмайди” эди”, дедим. Актриса русча ўқиган, табиий муомаласи, тили ҳам ўрисча эди. “Йўқ, мен шундай дейман! Мунчоқ тешик бўлади (Нет, я так говорю! Мунчаки тешик бывают)”, деб менга ақл бўлди. Оббо, мунчоқнинг тешигини билар экан, лекин шундай мақол борлигидан тубдан беҳабар! Тепадан пастга тушмаса, қаёқдан ҳам билсин! Фалончихон, бу – кенг тарқалган халқ мақоли, ўзбекчани бузиб айтманг. Ҳа мунчоқ тешик бўлади, лекин майдалигидан ерга тушса ҳам кўринмайди, ётаверади. Аммо, кулча – бу нон, шунинг учун унинг тешиккулчаси ҳам ерда ётмайди. Мабодо, тушиб қолса ҳам, одамлар олиб, кўзига суртади”, дедим” [Аъзам А., 2013; 2].

Афсуски, “Zo`r TV”нинг “Адреналин” лойиҳаси ўзининг бачканалиги, адабий тил меъёрларига мутлақо риоя қилмаётганлиги, рус тилидаги сўзларнинг қўлланилаётганлиги, “оммавий маданият” тарғиботида хисса қўшаётганлиги, бир сўз билан айтганда, аудитория тилига салбий таъсир кўрсатаётганлигини ҳар қандай ҳолатда ҳам оқлаб бўлмайди.

Рекреативликнинг нодавлат телеканалларда тарқалишида дунё тажрибасида қўлланилаётган энг сўнги усуллардан фойдаланиш урф бўлмоқда. Жумладан, шоу-бизнес вакилларининг телевизион ижодга жалб этилаётгани машҳурликни таъминлайди. Бунга мисол тариқасида “Zo`r TV”нинг “Хонтахта” (Жаҳонгир Позилжонов), “Божалар-community” (Жаҳонгир Позилжонов), “The cover up” (Алишер Узоқов), каби лойиҳаларни келтириш мумкин.

“The cover up” шоусининг илк сони 2017 йил 12 март куни 19:30да эфирга узатилган. Жонли ижро тарғиботига бағишланган мазкур лойиҳа ғояси ва концепцияси яхши ўйлаб топилган. Ният холис. Аммо, инглизча ном қўйилганини қўллаб-қувватлаш қийин. Жаҳонгир Отажонов экспертлигида эфирга чиққан махсус сонидан санъаткор ижросида айтилган кўшиқлар Машҳурбек Раимжонов, Умидахон, Рухшона, Шаҳзод Муродов сингари ёш ижрочилар томонидан қўйлаб берилди ва мутахассис томонидан баҳоланди (“The cover up”, 02.04.2017.).

“The cover up”нинг соф таржимасини глобал тармоқдаги луғатлардан излаб кўрдик. Бузиб ёки янгича кўринишда ижро этиш маъносида изоҳ ҳосил бўлди. Бундай лойиҳа ўзбек миллий телеканаллари сегментида учрамаганлиги боис, давлатга қарашли бўлган “Ёшлар” телерадиоканали таркибидаги “Наво” телеканалда “Янгича cover” лойиҳаси пайдо бўлди. Миллат лексиконида бўлмаган янги сўз нодавлат телеканалда пайдо бўлиб, давлат телеканалларида ҳам тан олинди. Давлат тили ва унинг мавқеи ҳақида гап кетаётган ҳозирги пайтда кўрсатувларга бундай номлар қўйиш бизни қўйилган мақсаддан чалғитади. Ҳозирда қуйидаги каналларда кўрсатувлар хорижий номлар билан атаб келинмоқда:

1. Гараж – “Milliy”.
2. Mtv Show Kids – “Milliy”.
3. Mtv Show – “Milliy”.
4. M – news – “Milliy”.
5. TV – sale – “Milliy”.
6. Made in India – “Milliy”.
7. Voydod Karaoke – “Milliy”.
8. Hello Africa – “Milliy”.
9. Shakkar time – “Milliy”.
10. M-zone – “Milliy”.
11. Sms-chat. – “Yoshlar”.
12. Start-up-club – “Yoshlar”.
13. Uzex – “Yoshlar”.
14. General english – “Yoshlar”.
15. Kameradar – “Yoshlar”.
16. Yoshlar klip paradi – “Yoshlar”.
17. My business – “Yoshlar”.
18. Blogpost – “Yoshlar”.
19. Pavilon – “Zo`r TV”.
20. Real xit – “Zo`r TV”.

21. Puls 11 41 – “Zo`r TV”.
22. Magnit – “Zo`r TV”.
23. Bumerang – “Zo`r TV”.
24. Online 360 – “Zo`r TV”.
25. Animal 360 – “Zo`r TV”.
26. Aristokratlar – “Zo`r TV”.
27. Bojalar drive – “Zo`r TV”.
28. Travel time – “Zo`r TV”.
29. Скетч-шоу (Scetch Show) – “Zo`r TV”.
30. Stend up o`zbekcha – “Zo`r TV”.
31. The cover up – “Zo`r TV”.
32. Божалар- community – “Zo`r TV”.
33. Адреналин шоу – “Zo`r TV”.
34. Янгича cover – “Navo”.
35. Reyd kamera – MY5.
36. “My shop” тижорат дастури – MY5.

Телеканаллардаги дастурлар номлари таҳлил қилинар экан, гарчи номи миллий бўлса-да, “Milliy” телеканалида 10 номда, “Zo`r TV” да 13 номда, “Yoshlar” телеканалида 8 номда хорижий тиллардан олинган сўзлардан кўрсатувларни номлашда фойдаланилган. “MY5”, “Navo” телеканалида биттадан лойиҳалар учради. “Sevimli” телеканалида ажнабий номлар учрамаганини ижобий баҳолаш мумкин.

Юқорида номи тилга олинган “Yoshlar” телерадиоканали ҳақида гап борганда, унинг фаолияти ҳам бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб йўлга қўйилган. Телеканалда эфирга узатиладиган дастурларнинг асосий қисмини информацион дастурлар; мусиқий кўрсатув ва шоулар; интеллектуал ўйинлар; ҳажвий кўрсатувлар; бадий фильм ва телесериаллар; ток-шоулар ташкил этади. Каналнинг бир кунлик дастурини кузатар эканмиз, кўрсатувларнинг аксарияти кинокўрсатувлардан иборат бўлиб қолган. “Ош бўлсин!”, “13 студия”, “Дугоналар”, “Қизлар мактаби”, “Фан ва ёшлар”, “Соғлом ҳаёт”, “Давр мавзуси” сингари телекўрсатувлар эфирга узатилса-да, улар том маънода оммавий эмас. Уларни ёшлар истаган, ёшлар севиб кутадиغان дастурлар қаторига қўшиб бўлмайди. Президентнинг 2017 йил 30 июндаги Қурултойдаги нутқида “Ёшлар” телерадиоканали ҳам ўз имкониятларидан самарали фойдалана олмаётганига, ёшлар аудиториясига ихтисослашган оммавий ахборот воситалари ҳам ўз фаолиятини тубдан ўзгартириши лозимлигига, аввало, қуруқ расмий гаплардан қочиш, танқидий таҳлил, креатив ёндашув, бугунги ҳаётни бутун кўлами, мазмуни, керак бўлса, мураккаблиги билан ёритишда журналистлар фаоллик кўрсатиши кераклигига эътибор қаратган эди. Канални оммалаштириш, томошабинни кўпайтириш, янги креатив кўрсатувлар тайёрлашда ажнабий сўзлар иштирокида дастурларга ном бериш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Ўзбекча номлар билан ҳам яхши натижа, юқори рейтингга эга бўлиш мумкин.

Миллий телеканаллар масъулларининг ўзбек тилига бўлган бундай муно-

сабатини оқлаб бўлмайди. Хориждан кириб келган, аудитория онгига сингдири-лаётган, мулоқотда ҳам кенг қўлланилиши бошланган ажнабий сўзлардан имкон қадар воз кечиш лозим. Агар ўз вақтида чора кўрилмаса, тил бузилади, дид бузилади, дунёқараш ўзгаради, Ғарбга ҳавас уйғонади, ғарбликларга тақлид кучаяди, “оммавий маданият”га йўл очилади. Биз ҳеч иккиланмай буларга ўзимиз йўл очиб беряпмиз. Эътибор берилса, хорижий сўзлардан кўрсатувга ном бериш анъана тусини олди. Ижодкорларда омма эшитмаган янги сўзлар билан тижорий муваффақиятга эришиш бош мақсад қилиб олинган.

Кўрсатувларнинг аксарияти рекреатив лойиҳалар бўлиб, улар аудиториянинг яхши кўриб томоша қиладиган дастурлари қаторида турар экан, интерактив мулоқотлар, ўзаро баҳс ҳамда тортишувлар, фикр-мулоҳазалар билдириш жараёнида ҳар бир шахснинг индивидуал мулоқот маданиятида ўзгаришлар кириб боради. Шу тариқа: “Радио ва телевидение тили бутун мамлакат фуқаролари тилининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Радио эфирда ёки телевидениеда янграган янги сўзлар ва иборалар тез кунда ҳаммага тарқалиб, модага айланиб кетади. Бу эса телерадио журналистлар тилига алоҳида масъулият юклайди. Улар тил маданиятини асраши, жонли, ширали, адабий тилда гапириши зарур” [Фихтелиус Э., 2002; 121]. Бироқ, ҳамма бошловчилар ҳам ана шу қоидаларга амал қилиб, ўз устида жиддий ишлайди деб хулоса чиқариб бўлмайди. Буни телеканалларда турли номларда эфирга чиқаётган ўнлаб рекреатив кўрсатувлар мисолида кўриш мумкин.

Россиялик мутахассис Е.В.Струкова “Телевизионный новостной сюжет как разновидность медиатекста” сарлавҳали мақоласида телевизион янгиликларга хос бўлган икки жиҳатга эътибор қаратади. Уларнинг биринчиси янгилик тақдим этадиган телевизион медиаматнлар учун икки жиҳат, яъни биринчиси, “телевидениега хослик” (телевизионность), кейингиси “янгилик даражаси” (новостность)ни алоҳида кўриб чиқади [Струкова Е.В., 2008; 143–149]. Муаллиф телевидение табиатигагина хос бўлган уч унсур – “овоз – нутқ – тасвир” инobatга олинишини таъкидлайди. Маълумотнинг янгилиги ҳақида гапирилар экан, долзарблик унинг асосий характерли жиҳати бўлиши келтириб ўтилади. “Бугун”, “ҳозир”, “шу дақиқаларда” содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар экранда намoён бўлса, хабарнинг янгилиги ана шу сўзлар билан белгиланади. 2020 йил июль ойида “Zo`r” телеканаллида янги ахборот дастури иш бошлади. Кўрсатув жонли, тезкор, бошловчилар шиддатли. Ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналларида ҳам дастурда узатилган лавҳалар қисқа фурсатда оммалашмоқда. Аммо дастур номи жуда ғализ: “Бу кун”. Одатда сўзлашув услубида “бу кун” жумласи камдан-кам ишлатилади. Гап орасида қўлланилиши мумкин, холос. Кўрсатув номи инглиз тилида ҳам бериб бориляпти: “This day”. Назаримизда, кўрсатувни “Бугун” деб номлашнинг ўзи кифоя эди. Ўтган ва ўтаётган кун нафасини “бугун” сўзи ҳам ифодалай олади.

Ўз ўрнида эфир учун мўлжалланган ҳар қандай медиаматн экраннинг ўзига хосликлари, телевидение табиати инobatга олингани ҳолда яратилади. Г.Нишонovanинг таъкидлашича, “Аудиовизуал ахборот воситалари бизни кун

давомида таъқиб этиб, ҳаёт тарзимизни ҳам белгиламоқда, дунё воқеаларидан хабардор қилмоқда, тарбияламоқда, таълим бермоқда, кўнглимизни хушнуд қилмоқда. Бу эса замонавий шахс тафаккури, дунёқарашининг ўзгаришига, маданий қарашларига, кадрятларга ўзгача муносабатнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда” [Нишонова Г., 2013; 125-141].

Ҳар қандай телевизион асар, жумладан, рекреатив характердаги медиа-матн томошабин онги ва қалбига кириб бориши учун томошабинда қизиқиш уйғотувчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, буларга зиддиятли ҳолатлар (жараённинг кечиши: зиддиятнинг юзага келиши, ривож, нима содир бўлгани, ким ғолиб ёки мағлуб бўлгани, ечими); томошабинга руҳан яқинлиги (ўз ҳовлингдаги тўполон кўшни ҳовлида бўлаётган шовқиндан кўра қизиқарли); ҳиссиёт уйғота билиши; муайян шахслар билан алоқадорлиги (агар у машҳур шахслар билан боғлиқ бўлса, бу янада қизиқарли тус олади); ноодатийлиги (ит одамни тишлагани эмас – одам итни тишлагани каби); фойдалилиги; аудитория манфаатларининг ҳисобга олиниши зарур.

Рекреатив телевизион кўрсатувларда яқиндагина тасвирга туширилган профессионал кадрлардан кўра, архив материаллари, тезкор тасвирлар, ҳаваскорлик ишларидан фойдаланилиши томошабини кўпроқ қизиқтиради. Биргина “YouTube” орқали берилаётган видеоларнинг сифатидан қатъи назар омма уларни севиб томоша қилади ва бу ҳаваскорлик асарлари тезда машҳур бўлиб кетади. “Тошкент” телеканалининг ўзбек ва рус тилларида эфирга узатиловчи “Мобил камера” телелойиҳасининг машҳур бўлишига сабаб бўлувчи омилларнинг асосийлари – томошабинга руҳан яқинлиги, ҳаётийлиги ва оммада ҳиссиёт уйғота олишидир. Мобил сюжетларнинг муаллифи ҳамда томошабини томошабинларнинг ўзидир. Кўрсатувга аудитория томонидан суратга олинган “телеасарлар” жўнатилади ва эфирга узатилади.

Хулоса шуки, бугунги томошабин табиий овоз билан тасвир бирга ёзилувчи интершум, муайян маънони англатувчи табиий шовқинлар – олқишлар, ишқибозлар қичқирғи, сувнинг шилдираб оқиши кабиларни ифодаловчи life (инглиз тилидан таржима қилинганда “ҳаёт”)лар кўрсатув томошабинбоплигини таъминлайди. Лайф томошабинда воқеа-ҳодиса рўй бераётган жойда бўлгандек ҳиссиётни кечиш, баҳсларда иштирок этиш имкониятини беради ва кўрсатувга ўзгача руҳ бағишлайди.

Рекреатив видеоларга хос бўлган яна бир жиҳат, соҳага овозли кинодан кириб келган синхронларга муайян талаб қўйилмаслигидир. Амалда мутахассислар синхронларнинг хронометражини 25 (баъзи манбаларда 20) сониядан ошмаслигини таъкидлайдилар. Аммо, “YouTube” ёки бошқа ижтимоий тармоқларда, “Мобил камера” сингари кўрсатувларда берилаётган сюжетлар учун профессионал талаб қўйилмайди. Мобил камералар орқали тасвирга олинган кадрлар жамият ҳаётига яқинлиги боис аудитория уларни тез, осон ва яхши қабул қилади. Бир сўз билан айтганда, ахборот ва дам олиш функциясининг ҳамкорликда бажарилиши журналистиканинг жамиятдаги самарадорлигини белгиламоқда.

Ахборот-коммуникация технологияларининг ТВ соҳасига кенг татбиқ эти-

лиши муносабати билан медиаматн тайёрлашга қўйилган талаблар ҳам ўзгарди ва ҳозирда бу омиллар телевизион лойиҳалар тайёрлашда қўл келмоқда. Бунда:

1) интерактив кўрсатувларнинг жорийланиши билан рекреатив кўрсатувлар тайёрлашда жонли чиқишлар ортгани;

2) тижорийлашувнинг соҳага кириб келиши асносида, чиқишларда томошабин эҳтиёжлари кенг инobatга олиниб, аудитория талаблари бирламчи аҳамият касб эта бошлагани;

3) ахборот оқимининг кўпайиши оқибатида томошабинда танлаш имкониятининг ортгани;

4) телекўрсатувлар яратилаётганда олдиндан тайёрланган медиаматн (телевизион сценарий) қатъий қолипга суянмасдан, импровизация асосидаги чиқишлар муҳим ўрин тутаётгани каби омилларни санаб ўтиш мумкин.

Аммо рекреатив чиқишларда тил ва услуб масаласининг бир қадар иккинчи даражага тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Сабаби, бошловчи тили, кўрсатув услубида учрайдиган хатоларни техник имкониятлар, рақамли технологиялар ёпиб юборадиган бўлди. Чиқишлар шаклида муайян янгиликлар кириб бораётир. Бу янгиликларнинг ижобий ва салбий томонлари телемаҳсулотларда акс этаётгани турли қараш ва ёндашувларни юзага келтирмоқда. Ғарб телевидениеси томошабинларда “Рок-видео усулидаги тезкор монтаж телекўрсатувга бўлган қизиқишни ошириб, унда иштирок этиш ихтиёрини кучайтирди ва рағбатлантирди. Тасвирга туширилган кадрлар, планлар шунчалик тез алмашинар эдики, уларнинг кетма-кетлигидаги мантиқ шунчалик суст эдики, натижада телетомошабинлар образлар ўртасидаги боғлиқликларни ўзлари англаб олишга мажбур бўлар эдилар” [Рашкофф Д., 2003; 155]. Тасвир кучига таяниб ёзилган рекреатив медиаматн, журналист камчиликларини “бартараф қилиб”, енгил-елпи, юзаки, бетайин ёндашувларни кучайтирди. Кўча тили телевидениега кириб келди. Жаргонлар рекреатив кўрсатувларда эркин қўлланиладиган бўлди. Буларнинг барчаси жамоатчилик тилининг бузилишига, миллий хусусиятларнинг йўқолишига, халқларнинг кўп асрлик лисоний анъаналарига дарз кетишига олиб кела бошлади. Жумладан, “Қайтарилган жаннат” (“Возвращенный рай”) жаҳон маданияти билан интеграцияга кириша оладиган ва аудитория билан ҳақиқий алоқа боғлаши мумкин бўлган дастлабки имконият бўлди.

Журналистлар шуни эътиборга олишлари зарурки, содир бўлган воқеани ошкор қилувчи, провокацияли видеолавҳани яширин ҳолатда суратга туширган ҳар бир киши бу тасвирни мобил алоқа воситаси орқали янгилик дастурига тўғридан-тўғри жўнатиб, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик бир жанжални бутун жаҳонга ошқора қилиши мумкин. Полиция ходимларининг ўтказётган зулми, ноанъанавий алоқалар, болаларга нисбатан қилинаётган зўравонлик ва кўча-кўйда содир бўлаётган тартибсизликларни идора қила олмаслик ҳолатлари оддий маиший видеокамераларда тасвирга олиниб, асосан тижорат тармоқлари орқали намоиш этилган эди. Медиа бора-бора бошқариб бўламайдиган ҳолатга келиб қолди” [Рашкофф Д., 2003; 253]. Бундай ўсиш журналистикада маълум маънода профессионализмнинг йўқолиб боришига сабаб бўляпти.

ХУЛОСА

Рекреатив чиқишларда тил ва услуб масаласи бир қадар иккинчи даражага тушиб қоляпти. Сабаби – бошловчи тили, кўрсатув услубида учрайдиган хатоларни техник имкониятлар, рақамли технологиялар ёпиб юборадиган бўлди. Тасвир кучига таяниб ёзилган рекреатив медиаматн, журналист камчиликларини “бартараф қилиб”, енгил-елпи, юзаки, бетайин ёндашувларни кучайтирди. Кўча тили телевидениега кириб келди. Жаргонлар рекреатив кўрсатувларда эркин қўлланиладиган бўлди. Буларнинг барчаси жамоатчилик тилининг бузилишига, миллий хусусиятларнинг йўқолишига, халқларнинг кўп асрлик лисоний анъаналарига дарз кетишига олиб келди.

Гап телеканаллардаги тижорий муваффақият ҳақида борар экан, аслида ўз она тилимизда ишлатиладиган сўзлар билан ҳам кўрсатув рейтингини ушлаб туриш, омма эътиборига тушиш мумкин. Мисол учун, “Зирапча”, “Ширчай”, “Нижонда”, “Худуд”, “Меҳр кўзда”, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Мени кечир”, “Марказий студия”, “Хайрли кун” сингари лойиҳалар номлари бунга мисол бўла олади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. <http://moyuniver.net/mediatekst-i-kategoriya-razvitiya/>, (Mediatekst i kategoriya razvitiya, Kazanskaya nauka. №8, 2012.)
2. Mikoyan A.S., Problemi perevoda tekstov SMI: uchebnoe posobie. Yazik SMI kak
3. ob'ekt mejdissiplinarnogo issledovaniya / otv.red.M.N.Volodina. M.Izd-vo MGU, 2003.-S.23.
4. Abduxolliqov I. Telejurnalist ustaxonasidan // Sado. - 2007. - 2 fevral.
5. Webster F. Teorii informatsionnogo obshchestva. Per s angl. M.V.Arapova, N.V.Malixinoy. Pod red. Ye.L.Vartanovoy. - M.: Aspekt Press, 2004. - S.236.
6. King L. Kak razgovarivat s kem ugodno, kogda ugodno i gde ugodno (Perevodchik
7. Evgeniy Sipin) Izd-vo Alpina Publisher. - 2008. -S.9.
8. A'zam A. Gulzordagi alafilar, "Yoshlik", 6, 2013.- B.2.
9. Fixtelius E. Jurnalistikaning 10 qoidasi. - T.: Sharq, 2002. - B.121.
10. Strukova Ye.V.Televizionniy novostnoy syujet kak raznovidnost mediateksta, Vestnik Stavropolskogo gosudarstvennogo universiteta, 56/2008, -S.143-149.
11. Nishonova G. Kino va televidenie: kommunikativ faoliyat qirralari, "Barhayot
12. meros badiiy kommunikatsiya tarkibida" (ilmiy ocherk va maqolalar to'plami), T.:2013.-B.125-141.
13. Rashkoff D. Mediavirus. Kak pop-kultura tayno vozdeystvuyut na vashe
14. soznanie / Per. s angl. D.Borisov. - M.: Ultra. Kultura, 2003. - S.155.

REFERENCES

1. <http://moyuniver.net/mediatekst-i-kategoriya-razvitiya/> (Media text and category of development, Kazan science. No. 8 2012.)
2. Mikoyan A.S., Problems of translation of media texts: a tutorial. The language of the media as an object of interdisciplinary research / editor-in-chief M. N. Volodina. Moscow State University Publishing House, 2003.-P.23.
3. Abdukholliqov I. From the TV journalist's workshop // Sado. - 2007. - 2 February
4. Webster F. Theories of the Information Society. Per from English. M.V. Arapova, N.V. Malykhina. Ed. E.L. Vartanova. - M. : Aspect Press, 2004. - P.236.

5. King L. How to talk to anyone, anytime, anywhere (Translator Evgeniy Tsybin) Alpina Publisher. - 2008. –S.9.
6. Azam A. Grasses in the flower garden, “Youth”, №6, 2013.- P.2.
7. Fichtelius E. 10 rules of journalism. - T. : Sharq, 2002. - P.121.
8. Strukova E.V. Television news plot as a kind of media text, Bulletin of Stavropol State University, 56/2008, -S. 143-149.
9. Nishonova G. Cinema and television: aspects of communicative activity, “Living heritage as part of artistic communication” (collection of scientific essays and articles), T.: 2013.- P.125-141.
10. Rushkoff D. Media Virus. How pop culture secretly affects your consciousness / Per. from English. D. Borisov. - M. : Ultra. Culture, 2003. - S. 155.



Nasir Kambarov

Candidate of Philological Sciences, Professor at the English Translation Theory and Practice Department, Uzbekistan State University of World Languages, Tashkent, Uzbekistan

TRANSLATION AS A FIFTH SPEECH ACTIVITY

ANNOTATION

The present article deals with translation to be the fifth activity in addition to speaking, writing, listening and reading. It dwells upon it not as a type of exercise which is widely used in teaching a foreign language but as a separate type of activity. The main attention is also paid to different viewpoints on the matter and the author made an attempt to prove that the translation can be used both as a skill and a type of activity requiring special competence for mastering it as a specialty. Translation, being an independent science, has its own methods, ways, rules and important competences which are in its domain.

Key words: translation; skill, competence; activity; a foreign language; (written) translation; interpretation; sub-skills; approaches; viewpoints.

Носир Қамбаров

Таржима бешинчи нутқ фаолияти сифатида Филология фанлари номзоди, Ўзбек давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси профессори

ТАРЖИМА БЕШИНЧИ НУТҚ ФАОЛИЯТИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таржиманинг гапириш, ёзиш, тинглаш ва ўқиш кўникмалари билан бирга бешинчи кўникма сифатидаги аҳамияти илгари сурилади. Таржима чет тилини ўқитишда кенг қўлланиладиган машқлар тури сифатида эмас, балки алоҳида фаолият тури сифатида қаралади. Мақолада ушбу масала бўйича турли хил қарашларга эътибор қаратилади ва муаллиф таржимани мутахассислик сифатида ўзлаштириш учун ҳам кўникма, ҳам фаолият тури сифатида махсус компетенцияни талаб қилувчи фан эканлигини асослашга уринади. Зеро, таржима мустақил фан бўлиб, ўзига хос қоида, метод ва компетенцияларга эга.

Калит сўзлар: таржима; кўникма, компетенция; фаолият; чет тили; (ёзма) таржима; таҳлил; қўшимча кўникмалар; ёндашувлар; қарашлар.

INTRODUCTION

Training translators is closely connected with teaching a foreign language as the first one proceeds the second one. The important thing here is to pay attention to mastering the skills. Namely they differ when it comes to skills. For becoming a teacher students learn those four basic skills integrating them. When training translators along with those four basic skills an additional skill of translating/interpreting is taught. While training a translator the focus is on a written skill. Additional skill which is necessary for a translator is both reading and listening comprehension. As for an interpreter he will need listening and speaking skills first.

MAIN PART

Teaching any subject, first of all, it should be directed at training certain skills which later should be mastered. Translation is an independent science that has also its own skills to be trained. But in teaching a foreign language translation, in most cases, is considered as a type of exercises to train specialists in foreign language or teachers of foreign languages.

In recent years, translation activity has been widely used as a process as well as a fifth skill. It is explained by a number of factors. First, a person who knows foreign languages is obliged to have translation/interpretation skills and qualifications, regardless of the activity s/he performs and uses them (its written and oral forms) in her/his daily life; second, an English teacher needs it as a type of exercise, but also in the process of mastering the skills that must be applied directly in implementing them to the activity, third, a translator must have skills and sub-skills that s/he always uses in her/his work.

Translation in general is a skill that includes reading, writing, listening (comprehension) and speaking. Until now, in the literature on methodology, translation has been viewed, as mentioned above, as a type of exercise in the narrow sense in teaching a foreign language, for example, Russian scholar M.V. Konysheva (2016) in her article *Translation as a Means of Learning a Foreign Language* expressed her certain view on this issue. However, translation is a special skill and is taught specifically as it is taught to write or to speak. In teaching foreign languages, and in studying any language in general, translation must be understood in a broad sense, not in a narrow sense.

The existing literature in translation studies contains different views, understanding and approaches on the types of translation. Some scholars refer to the translation only as written and oral, while others acknowledge that translation and interpretation are divided into several sub-competence types in addition to translation and interpretations skills. But we think that we can add two more important sub-skills as *analyzing and editing*.

A person or a specialist who knows a foreign language and has no knowledge in translation may have writing, speaking, listening and reading skills but may not have (and it is undoubtedly so) translation skills. The following information on translation skills can be found at <https://www.pactranz.com/the-translator-skillset>. According to

the mentioned site there exist seven competency core skills and they are as follows:

1. Advanced language knowledge.
2. Excellent writing skills.
3. In-depth cultural knowledge.
4. Sound research skills.
5. Best practice translation and review processes.
6. Sound translation judgment.
7. Computing and CAT skills.

Here we see that the notion *translation skill* is considered broader. Among skills here we can distinguish only three of them, including writing, research and computing and CAT skills (See: <https://www.pactranz.com/the-translator-skillset>). One can notice the mixture of skills, sub-skills, competences and in some cases translator's abilities..

We think the notion *advanced language knowledge* itself includes reading, writing, and listening and speaking skills and the rest are knowledge, judgement and process.

In the process of learning a language translation is a part of it, along with a writing skill and if it is interpreting – speaking skills are trained. An Uzbek scholar J. Jalolov (1996) called translation a sub-skill. In the process of language teaching, translation skill, which is the fifth one of the four basic skills, is treated as an inactive type, if to tell more precisely a type of exercise, in comparison with others. The teaching of translation skills as a type of exercises differs from the skills that are used in the special training of translators (see Jalolov, 1996). The philologist will not have the skills of translation, but in the process of studying a foreign language, the skills will be taught on the integrated basis.

The above-mentioned types of translations refer to the process carried out according to the purpose of the activity and indicate the degree of necessity of that skill for him/her. It is considered important for an interpreter in addition to writing, speaking, listening and reading. A. Zimnyaya (1981) stated the fact that translation existed as a fifth type of speech activity in the 80-ies.

In order to be a translator/interpreter for a specialist with four basic skills of a foreign language, it is necessary to master the fifth speech activity – translation. A foreign language specialist or expert who has no special training in the field or without qualification of a translator/interpreter cannot be a professional translator. One should stress here one thing if a language expert is genius, i.e. s/he is gifted and that gift was granted by God then s/he is a translator/interpreter. This is an exception rather than a widespread phenomenon.

One more important thing should be underlined here. The term “translation” is also used in two senses: narrow and broad. The first one means general translation and the second one – written translation. And there is one more term which is “interpretation” which deals with oral form of translation. In English these two terms are differentiated but in Uzbek one and the same notion “tarjima” is used for both forms of translation. And to differentiate them, attributes “og’zaki” and “yozma” are used.

According to W.M.Rivers and M.S. Temperley (1978:327-328),“... in the system of teaching foreign languages, translation can be viewed from two points of view: as an object of educational and pedagogical activity and specialized (special) learning. It is a special object of translation, therefore, approach as a separate professional activity ... professional translator training in the field of methodology allows us to” guard against the issues and tasks set before us.

Another specialist in translation A. Pinar (2017:3-4) in his doctoral thesis writes: “Only recently have there been strong voices to bring the issue back under discussion in institutional settings. A growing number of researchers has begun to work on the use of translation in foreign-language teaching (Duff 1989; Stern 1992; Widdowson, 2003; House 2009; Cook 2010; Pym et al. 2013). For many years, language researchers and experts imposed the striking idea of L2-dominant classrooms with a strong emphasis on excluding translation and avoiding L1 use. They came up with a variety of reasons for their claim, with almost no empirical justification for their arguments; they failed to give any scientific evidence for the detrimental effect of translation on and during the process of foreign-language learning. Carreres (2006: 1) summarizes the current situation in the field as follows: “much valuable work has been done in the past decade in the field of translation pedagogy, but we still lack a strong empirical foundation on which to base our practice”. The present information and detailed research proves that translation is still means of teaching a foreign language and a type of exercises.

But now it is time to concentrate our attention on translation as a specialty with its skills, techniques and competences. It goes without saying that skills of translation and interpretation differ from each other.

There is also a difference between the skills of translation and oral interpretation specialists, which is considered the type of translation activity. Although there are general aspects of translation with interpretation, it is possible to observe certain differences in them. For example, Canadian translologist Brain Harris (2016:11) has shown that there are the following differences in the activities of interpreters and translators (see Visson, 2017, 11)):

Translation	Interpretation
1. In translation, the text is delayed, that is, it is created until the translation begins.	1. It is created on the spot and at the present time.
2. The text is finished and no changes are made.	2. The idea is incomplete, and in the process of creation, it is impossible to predict what it will end with.
3. Reading the text, putting aside a certain period of time, it is possible to return to it later.	3. The verbal message "disappears" quickly, the translator can only rely on his/her memory.
4. The text can consist only of a material consisting of words (that is, there is no hand or face movement in it – L.V.). The translator does not know under what circumstances it is written.	4. Thoughts are expressed by gestures, the translator sees directly in what conditions the message is created and the speaker's output.
5. Most texts are the product of a single author's work. The translator will have enough time to get used to his style.	5. In interpretation, the interpreter translates one or more entirely different speaking styles.

6. Since the text is written before, it does not have a direct strong emotional impact on the translator.	6. The interpreter knows only the harsh environment of the meeting; s/he her/himself is under the influence of this environment.
7. Before printing, the translator can reproduce the text and edit the scan from beginning to end.	7. The interpreter must translate correctly from the very beginning. S/he will not be given another chance.
8. The translator also does not know who is his/her recipient, like the author. There is no direct connection between the author and the reader.	8. The interpreter knows his/her audience, more precisely s/he sees it.

In showing the differences between the above written and oral translations, the author sees that it attaches more importance to the extralinguistic aspect than linguistic.

In our study, we believe that it will be expedient to use the term competency rather than the term skill. Different scholars use various names for the term skill, for example, *art of translation* (G'. Salomov), *translation skills* (N. Komilov), and *translation qualification*. As in general translation, much attention is paid to both interpretation and translation competences. Here translation competence is used in a broad sense. For example, interpretation implies memory and speech related to the competence and the ability to remember a word, a word combination, a sentence, numbers and proper names, and to recreate it in a foreign language or in a native language speech.

Without consecutive interpretation skills, it is impossible to switch to the simultaneous interpretation qualification. The main difference between simultaneous interpretation and consecutive interpretation is the process of taking place of the speech and of the translation. Listening and speaking in terms of importance in interpretation takes the important place in terms of its qualification, while in translation all the qualifications or sub-skill qualifications are in the first place.

Differences between interpretation and translation according to Brayn Harris, included the technical aspect of translation, but not the qualification. We believe that this difference can be presented as follows:

Translation	Interpretation
Writing skills (correct application of spelling, punctuation marks in the translated foreign language) + translation	Interpretation is based on listening, understanding and speaking skills.
Reading skills	Switching from one language into another
Wording skills	Whispering (Chouchoutage)
Review processing skills	Consecutive interpretation
Research skills	Simultaneous interpretation
Translation judgment skills	

RESULTS AND DISCUSSIONS

Thus except four basic skills it will be appropriate to differentiate one more skill and that is translation (both oral and written). In a narrow meaning translation is

a sub-skill in teaching a foreign language and in training translators the notion translation is used in a broad meaning and it is considered as a competence. A skill and competency seem to be similar, but in reality they are not. So we can observe, according to the information presented in the Internet source (<https://resources.hrsg.ca/blog/what-s-the-difference-between-skills-and-competencies>) certain differences between skills and competencies can be identified. “Skills are specific learned activities, while competencies “... **take “skills” and incorporate them into on-the-job-behaviors.** Those behaviors demonstrate the ability to perform the job requirements competently. Skills + Knowledge + Ability = Competencies” (Ibid).

CONCLUSION

In conclusion, we can say that translation and interpretation being one the basic skill as a component of the competence of training translators (interpreters) are widely used in teaching translation. In the process of training translators the mentioned skills and/or competences are taken into consideration and mastered. And they will be basis for training specialist and further the obtained skills will be upgraded or refreshed at in-training courses.

Translation exists as a fifth type of activity due to the existence of translating and interpreting skills without which the activity does not take place in any form. First four basic skills are mastered and afterwards additional two more skills – translating and interpreting (which are sub-skills in teaching a foreign language) and which are basic skills in training highly qualified specialists in translation.

REFERENCES

1. Visson, Lynn (2017) Simultaneous Interpreting from Russian into English. (Translation from English). - Moscow: R.Valent, - 320 p.
2. Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi. Chet tillar oily o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. – Toshkent: O'qituvchi, 1996. – 368 b. (Jalolov J.J. Teaching a Foreign Language. A text-book for the students of the higher educational institutions (departments). – Tashkent: O'qituvchi, 1996. – 368 p.).
3. Zimniaya, Irina Alekseevna. Uchebnoe posobie "Psixologiya perevoda": (Dlia vyssh. kyrsov perevodchikov) / [Sost. I. A. Zimniaya, V. I. Ermolovich]. - M. : MGPIIIa, 1981. - 99 s.
4. Konysheva M.V.Perevod kak sredstvo obucheniya inostrannomu yazyku/
5. Aktual'nye problemy obshchej teorii yazyka, perevoda i metodiki prepodavaniya inostrannyh yazykov // Sbornik trudov konferencii . 2016. S. 149-152.
6. Tarjima san'ati: Maqolalar to'plami (Tahrir hay'ati: G'.Salomov (mas'ul muharrir) va boshq.; To'plovchi T.Jo'raev) – T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1980. – 304 b.
7. Harris B. The Importance of Natural Translation. Working Paper #12, 1977. – 29 p.
8. Pinar A.(2017). The Role of Translation in Foreign-language Teaching. Doctoral Thesis. - Supervised by Prof. Dr. Anthony Pym. Tarrogon. – 229 p.
9. Rivers W.M., Temperley M.S. (1978) A Practical Guide to the Teaching of English as a Second or Foreign Language. – N.Y. - P.327-328.
10. <https://www.pactranz.com/the-translator-skillset>
11. <https://resources.hrsg.ca/blog/what-s-the-difference-between-skills-and-competencies>



Наргис Саримсакова

старший преподаватель кафедры языков, Академия
Вооруженных Сил Республики Узбекистан

ПОВЫШЕНИЕ ЗНАЧИМОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ОРФОЭПИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ КУРСАНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

АННОТАЦИЯ

